

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент Молия Институтини



ИСЛОМ БАНКИНГ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Тошкент - 2010

Аюпов Р. Х., Болтабоева Г.Р. “Ислом банкинг ва унинг имкониятлари”, -
Т.: ТМИ, 2010. - 107 бет

А Н Н О Т А Ц И Я

Ушбу китобчада ноанъанавий исломий молиявий муассасалар таҳлили ва уларнинг турли хил моделлари ҳақида сўз юритилади. Унда ҳозирги пайтда қўлланилиш соҳаси тобора кенгайиб бораётган жамоа корпорациялари тўғрисида, фоизсиз иқтисодий моделлар ҳақида, унинг анъанавий Ғарбона моделдан асосий фарқлари, фоиз ставкасининг маъноси ва моҳияти ҳамда унинг бошқача нуқтаи-назардан тушунтирилиши, фоиз ставкаси туфайли рўй бераётган ва бериши мумкин бўлган иқтисодий инқирозлар ҳақида маълумотлар берилади. Ундан ташқари, бошқача иқтисодий ёндошувларга асосланган ноанъанавий молиявий муассасалар моделларининг Ўзбекистон Республикаси шарт-шароитларида қўлланилиш имкониятлари муҳокама қилинади. Ушбу рисола «Ахборот-коммуникацион технологиялар кафедраси» нинг мажлисида кўриб чиқилган ва нашр қилишга тавсия этилиб, молия ва банк иши йўналиши бўйича таълим олаётган талаба ва илмий тадқиқотчилар ҳамда ноанъанавий исломий молиявий ташкилотлар ишини яқиндан ўрганмоқчи бўлганларга мўлжалланган.

Муаллифлар:

Аюпов Равшан Ҳамдамович – Тошкент молия институти «Ахборот-коммуникацион технологиялар» кафедраси профессори.

Болтабоева Гўзал Равшановна - Тошкент молия институти «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар:

Абдуллаев А. М. – Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети «Ахборот технологиялари» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори.

Кенжабоев О. Т. – Тошкент молия институти «Ахборот-коммуникацион технологиялар» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори.

Каримов Ф.Ш. - Тошкент молия институти «Бизнес ва иқтисодиёт» кафедраси профессори.

¹ Китобчадаги барча эпиграф-хадислар Муҳаммад Салим ибн Муҳаммад Раҳим Бухорийнинг «Дуррат-ул ваъзийн» - «Насиҳатлар дурдонаси» китобидаги «Илм фазилатлари баёни» бобидан олинган.

МУНДАРИЖА

«Олимни эъзозлаган одам хушҳол, бахтиёрдир ва олимлардан
тониб, уларга азоб берган одамнинг холига вой»

<i>КИРИШ</i>	3
1-Боб. Ҷамоа корпорациялари ва уларнинг фаолияти	
<i>1.1. Ҷамоа корпорациялари ҳақида тушунча</i>	4
<i>1.2. Ҷамоа корпорацияларининг бошқа ташкилотлар билан алоқаси</i>	10
<i>1.3. Ҷамоа корпорацияларининг молиявий фаолияти хусусиятлари</i>	14
<i>1.4. Ҷамоа корпорацияларининг фаолият турлари</i>	20
2-Боб. Ислом иқтисодий моделининг тадқиқи ва исломда фоизга бўлган муносабат	
<i>2.1. Ислом иқтисодий тизими ҳақида асосий тушунчалар</i>	28
<i>2.2. Фоиз ставкасининг моҳияти ва унинг турли хил жамиятлардаги қонуниятлари</i>	32
<i>2.3. Фоиз ставкасининг иқтисодиётга таъсири ва молиявий инқирозлар</i>	36
<i>2.4. Фоизнинг пул массаси ўсишига таъсири модели ва унинг таҳлили</i>	40
3-Боб. Исломий иқтисодий тизимнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари	
<i>3.1. Исломий иқтисодий тизим ҳақида тушунча</i>	50
<i>3.2. Фойда ва зарарни бўлиши амалиёти</i>	55
<i>3.3. Исломий молиявий воситалар ва амаллар</i>	60
<i>3.4. Фоизли ҳамда фоиз механизмасиз иқтисодий тизимлар математик моделлари ва уларнинг таҳлили</i>	65
4-Боб. Исломий кредит уюшмаларнинг амал қилиш механизми	
<i>4.1. Кредит уюшмалар ҳақида тушунча</i>	66
<i>4.2. Ислом кредит уюшмалари тузиши усуллари</i>	68
<i>4.3. Ислом кооператив уюшмаларини ташкил қилиши</i>	70
<i>Хулосалар</i>	72
<i>Иловалар</i>	76
<i>Фойдаланилган адабиётлар руйҳати</i>	90

Кириш

*«Бир боб илм ўрганиш, минг ракаат
нафл намозидан афзалроқдир»*

Бу рисола ғарб иқтисодий мактабларидан фундаментал фарққа эга бўлган турли хил кўринишдаги ва шарт-шароитлардаги жамоаларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий амалиёт ва назарияларни ўрганишга бағишланган. Бундай амалий назарияларнинг асослари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги бир қанча ташкилотларда амалга оширилган. Ушбу тадқиқот ишида жамоа ривожланиши корпорацияларининг ҳамда исломий иқтисодий моделнинг назарий асослари, унинг бошқаларидан фарқлари, фоизнинг асослари ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсири, фоизсиз банк ишининг ривожланиш йўллари кўриб чиқилади. Ундан ташқари, жамоа корпорациялари ва исломий банкларнинг ривожланиши тарихи, асосий босқичлари, уларда фойдаланиладиган турли молиявий усуллар кўриб чиқилган ва шунинг асосида фоизли банк ишидан фоизсиз банк ишига ўтиш жараёни ҳам имконият даражасида кўриб чиқилган. Молиявий операцияларни ўтказиш схемаларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам юқорида кўрсатилган ҳолатларни амалга ошириш йўллари кўриб чиқилган. Унда бир қанча жамоа корпорациялари ва ислом банкларининг фаолияти таҳлил қилинган. Ислом иқтисодий тизимида лизинг асосида молиялаштириш ҳамда тадбиркорликда бевосита иштирок этиш чизмалари ва шартнома асослари ҳам имконият даражасида кўриб чиқилган. Хулоса қисмида ўтказилган илмий тадқиқотлардан чиқарилган асосий таклиф ва мулоҳазалар қисқача ҳамда ихчам кўринишда келтирилади.

Ушбу рисола кўриб чиқиб, ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари билан мавзуларнинг холисона ёритилишига ойдинлик киритган ТМИ «Бухгалтерия» кафедраси доценти Мусаев А.Н. ва «Банк иши» кафедраси катта ўқитувчиси Набиев К.К. га чуқур миннатдорчилик билдирамыз.

1-Боб. Жамоа корпорациялари ва уларнинг фаолияти

*«Ҳар ким олим олдиди икки соат ўтирса ёки
иккита масала эшитса ёки бирга икки луқма таом еса
ёки икки қадам бирга юрса, Аллоҳ таоло унга
Жаннатда иккита бўстон ато қилур»*

1.1. Жамоа корпорациялари ҳақида тушунча

Жамоа корпорациялари (NCC - *New Community Corporations*) 1970 йилларнинг бошларида АҚШ да ташкил этилган ва уларнинг асосий мақсади бир ҳудудда яшайдиган ҳамда бир-бирини биладиган ва бир-бирига ишонган жамоа аъзоларига (*бизнинг маҳаллаларга ўхшаш*) ўз потенциал имкониятларини юзага чиқаришлари ва иқтисодий ривожланишлари учун кўмак беришдир. Уларнинг асосий миссияси ирқи, тили, дини, дунёкараши ва ранги қандайлигидан қатъий назар, ўзаро ишонч асосида бир-бирларига ёрдам бериб, молиявий мустақилликка эришиш ва жамият ривожланишига ҳисса қўшишдир. Жамоа корпорацияларининг асосий шиори – *«Оллоҳ барча инсонларни тенг ҳамда бир хил имкониятларга эга бўлган ҳолда яратган ва шунинг учун ҳам барча инсонлар бахтли бўлишига ҳақлидирлар»* деган фикрни илгари суради. Шунинг учун ҳам ишсизларга иш жойи яратиш, уйсизларга уй-жойли бўлишда ёрдам бериш, билимсизларга имконият даражасида таълим бериш, хунарсизларга бирор-бир касб-хунарни ўргатиш, ночорларга ижтимоий-маданий хизматлар кўрсатиш ҳамда иқтисодий ривожланишга эришиш йўлидаги сайъи-ҳаракатлар йиллар давомида жамоа корпорацияларининг асосий мақсади бўлиб келган. Улар амалга оширган ишларга мисол сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Халқ амалий санъати намуналарини яратиш ва уларни омма орасида тарғиб қилиш;
- Ишсизларга иш ахтариш имкониятлари ҳақида маълумот бериш ва бу фаолиятга уларни интерфаол тарзда жалб қилиш;

- Жамоа юмушларида ва ижтимоий ҳаракатларда қатнашишга иложи борича кўпроқ инсонларни жалб қилиш;
- Жамоа аъзолари хордиқ чиқариши учун маданий тадбирлар уюштириш ва уларга турли тоифадаги инсонларни таклиф қилиш;
- Жамоа учун энг муҳим бўлган масала ва муаммолар бўйича фикр алмашилиш тўғрақларини ташкил қилиш ва бу ишни доимий равишда амалга ошириш;
- Жамоанинг қаровсиз қолган фарзандларига билим бериш ва уларга касб-хунар эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиш;
- Жамоада фаолият олиб борган қариялар нафақага чиққанларидан сўнг, уларга яхши маиший шарт-шароитлар яратиш;
- Жамоа аъзоларининг фарзандларига боғчалар ва мактабдан олдинги бошланғич таълим муассасалари ташкил қилиш;
- Турмуш қурган ёшларга ва уйсизларга уй-жойга эга бўлишлари учун кўмак бериш;
- Жамоа фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа амал ҳамда ишларни ҳаётга тадбиқ қилиш ва бошқалар.

Бир-бирига ишонч, эзгуликка умид қилиш, позитив фикрлаш ва яхши ўзгаришлар бўлишига қатъий ишонч жамоа корпорацияларининг амалиёти ва ривожланишининг асосидир. Бу ижобий хислатларни ривожлантириш учун жамоа корпорациялари доимий равишда узоқ муддатли мақсадлар билан боғлиқ бўлган турли хил маросим ва тадбирлар ўтказадилар, ўзларининг илғор ишчи-хизматчиларини қутлайдилар ва тақдирлайдилар, бир-бирларининг оилавий маросим ва тантаналарида аҳиллик билан иштирок қиладилар, уй олган ёки бирор бир нарсага эга бўлган ва тақдирлаганларни тантанали табриклаш маросимларини ўтказадилар.

Жамоа корпорациялари ўзларининг мақсадларига эришиш учун узоқ муддатли тадбирлар ва ишлар режаларини тузиб кўядилар. Масалан, уларнинг режаларидан баъзи бирларига уй-жой билан таъминлаш, болалар тарбияси, ёшларга хизмат кўрсатиш, катта ёшдагиларни қўллаб-қувватлаш,

иш жойларини яратиш, таълим кабиларни киритиб, улар жамоа корпорациясининг кенгаши аъзолари томонидан тасдиқланадилар ва амалга ошириладилар. Хар бир режа амалга оширилганидан сўнг, хосил бўлган янги имкониятларни амалга ошириш учун жамоа талаб-истакларига монанд равишда яна янги режалар тузилади. Инсонларнинг билим ва имкониятларини ошириш ҳамда уларга ташкилий-техник ёрдам кўрсатиш жамоа корпорацияларининг узок муддатли ривожланиш дастурлари асоси бўлиб ҳисобланади. Корпорациянинг хизматчилари ва кўнгиллилар ўзларининг турли хил йўналишлардаги (*режалаштириш бўйича, ҳуқуқий соҳадаги, иқтисодий ривожланиш, молия-кредит, таълим-тарбия, илмий-амалий фаолият, жамоа фаолиятини ривожлантириш учун маблағ ва фондлар қидириб топиш бўйича*) билимларини жамоа аъзоларига ўргатадилар ва бу жамоа аъзоларини янада бой ва малакали қилишга етарлича имкон беради.

Жамоа корпорациялари бошқа шу турдаги ташкилотлар билан узвий алоқани амалга оширган ҳолда фаолият кўрсатиб, ўз ҳаракат доираларини ва имкониятларини янада оширадилар. Бунга мисол қилиб турли хил хизматлар кўрсатувчи ташкилотларни, шу жумладан, кредит уюшмаларини, болалар жамғармаларини, ёшлар уюшмаларини, фермер хўжаликларини, ижтимоий ҳаракат турларини, филантропик ташкилотларини, давлат хайрия ташкилотларини келтириш мумкин. Улар бундай ташкилотлар билан бевосита ва билвосита фаол алоқа олиб борадилар, шу жумладан, Интернет алоқа воситаларидан ҳамда имкониятларидан фойдаланиш, Интернет форумлари, блоглари ва ижтимоий сайтларида чиқишлар қилиш ҳамда ўз сайтларини яратиш воситасида фойдали халқаро алоқаларни ҳам амалга оширадилар. Айниқса, қишлоқ аҳолиси билан ўзаро алоқалар ҳам жамоа корпорациялари фаолиятининг бир муҳим турига айланган. Бу жамоа аъзоларини турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашдан ташқари, ўз маҳсулотларини қишлоқ аҳолисига сотиш ва фермерлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда уларни ҳам ўз фаолиятлари доирасига жалб қилишга

олиб келади. Ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан ҳамкорлик эса уларнинг маҳсулотларини воситачиларсиз сотиб олиш ҳамда жамоа аъзоларини бу маҳсулотлар ва хизмат турлари билан таъминлашни янада яхшилашга (*арзон ва тез*) олиб келади.

Имкониятларни кенгайтириш йўналишида иш олиб бориш ҳам жамоа корпорацияларининг муҳим бир фаолият йўналишларидан ҳисобланади. Чунки таълим, тарбия, муомала маданияти, касбий ва амалий билим олиш билан ўз имкониятларини ошира олган жамоа ички ва ташқи муҳитнинг турли хил ўзгаришларига тезкорлик билан мослаша олади ҳамда бу орқали унинг ривожланишига кенг имкониятлар яралади. Бу амал ҳам корпорациянинг ўз ички ресурсларни (*жамоанинг, корхона ва ташкилотларнинг, шаҳарнинг ёки вилоятнинг*) жалб қилиш ва уларни мақсадга мувофиқ ҳолда тақсимлаш орқали хал қилинади.

Хар қандай иқтисодий ривожланиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлгани учун жамоа корпорацияси ўз фаолиятини ривожлантириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида таваккалчилик миқдорини ҳам камайтириш мақсадида диверсификацияни амалга оширади, яъни, ўз маблағларини бир қанча фойдали лойиҳаларга йўналтиради. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида корпорация амалдорлари ва бошқарувчилар молиявий фаолиятининг шаффоф бўлишига ҳаракат қилинади ва уларнинг ишини жамоа орасида доимий равишда муҳокама қилдириб (*масалан, савол-жавоб, аноним анкеталар ёки Интернет дастурий-техник воситалари ёрдамида*), мансабдор шахсларни мунтазам равишда ротация қилишни амалга оширади.

Иқтисодий асосда ривожланиш ҳамда иш жойларини ташкил қилиш барча усул ва воситалар ёрдамида олиб борилади. Масалан, ишчи-хизматчилар учун турли усул ва кўринишларда реклама фаолиятларини амалга ошириш ёки уларга интернетда ўзига хос портфолиони яратиш ёки хизматчиларга интернетдан фойдаланган ҳолда яхши иш ва пул топиш имкониятларини ўргатиш буларга мисол бўлиши мумкин. Жамоа

корпорацияси савдо тармоқларида пул айланиши ва маҳсулот сотилишини жадаллаштириш мақсадида ҳар бир жамоа корпорацияси аъзоси иложи борида кўпроқ турдаги маҳсулот ва хизматларни ушбу корпорацияга тегишли бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларидан олишга интилиши керак бўлади. Масалан, улар озиқ-овқат маҳсулотларини ўз дўконларидан сотиб олишлари, турли хилдаги таъмир ишларини ўзларига тегишли бўлган устахоналарда амалга оширишлари, тўй ва тантаналарини ўз тўйхоналарида ўтказишлари, болаларини тарбиялаш ва ўқитишни ўзларида ишлайдиган ўқитувчиларга топширишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқа корхона ва ташкилотлар билан узоқ муддатли стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ҳам жамоа корпорациялари фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, улар жамоа тараққиёти билан боғлиқ бўлган турли хил лойиҳалар билан шуғулланадиган давлат ва жамоа ташкилотлари билан яқиндан алоқа қиладилар. Буларга мисол сифатида таълим-тарбия муассасаларини, ёшлар ташкилотларини, гуманитар ташкилотларни, турли-туман фондларни, фермер хўжаликларини келтириш мумкин.

Жамоа корпорацияларининг яна бир диққатга сазовор фаолият турлари сифатида уларнинг турли хил сабабларга кўра билим ва малакаси бўлиб қолган ёшларга ўзларига мос ишлар топиб бериш мақсадида йўналтирилган таълим беришни (*ёки малака оширишни*) ташкил қилишини кўрсатиш мумкин. Шу мақсадда жамоа корпорацияларида бир қанча ўқув ва қайта тайёрлаш масканлари ташкил қилинганки, улар аҳоли ва корпорациянинг ишчи-хизматчиларига ички ресурслардан фойдаланган ҳолда сифатли малака ошириш имконини беради. Кўпинча бу ишга яқин-атрофдаги коллеж ва таълим муассасаларининг педагоглари ҳам жалб қилинадилар.

1.2. Жамоа корпорацияларининг фаолияти ва уларнинг бошқа

ташкилотлар билан алоқаси

*«Кимки олимлар мажлисида ҳозир бўлиб, илм аҳлининг сўзини эшитса
ва унга амал қилса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унга ҳалол ризқ беради,
қабр азобидан озод этади, номаи аъмолини ўнг қўлидан беради,
Сирот кўпригидан уни яшин тезлигида ўтказади . . .»*

Жамоа корпорациялари ҳар қандай янги ишни бошлашдан аввал бу иш билан боғлиқ бўлган турли хил давлат ва нодавлат ташкилотлари билан яқиндан алоқа ўрнатадилар. Турли хил инсонлар билан, тадбиркорлар билан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан, таълим муассасалари билан ва давлат ташкилотлари билан яқин алоқалар корпорация фаолиятининг ажралмас интеграл қисмидир. Бундай алоқаларда турли хил суеистеъмолликлар, фирибгарликлар ва пул айланиши билан боғлиқ бўлган салбий ҳолатлар юзага келмаслиги учун жамоа корпорациясининг бошқарув кенгаши кўпчилик билан маслаҳатлашган ҳолда иқтисодий келишувлар ва алоқаларни амалга оширади. Ундан ташқари, бошқарув кенгашига боғлиқ бўлмаган ҳолда жамоа томонидан яширинча овоз билан сайланган назорат кенгаши ҳам бошқарув кенгаши молиявий фаолиятини доимий равишда назорат қилиб туриш учун хизмат қилади. Бу амал корпорациянинг фаолиятига ўзига хос шаффофлик киритади ва кўпчиликнинг ишончини қозонишда катта аҳамиятга эга бўлади. Бошқарув кенгашининг раиси эса ҳар икки ёки уч йилда қайта сайланади ва бунда айнан олдинги одамнинг яна бир марта қайта сайланишига йўл қўйилмайди. Бу сайлаш усули турли хил кўринишдаги мансабни суеистеъмол қилиш ҳолларига барҳам бериш учун амалга оширилади. Директорликка ва бошқарув кенгаши аъзолигига сайланадиган шахслар баъзи бир ҳолларда (агар бундай мансабларга сайланишни истайдиган номзодлар сони кўпайиб кетса) умумий билимни ва интеллектуал салоҳиётни - IQ тест текшируви

орқали аниқлагандан сўнги сайловга қўйиладилар (*бу даража қайси бир номзодларда кўпроқ бўлса, улар сайловда қатнашиши мумкин бўлади*). Бу иш кўпчилик орасидан энг муносиб номзодларни директорликка (*ёки бошқарув кенгаши раислигига*) ва бошқарув кенгаши аъзоллигига танлашга имкон беради. Хар йил охирида эса кенгаш раиси ва аъзоларининг фаолиятига махсус комиссия томонидан баҳо берилади ҳамда бу асосда уларнинг ўз ишларини давом эттириш ёки эттирмасликлари ҳал қилинади. Жамоа корпорациясининг кучи унинг бошқарув аъзоларининг халқчиллиги ва фаолиятининг жамоа ҳаёти билан узвий боғлиқлигида деб тушунилади ва шунга амал қилинади. Бунинг учун унинг жамоа ҳаётини, истак ва талабларини ўрганиш гуруҳи доимий равишда иш олиб боради ва жамоада юзага келган (*ёки келиши мумкин бўлган*) хар бир муаммони ҳал қилиш устида изланишлар олиб боради. Жамоа корпорацияси ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хар бир инсонга ёки бошқа жамоаларга молиявий, тарбиявий, услубий ва профессионал хизматларни ўз жамоаси манфаатларига зарар келтирмаган ҳолда кўрсатишга ҳаракат қилади. Бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ўзаро манфаат, ҳурмат ва ишончга асосланади. Мисол сифатида ёшлар автомобил клубини ташкил қилишда корпорация Форд автомобил корпорацияси билан ҳамкорлик қилиб, у билан билан дилерлик шартномасини тузди ва бу ишни ёшлар ёрдамида йўлга қўйди. Уйсиз инсонларга уй-жой куриб бериш дастурини амалга оширишда эса корпорация курилиш ишлари билан шуғулланадиган компаниялар билан ҳамкорлик қилиб, улар ёрдамида кўпчилик жамоа аъзоларини корпорацияга тегишли бўлган уйлар билан таъминлашга эришди. Уй олганлар узоқ муддатли ипотека шартларида ижара ҳақини корпорацияга тўлаб, замонавий уйларда яшаш имкониятига эга бўлдилар. Банклар билан ҳамкорлик натижасида эса жамоа корпорациялари ўзларига тегишли бўлган кредит уюшмаларини ташкил қиладилар ва бу билан жамоа аъзоларига тадбиркорлик фаолиятини юритишга имкон берадилар. Кредит олмоқчи бўлганлар корпорацияга аъзо бўлишлари ва ўз лойиҳаларини бошқарув

кенгаши олдида ҳимоя қилишлари керак бўлади. Ҳимоядан муваффақиятли ўтганларга керакли маблағ берилади, аммо бунда улардан олинган кредит учун фоиз тўлаш эмас, балки фойдага шериклик талаб қилинади. Улар муттасил равишда ўз лойиҳалари амалга оширилишининг қандай бораётганлиги ҳақида кенгаш аъзоларига маълумот бериб турадилар. Корпорациянинг молиячилари эса лойиҳа қандай амалга оширилаётганлиги ва маблағлар ҳаракати ҳақида доимий мониторинг олиб борадилар. Бундай кредит уюшмалар ўзаро манфаатдорлик асосида турли хил кредитлар беришни амалга оширадилар. Шунинг учун корпорациянинг кўпчилик аъзолари бир вақтнинг ўзида ҳам хизматчи, ҳам мижоз, ҳам резидент сифатида бўладилар. Ҳизматчилар учун алоҳида ресторан ва ошхоналар ташкил қилиниб, улар бу ерда нонушта, тушлик ва кечки овқат тановул қиладилар ёки ўзларининг турли хилдаги оилавий тантаналарини (*тўйлар, юбилейлар, маросимлар, йиғинлар ва ҳакозолар*) худди шу ерда ташкил қиладилар. Бу биринчи томондан, корпорациянинг янада бойиши ва ривожланишига олиб келса, иккинчи томондан жамоа аъзоларининг жипслиги ва ҳамдўстлигининг ортишига ва учинчи томондан умумий овқатланиш-дам олиш тармоқлари кўринишидаги янги доимий иш жойларининг ташкил қилинишига олиб келади. Жамоа корпорацияларининг мақсадлари жуда аниқ ва тушунарли: хизматчилар бу ерни энг яхши иш жойи деб, резидентлар эса уни энг яхши яшаш жойи деб, мижозлар эса бу ер энг яхши хизмат кўрсатиладиган жой деб билишлари лозим. Яхши ишчи бўлиш учун резидент ва мижозларга яхши хизматлар кўрсатиш лозим, яхши уй эгаси бўлиш учун эса унда яшовчи резидентларга ҳавфсизлик ва қулайликни ҳамда керакли хизмат турларини таъминлаш зарур, яхши хизмат кўрсатувчи бўлиш учун эса мижоз ва резидентларга сифатли хизматларни таъминлаб бериш зарур бўлади. Шунинг учун жамоа корпорацияларини «*шаҳар ичидаги кичик шаҳар*» деб ҳам номланади. Шунинг учун ҳам унинг давлат идоралари билан биргаликда ишлашига ва уларнинг ҳар бир даражаси ва бўғинлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишига алоҳида аҳамият берилади.

Айниқса корпорацияда амалга ошириладиган ишлар (*савдо, қурилиш, ободонлаштириш, ер майдони ёки турли хил объектларни ижарага олиш ва бошқалар*) учун турли хил рухсатномалар олиш, ҳавфсизликни таъминлаш, чиқиндиларни йиғиштириш, кўчаларни тозалаш ва таъмир қилиш масалаларининг ҳал қилиниши давлат органлари билан яқиндан ҳамкорликни талаб қилади. Жамоа корпорацияларининг фаолияти ва бошқалар билан ҳамкорлигига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

- Жамоа корпорациясининг эшиги унинг ишлари билан яқиндан танишиш, бирор бир муаммони ҳал қилиш ва натижаларни текшириш учун келган ҳар бир инсонга очиқдир;
- Корпорация маъмурлари нотўғри иш қилган ходим, ҳизматчи ёки ҳамкор билан турли хил усулларни қўллаган ҳолда муаммони ҳал қилиб олишга ҳаракат қилишдан ҳеч қачон чўчимайдилар;
- Жамоа корпорацияси доимо инновацион дастурларни қабул қилишга ва уларни маънавий-молиявий ҳамда техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёр;
- Корпорация аъзолари орасида ростгўйлик, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, билимлилик ва меҳнатсеварлик доимо чуқур қадрланади;
- Корпорацияга аъзо бўлаётган ҳар бир инсон ўз зиммасига жамоа олдида бир қанча мажбуриятларни қабул қилиши керак;
- Корпорациянинг ҳар бир ишчи-ҳизматчиси ўзининг ўрнини, ҳуқуқини, ҳизмат жойини ва ундан талаб қилинаётган малака даражасини билиши ва ўз ишини аъло даражада уддалай олиши керак;
- Ҳар бир инсон ўз-ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилишни билиши ва буни қандай амалга ошириш усулларни доимий равишда ўрганиши лозим;
- Корпорациянинг ҳар бир аъзоси муттасил равишда ўз малакасини ошириш устида иш олиб бориши керак;
- Қонунчиликни ва жорий қонунларни билиш ҳамда уларнинг моҳиятини тушуниш ҳар бир ҳизматчининг бурчи ҳисобланади;

- Жамоа корпорациялари узоқ муддатли ва стабил ҳамкорликка интиладилар ва буни жуда ҳам кадрлайдилар;

Бирор бир ташкилот билан ҳамкорлик қилиш учун музокара олиб боришда жамоа корпорациялари ҳизматчилари қуйидагиларга риоя қилиши талаб этилади:

- Музокара режасини тузиш ва унга имкон даражасида риоя қилиш;
- Мақсадни ёддан чиқармаслик ва худди шу нуқтаи-назардан музокарага ёндошиш;
- Қарши томоннинг кучли ва кучсиз томонларини билиб олиш ҳамда буларни музокара чоғида ҳисобга олиш;
- Музокара чоғида тўлақонли ишчи муҳитни яратишга ҳаракат қилиш;
- Музокарага юқори малакали ҳуқуқшунос ва ҳисобчиларнинг маслаҳатларини ҳисобга олган ҳолда қатнашиш ёки уларни ҳам музокарага жалб қилиш;
- Маслаҳатчилар кенгашидан тегишли маълумотларни олиш ва уларни ҳам музокара жараёнига жалб қилиш;
- Музокара учун керакли бўлган ҳамда унга тааллуқли ҳужжатлар намуналарини, қонун, қарор ва инструкцияларни олдиндан тайёрлаб қўйиш.

1.3. Жамоа корпорацияларининг молиявий фаолияти

хусусиятлари

*«Менинг умматларим олимларининг мартабаси
бани Исроил пайғамбарлари мартабасига тенгдир»
Расулulloҳ (с.а.в.)*

Жамоа корпорациялари ўз иқтисодий фаолиятлари ва турли хил молиявий операциялар ўтказиш учун молиявий капитал ҳаётий зарурлиги тан олган ҳолда ўз ҳизматчиларига молиявий капитал ресурсларини яратадилар ва уларни бошқариш масалаларини бунга лаёқатли бўлган барча ходимларига ҳамда турли хил лойиҳалар устида иш олиб бораётган тадбиркорларга

ўргатадилар. Корпорация фойдаланиши мумкин бўлган капитал манбаълари ва ресурслари қуйидагилардан иборат:

- Банклар ва уларнинг капитал етказиб бериш соҳасидаги имкониятлари;
- Корпоратив инвестициялар ва таъсисчиларнинг маблағлари;
- Халқ оммаси ва турли хил жамоалар таъминоти билан боғлиқ бўлган давлат дастурлари;
- Хилма-хил техник ёрдам дастурлари;
- Кредит уюшмалари (*шу жумладан, ноанъанавий*);
- Грантлар ва қисқа муддатли заёмлар;
- Филантропик ташкилотлар ва кўмак беришни истаган бадавлат кимсаларнинг хомийлик ёрдамлари;
- Халқаро ташкилотларнинг турли хил грант дастурлари;
- Жамоа корпорациялари учун кўзда туртилган солиқ афзалликлари;
- Давлат дотациялари ва йўналтирилган субвенциялари.

Кредит уюшмалари жамоа банклари ролини ўйнаган ҳолда аҳолини қисқа муддатли кредитлар билан таъминлайди, уларга уй-жой кредитлари (**mortgage**) беради, жамоа корпорацияси аъзоларининг фарзандларига эса узоқ муддатли таълим заёмлари такдим этади. Бунда улар федерал банкнинг грантларини ва давлат банклари депозитларини бошқариш имкониятига ҳам эга бўлишлари мумкин. Жамоа корпорациясига бирлашган барча индивидуал шахслар ва оилалар кредит уюшмасига қўшилишлари ҳамда унинг хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Булар жумласига корпорациянинг ишчи-хизматчилари ва уларнинг яқинлари, корпорация уй-жойларида истиқомат қилувчи резидентлар, корпорация хизматларидан фойдаланувчилар ва унинг лойиҳаларида иштирок этувчилар, корпорация хизматчиларининг фарзандлари бўлган талабалар ва уларнинг ота-оналари кириши мумкин. Жамоа корпорациялари солиқ тўлашдан озод қилинганликлари сабабли, уларнинг молиявий хизматлари бошқа молиявий муасасаларникига қараганда нисбатан арзон ва уларни бошқарув жараёни ҳам соддароқ усулда амалга оширилади. Шунинг учун унинг молиявий

хизматларидан (*масалан, жуда хам кичик миқдордаги микрокредитлар бера олиш имкониятларидан*) кўпчилик камбағал ва қашшоқ аҳолининг фойдаланиши имконияти яратилади. Иш ҳақининг бир қисмини олдиндан олиш имконияти (**overdraft**) ҳам аҳолининг пулга бўлган қисқа муддатли талабларини қондириш учун хизмат қилади. Пулларни сақлаш учун депозитлар таклиф қилиш ҳам жамоа корпорацияларининг аҳолига хизмат кўрсатиш турларидан биридир. Чунки жинойтчилик ривожланган кримоген худудларда кўпчилик ўз пулларини, шу жумладан, иш ҳақини ҳам банк депозитларида сақлашни афзал деб билади. Пулларни ишлатиш учун кредит карточкалардан, ҳисоб варақларидан, интернет-банкингдан ёки мобил телефон воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Уй-жой сотиб олиш учун чиқарилган сертификатлар воситасида уй-жойга эга бўлишда ушбу сертификатларни аста-секин сотиб олиш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ҳар гал бир (*ёки 0,1*) квадрат метрдан квартира сатҳи сотиб олиш ҳам аҳолига молиявий жиҳатдан унча ноқулайлик туғдирмайди. Агар 20 марта бир квадрат метрдан уй ёки ер сотиб олинса, бундай сертификатга эга бўлган инсон 20 квадрат метрли квартирага ёки 20 квадрат метр ер майдонига эга бўлиши мумкин. Бундай ишларни амалга ошириш учун жамоа корпорацияси маълум миқдордаги уй-жой ва ер фондига эга бўлиши керак бўлади, албатта.

Банклардан кичик миқдордаги кредитлар олиш қийинлашганлиги ва бундай кредитларга талаб ошганлигини ҳисобга олган ҳолда жамоа корпорациялари уюшмаси кичик бизнесни ривожлантириш ва янги иш жойларини яратиш мақсадида жамоа ривожланиш мультибанкини ташкил қилган. Бу банкка мамлакатдаги (*ёки бирор бир штатдаги*) барча жамоа корпорациялари таъсисчи бўлиб киришлари мумкин ва улар биргаликда иш олиб борадилар. Бу эса унинг молиявий ресурсларидан фойдаланган ҳолда кичик бизнеснинг ривожланишига ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилади. Лекин кичик бизнесни йўлга қўймоқчи бўлиб, кредитлар олганлардан жамоа корпорацияси бир муҳим нарсани талаб қилади: бу бизнесга жамоа

корпорацияси аъзоларини жалб қилиш мақсадга мувофиқлигини, акс ҳолда ушбу заём ёки кредит тасдиқланмаслиги мумкин бўлади. Кичик миқдордаги кредитлар олиш учун соддалаштирилган механизм жорий қилинган, катта миқдордаги кредитлар учун эса бу иш бирмунча мураккаб ҳолда амалга оширилади. Молиявий хизматларнинг яна бир турига ижтимоий инвестиция фондларини киритиш мумкин. Бу фонд аҳолининг камбағал табақалари учун уй-жой олиш ва ижтимоий хизматлар учун молиявий маблағлар ажратиш учун хизмат қилади. Демак, жамоа корпорацияларининг инвестицион юмушлари қуйидагилар билан характерланади:

- Жамоа корпорацияларининг инвестицион юмушлари жамоага капитал киритиш учун хизмат қилади;
- Корпорациялар тижорат банклари ва жамоа аъзолари орасида воситачи бўлиб хизмат қиладилар;
- Улар жамоа учун айнан мос бўлган кредит имкониятларини таклиф қиладилар;
- Жамоада кичик бизнес ривожланиши ва янги иш жойлари яратиш учун сайъи-ҳаракат қиладилар;
- Аҳолини уй-жой ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш йўлида иш олиб борадилар;
- Жамоа корпорациялари турли хил усуллар воситасида ўз аъзолари учун капитал жалб қиладилар;
- Тижорат банклари жамоа корпорациялари воситасида жамоа билан фаолроқ ишлаш имкониятига эга бўладилар.

1.4. Жамоа корпорацияларининг фаолият турлари

*«Олимлар мартабаси оддий мўмин мартабасидан
етти юз марта ортиқроқдир»*

Энди жамоа корпорацияларининг фаолият турларидан баъзи бирларини кўриб чиқамиз. Мисол сифатида янги жамоа корпорацияси санъат дастурини келтириш мумкин. Унинг асосий мақсади - болаларни, ўсмирларни ва барча жамоа аъзоларини уларнинг ижтимоий талаблари ҳамда қизиқишларини

ҳисобга олган ҳолда санъат ва маданий тадбирларга жалб қилишдир. Бунга жалб қилинганлар ёшларни санъатга жалб қилишдан ташқари, уларни бизнесни тушунишга, маркетинг ва янги маблағлар манбаъларини топиш (*фондрайзинг*) фаолиятларини амалга оширишга ҳам ўргатади.

Яна бир дастур уй-жой билан таъминлаш дастури деб аталиб, унинг асосий мақсадлари сифатида қуйидагилар таъкидланади:

- Даромади кам бўлган инсонлар учун ҳавфсиз, қулай, сифатли, арзон ва оддий уйлар қуриш;
- Уйларни лойиҳалаштириш ва қуриш жараёнига жамоа аъзоларини жалб қилиш орқали уларнинг қизиқишларини, уй-жойга эга бўлишлик ҳисси билан мағрурланишларини ва масъулиятларини ошириш;
- Янги уй-жойлар қуришда экологик тоза материал ва технологиялардан фойдаланиш.

Ушбу дастур асосида жамоа корпорациялари юз мингдан ортиқ резидентни сифатли уй-жой билан таъминлаганлар.

Дала-магазин усули бўйича савдо тармоқларини ташкил қилиш лойиҳаси тушуми кам бўлган оилалар учун озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда харид қилиш имконини яратди. Шаҳарларда эса бу лойиҳа асосида бир қанча супермаркетлар ташкил қилинган ва улардаги нархлар бошқаларидан анча фарқ қилиши, яъни пастроқ бўлиши билан ажралиб туради.

Уй-жой қурилиши билан шуғулланиш бўйича ташкил қилинган жамоа ташкилоти бир қанча ҳудудларда уй-жой қурилиши ва унинг таъмири билан банд бўлиб, кам даромадли аҳоли қатламлари учун қурилиш ёки таъмирлаш ишлари билан шуғулланади.

Ижтимоий лойиҳалар гуруҳига жамоа ривожланиш марказларини, болалар тарбияси билан шуғулланадиган ташкилотларни, жамоавий таълим-тарбия муассасаларини, медитация марказларини, спорт клубларини, дам

олиш зоналари ташкил қилишни ва интернетдаги жамоа корпорациялари ижтимоий сайтини киритиш мумкин.

Жамоа корпорациясининг кўчмас мулк билан шуғулланувчи бўлимнинг масъулиятлари қуйидаги тўрт йўналишда мужассамлашган:

- Мулкни бошқарув амаллари;
- Ҳавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар;
- Атроф-муҳитни ҳимоялаш ва экологик муаммолар билан шуғулланувчи хизмат;
- Резидентларни жойлаштириш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни бошқариш.

Жамоа корпорацияларининг ресторанлари ва ошхоналари унинг хизматчилари учун кунига уч маҳал овқатланишни таъминлаб беради ва бу хоналарда турли хил маросимларни ўтказди. Масалан, таништирув, қабул маросимлари, туғилган кунлар, тўй ва тантаналар, юбилейлар, учрашувлар, карнаваллар, қутловлар, турли хил байрам тадбирлари ва бошқаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Жамоа корпорациялари ўз молиявий маблағларини ва жамоа аъзоларининг пулларини жалб қилган ҳолда ўзаро ёрдам кассасини ташкил қилиб, ҳар бир жамоа аъзоси бу ўзаро ёрдам кассасидан жуда муҳтож бўлиб қолган тақдирда қўшимча маблағлар олиш имкониятига эга.

Жамоа корпорацияси ўз хизматчилари учун франчайзинг усулида савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини олиши мумкин. Бунда хизматчилар билан алоҳида келишувлар асосида иш олиб борилади. Бизнес инкубаторлар ташкил қилиш ҳам янги фаолият йўналишларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида турли хил инсонлар ўз бизнесларини йўлга қўйиш вақтида керакли маслаҳат, хизмат ва техник ёрдам олишлари мумкин.

2-Боб. Ислом иқтисодий моделининг тадқиқи ва исломда фоизга бўлган муносабат

*«Илмига амал қиладиган олим
Аллоҳ таоло назарида мингта шаҳиддан аълодир»*

2.1. Ислом иқтисодий тизими ҳақида асосий тушунчалар.

Ислом иқтисодиёти деган тушунча кўпчилик иқтисодчилар учун қандайдир нотабиий, қизиқарли ва ғайри-оддий тарзда тушунилади. Жаҳон иқтисодиётининг кўзга кўринган экспертлари ҳам буни ўзига хос феномен деб тушунадилар. Шунга қарамасдан исломий қонун-қоидалар асосида фаолият кўрсатадиган банклар анъанавий капиталистик иқтисодиётда ҳамда исломий мамлакатларда ўзининг муносиб ўрнини топиб бормоқда. Ғарб мамлакатларининг Шарқ билан иқтисодий алоқаларида ҳам бу тушунчалар тобора кўпроқ ва муҳим ўрин олмоқда. Исломий иқтисодий модел бир қанча илмий-концептуал асосларга ҳамда исломий дунёқарашларга монанд равишда ташкил қилинган. Унинг кўпчилик тамойил ва қоидалари Қуръони Каримда ҳамда бошқа фундаментал исломий ҳужжатларда аниқ ва равшан акс эттирилган. Уларда асосланган равишда кўрсатиладики, ҳеч бир инсон қандайдир қимматга эга бўлган заҳиранинг (*пул маблағи, товар, кўчмас мулк, гоя ва бошқаларнинг*) эгаси эмас, балки у ўз ҳаёти давомида бу заҳираларни бошқариш учун Оллоҳ томонидан тайинланган вакилдир. Ушбу заҳиралар беркитиб қўйилиши, хазинада сақланиши ёки чайқовчилик (*спекулятив*) операцияларда ишлатилиши асло мумкин эмас. Инсонга ишониб топширилган бундай заҳиралар Олоҳнинг ҳукмига кўра бутун жамиятнинг манфаати учунгина ишлатилиши лозим. Шу жумладан, заҳиралар иш юритувчиларга ҳам моддий мукофот келтириши, қўшимча қиймат ҳосил қилиши, товар ва хизматларнинг ҳажмини ошириши керак.

Фоиз натижасида пул массасининг оддийгина ўсиши тан олинмайди ва унинг фойдаси йўқ дейилади ҳамда бу гуноҳ амал деб ҳисобланади. Агар иқтисодий асосланган нарх тамоиллари бузилмаса, заҳираларнинг ишлатилиши ёки уларнинг алмашинуви инсонни-инсон томонидан амалга оширилган эксплуатация акти деб ҳисобланмайди. Фоизга асосланган кредит операциялари ўтказишга йўл қўйилмайди ва бу иш исломий анъаналарга асосан батамом рад қилинади. Заҳираларни ишлатиш жараёни улар эгаларининг фойда ва зарарларни бўлишиш амалиётидаги биргаликдаги иштироки билан амалга ошади. Шундай қилиб, молиячининг мукофоти корхонанинг охирги ва пировард натижаси билан аниқланади. Оддийгина қилиб айтганда, ислом банкларининг ҳозирги замон анъанавий банк тизимидан асосий фарқи - фоиздан қатъиян воз кечиш натижасида келиб чиқадиган тартиб-қоидалар мажмуаси бўлиб ҳисобланади. Бу ислом иқтисодчиларига жуда кўп объектив, субъектив ва спекулятив факторлар таъсирига жуда ҳам мойил бўлган «*пул баҳоси*» деган тушунча ўрнига «*капитал самарадорлиги*» деган тушунчани киритиш имконини беради. Молиявий соҳа нуқтаи-назаридан бу кўпчилик томонидан тан олинган ва ўрганган акциялар бозори фаолиятига ўхшаб кетади. Ҳақиқатан ҳам, капиталда бевосита иштирок этган ҳолда молиявий воситаларни йўналтириш – ислом молия тизимининг фундаменти ва асосидир. Жаҳондаги кўпчилик етакчи молиячиларнинг фикрича, худди шу тамоил корпоратив молиянинг келажагидир. Ислом иқтисодиётининг назарий асослари хўжалик фаолиятининг барча жабҳаларини ўзига қамраб олади. Лекин ислом иқтисодиёти тўлиқ ҳолда энг аввало исломий тартиб-қоидалар амал қиладиган жамиятларда қўлланилиши мумкин. Лекин унинг баъзи бир ижобий томонларини ғарб иқтисодий модели асосида ҳам бемалол ишлатиш мумкин. Ислом банклари бир қанча мамлакатларда, масалан, Покистонда, Бирлашган араб амирликларида, Саудия Арабистонида, Суданда, Эронда ва Малайзияда макроиқтисодий даражада фаолият кўрсатади. Бундай банклар исломий бўлмаган бошқа мамлакатларда, масалан, АҚШ да, Францияда,

Буюк Британияда, Данияда, Филиппинда, Россияда ҳам мавжуд. Ислом конунлари асосида бошқариладиган фондларнинг умумий йиғиндиси ҳозирги пайтда бир неча юз миллиард долларни ташкил қилади. Кейинги вақтларда ислом банклари жадал суръатлар билан ривожланаяпти ва ўсиш кўрсаткичи йилига 10-15% гача бораётгани ҳақида маълумотлар бор. Бир қанча Англия ва Америка банклари ўз мижозларига ислом нормаларига асосан хизмат кўрсатилувчи махсус бўлимлар очганлар (масалан, *Citibank, UBS*). Россияда ислом банкини ташкил қилиш ва ишлатишга Москва шаҳридаги тижорат банки «Бадр банк» мисол бўла олади. Рейтинг сўровларига асосан «Бадр банк» «сезиларли муаммолар йўқ бўлган» энг яхши банклардан бири бўлиб ҳисобланади. Бир қанча ислом молиявий ташкилотлари эса катта молиявий корпорацияларга айланди. Масалан, *Dallah Al Baraka Group* гуруҳига қирувчи *Al-Tawfeek and Al-Amin Companies* компанияси 260 дан ортиқ бўлимга эга, шу жумладан молиявий гуруҳ таркибида 24 банк ҳам мавжуд. Улар 40 дан ортиқ мамлакатларда иш олиб борадилар ҳамда активлари 6 млрд долларга боради. Яна бир исломий молиявий ташкилот Саудия қироли Мухаммад ал Файзал томонидан ташкил қилинган *Dar Al Vaal Islami Group* дир. *Kleinwort Benson, ANZ Investment bank* каби катта корпорациялар ҳам ислом иқтисодиёти асосида фаолият кўрсатадиган тузилмалар ташкил қилганлар. Бугунги кунга келиб, жаҳон исломий молия индустрияси 4 банк холдинг компаниялари, 100 тижорат банки, 16 инвестицион банклар, 34 молиявий ва инвестицион компаниялар, 30 суғурта компаниялари, 6 лизинг компаниялари, 8 халқаро савдо компаниялари, 10 ишонч (trust) бўйича бошқарув компаниялари, 4 дисконт уйи ва 8 брокер компаниялардан иборат. Ундан ташқари, исломий ассоциациялар, консалтинг компаниялари, бухгалтер ва аудиторлик, юридик ва бошқа турдаги фирмалар ҳам мавжуд.

Ислом оламига Ғарбона кўринишидаги молиявий муассасалар 19-аср бошларидан кириб кела бошлади. Албатта бу иш бир қанча қаршиликларга ҳам сабаб бўлди. 1953 йилдан бошлаб, ислом давлатлари исломий дунёқарашлар асосида фаолият кўрсатадиган кичик банклар ва жамоат

молиявий муассасаларини ташкил қила бошладилар. 1970 йилларда нефт маҳсулотлари нархининг тезлик билан ўсиши исломий давлатларни Ғарб молиявий муассасалари ва банклари билан муомала қилишда бир қанча муаммоларга олиб келди. Бу муаммолар орасида фоизлар масаласи ҳам бор эди. Ислом давлатларидаги аҳолининг тезлик билан ўсиши ва индустриализациялашиш муаммолари уларнинг олдига кенг миқёсдаги ва мураккаб ҳамда тижорий молия ташкилотларини яратиш масаласини қўйди. Бундай тамоиллар асосида ташкил қилинган банкларни Исломий банклар деб номлана бошланди. Исломий банкларнинг молиявий маҳсулотлари ичидан қуйидагиларни мисол тариқасида кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- a) ***Murabaha*** – Ислом банки керакли маҳсулотларни ўзи сотиб олади ва уларни келишилган нархда тадбиркорларга сотади. Улар маҳсулотларни қайта сотиш орқали қонуний хизмат кўрсатадилар ва қонуний фойда кўрадилар.
- b) ***Mudaraba*** – Исломий банк мижозга саноатда, тижоратда ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилиш учун маблағ беради. Бунда корхона банк билан келишилган ҳолда ўз фойдасининг маълум бир улушини бир неча йил давомида банкка бериб туради. Бу тўлов корхонага берилган маблағни, банк учун тўловни ва депозитор учун дивидендлар кўринишидаги тўловларни ўз ичига олади. Агарда корхона касодга учраса, у ҳолда бу билан боғлиқ йўқотишлар қарз олувчи, қарз берувчи ва унинг депозиторларига бўлинади.
- c) ***Muqarada*** – Ислом Банки бирор бир лойиҳани молиялаштириш учун «Ислом заёмлари» чиқаради. Бу заёмларни сотиб олганлар фойдадан ўз улушларини оладилар. Лекин бунда кўпинча катта фойда кўрилиши кузатилмаган, баъзи ҳолларда эса зарар кўриш ҳам мумкин.
- d) ***Musharaka*** – Ислом банки мижоз билан биргаликда унинг корхонаси Низом жамғармасида иштирок қилади ва бу корхонани бошқаришда ҳам иштирок қилиши мумкин. Банк ва мижоз ўзларининг Низом

жамғармасидаги улушларига монанд равишда фойда ёки зарарни бўлишадилар.

- e) ***Ijara-Ijara Wa Iktina*** – Ислом банки мижозга машина ёки шунга ўхшаш бошқа бир нарсани лизингга беради ёки уларни сотиб олиши учун заём чиқаради. Мижоз эса бу воситаларни сермахсул ишлатишни ва Ислом конунлари асосида сақлашни ўз зиммасига олади.
- f) ***Salam*** – Бу молиявий хизмат тури фьючерс контрактига жуда ҳам ўхшаб кетади ва бунда сотиб олувчи бирор бир нарсани ёки товарни кейинчалик етказилиб берилиш шарти билан унга олдиндан пул тўлайди. Мисол сифатида ҳозирда далада етилаётган хосилни олдиндан сотиб олишни келтириш мумкин.
- g) ***Muzara'a*** – Бу молиявий хизмат турига мисол сифатида банкдан пул олган ер эгасининг (*ёки ижарачининг*) фермер етиштирган хосилни мавсум охирида йиғиштириб олиб, уни сотиб, сўнгра пулини банкка топшириш мажбуриятини олишига тушунилади.

Кейинги йилларда ислом банклари ва исломий молиявий ташкилотлар кўлами анча кенгайди ҳамда улар бажара оладиган вазифалар миқёси ҳам кутилганидан зиёд равишда кенгайди. Турли хил жамоаларнинг анъанавий банк тизимларидан фарқли бўлган молиявий ташкилотларни қидириши ва ундан фойдаланишга интилиши икки асосий сабаб билан тушунтирилиши мумкин. Улардан биринчиси “*жамоа капитализми*” шакллана бошлаши бўлса, иккинчиси алоҳида олинган жамоаларга (*масалан исломий дунёқарашга қатъий амал қиладиган жамоаларга*) молиявий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш кераклиги туфайлидир. Буларнинг ичида жамоа банклари ва монетар бўлмаган кредит тизимлари ҳамда кредит уюшмаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам ислом банклари ва унинг турли хилдаги муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги №371-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ислом Ривожланиш Банкига

аъзо бўлган ва бу банкнинг устав капиталига 3 миллион 475 минг АҚШ доллари миқдоридан улуш киритиш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Бу улушнинг ҳар бири 10 минг ислом динорига тенг бўлган жами 250 та акцияга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги №596-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси «Хусусий секторнинг ривожланиши бўйича Ислом корпорацияси» га ҳам аъзо бўлган. Ушбу қарорга асосан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «Хусусий секторнинг ривожланиши бўйича Ислом корпорацияси» авуарларини сақлашига мўлжалланган депозитарий очиш ва у билан алоқаларни амалга ошириш вазифаси топширилган. Ушбу ҳужжатда ҳар бирининг қиймати 10 минг АҚШ доллари бўлган 5 акцияни беш йил мобайнида олиш ҳам кўзда тутилган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов умумий қиймати 83,2 миллион доллардан кўпроқ бўлган «Ўзбекистон Республикаси онкологик муассасаларини модернизация қилиш» лойиҳасининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини тасдиқлади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Ислом ривожланиш банки орасида баҳоси 37,04 миллион доллар бўлган замонавий медицина ускуналарини сотиб олиш бўйича Шартнома имзоланган. Лойиҳани амалга ошириш учун керакли бўлган Ўзбекистоннинг улуши 46,18 миллион долларни ташкил қилиб, ундан 8,37 миллион доллари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бериладиган афзалликлардан иборат деб белгиланган. Лойиҳа доирасида 32 миллион доллар ташҳислаш ва радиологик ускуналар сотиб олишга, 7,3 миллион доллар Навои ва Жиззахда онкологик марказлар қуришга ва 23,8 миллион доллар мамлакатимиздаги 13 онкологик марказларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун мўлжалланган. Лойиҳани амалга ошириш давомида Республика онкологик маркази ва Тошкент шаҳридаги онкологик диспансер биттадан чизиқли тезлаткич оладилар, бошқа диспансерлар эса компьютерлаштирилган радиотерапевтик

ускуналарга ҳамда мижозларни даволашга тайёрлайдиган замонавий тизимлар ва стимуляторларга эга бўладилар.

2.2. Фоиз ставкасининг моҳияти ва унинг турли хил жамиятлардаги қонуниятлари

«Судхўрларда етмиш уч хил гуноҳ мавжуд бўлиб, энг охиргиси – худди ўз онаси билан зино қилганга ўхшашдир»

Кредит келишувининг асосий элементларидан бири фоиз ставкасининг катталигидир. Фоиз ва кредит инсоният тарихида доимо ҳам мавжуд бўлмаган. Металл пуллар ва пул капиталининг пайдо бўлиши, фоиз олиш ва судхўрлик товар ишлаб чиқариш жараёнининг маълум бир ривожланиш босқичида пайдо бўлган. Аммо фоиз кредитнинг ажралмас таркибий қисми эмас, албатта. Фоиз пул-товар муносабатларининг бошланғич даврларида кредит алмашинувни осонлаштириш ва кенгайтириш учун ишлатилган. Кейинроқ эса кредитдан бевосита фойда олиш ва фоиз кўпайишидан фойдаланиш пайдо бўлган. Масалан, қадимги Римда заём шартномаси ва фоиз шартномаси тушунчалари алоҳида бўлган. Капитализм ривожланишининг бошланғич босқичларида фоизсиз қарз беришлар ҳам мавжуд бўлган.

Капитални бошқа тадбиркорга (*ёки ҳуқуқий шахсга*) бериш нафақат фойда олиш, балки капитал қийматини сақлаш ҳамдир. Банк фоизи тижорат фаолиятини жонлаштириш учун фойдаланиладиган кредит ҳаққи деб ҳисобланади. Ҳар қандай баҳо сингари, кредит баҳоси ҳам вақти-вақти билан ўзгариб туради. Унинг катталиги пул бозоридаги талаб ва таклифга ҳамда кредиторнинг таваккалчилик даражасига боғлиқ бўлади. Ҳар бир кредит келишувида эса қарз ўз вақтида тўланмаслиги ҳавфи ҳам бор. Таваккалчилик даражасига қараб, кредит фоиз ставкаси аниқлаштирилади.

Аммо, дунёдаги уч катта дин – Ислом, Христианлик ва Иудаизмда **usury** (*араб тилида – «кўпайиш» деган маънони англатади ва исломий ҳуқуқшуносларининг тушунчасича, бойликнинг бойликка тақдирланмасдан*

туриб, алмашииб кўпайиши жараёни деб тушунилади) – нинг ишлатилишига қарши жиддий ва аниқ кўрсатмалар берилиб, уни қатъиян рад қиладилар. Бу ҳақда етакчи исломшунос олимлар, шу жумладан, Ал-Бухорий, Мусаллим, Ахмад, Ал-Нисо ва Имом-Малик кабилар жуда ҳам тўлиқ тушунтиришлар берганлар /3, 9, 20, 28, 38, 58/. Пулни-пулга реал мукофотланишсиз алмаштириш ва уни кўпайтириш исломда қатъиян рад қилинади. Исломда *usury* – нинг барча кўринишларда амалга оширишга руҳсат этилмаганлиги Мухаммад (с.а.в.) Пайғамбарнинг муборак суннатлари бўлиб ҳисобланади. Оддийроқ қилиб тушунтирсак, *usury* – пулни қарзга бериш ва уни олаётганда фоиз талаб қилишдир. Юқорида келтирилган учда динда ҳам фоизга қаршилиқ бир хил фалсафа билан асосланади, яъни, «**ҳеч нима учун нимадир олиш мумкин эмаслиги**». Бошқача қилиб айтганда, бир инсон бошқасига молиявий ёрдам беради-ю, аммо бу қандай натижага олиб келишидан қатъий назар, ундан фойда талаб қиладди. Демак, бу иш инсонлар орасида меҳр-муҳаббатга ҳамда оқибатга путур етказибгина қолмай, улар орасига нифоқ солади ва ниманидир йўқдан бор қилишга олиб келади. Натижада жамиятда кераксиз пуллар товарларга нисбатан ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб, иқтисодиёт таназулга учрайди (*турли-туман молиявий инқирозлар келиб чиқади*). Фарбдаги технократик истеъмол жамиятидаги бир қанча диншунослар ва давлат арбобларининг пулга ўчлиги туфайли ҳамда бир қанча бошқа иқтисодий-сиёсий сабабларга кўра, молия-кредит соҳасидаги дин томонидан берилган қимматли кўрсатмалар унутилди ва бошқача талқин қилинди ҳамда фоиз олиш механизми қонунлаштирилди. Исломий жамиятларда эса фоиз олишни бутунлай рад этадиган муқаддас Қуръони Карим қонун-қоидаларига кўра, фоиз олиш мумкин эмаслиги ва судхўрлик катта гуноҳлигига ҳозиргача риоя қилиниб келинапти. Демак, ҳозирги даврда Исломий ва замонавий Христиан-Иудаизм жамиятлари фоизга нисбатан икки хил муносабатда экан, улар биргаликда ишлашлари учун имконият борми ва бор бўлса, бу иш қандай қилиб амалга оширилиши

мумкин? Кейинги бўлимларда бу муаммолар ва саволларга муносиб жавоблар ва ечимлар топишга ҳаракат қиламиз.

Қадимда пул доимо алмашинув воситаси бўлиб ҳисобланган ва ундан фоиз олиш Ғарбда фақатгина алмашинув воситаси дебгина ҳисобланган. Пул эвазига фоиз олиш, яъни, судхўрлик эса табиий бўлмаган бир ҳол деб ҳисобланган, чунки бу олтин ёки бошқа қимматбаҳо металллар эквиваленти сифатида юзага келган пул миқдорини сунъий равишда кўпайтириш деб тушунилган. Инжил ва Талмуд илоҳий китобларида ҳам *usury* амали қораланган. Ўрта асрларда ҳам (8-асрларда) Христиан черкови руҳонийлари *usury* амалидан фойдаланишни гуноҳ амал сифатида кўрсатишган. Лекин вақт ўтиши билан Ғарбда иқтисодий субъектлар томонидан кредитга эҳтиёж ҳамда бу билан боғлиқ судхўрлик амалиёти кучайганлиги сабабли, *usury* амалининг ишлатилишига имкон берилган ва у қонунийлаштирилиб, турли хил банклар ва бошқа молиявий муассасалар сифатида қўлланила бошлаган. Пул ва мулк эгалари бу амалга катта қизиқиш билан ёндошганлар, чунки судхўрликнинг турли хил кўринишлари жуда катта фойда келтирган ва улар орасида кучли рақобатни юзага келтирган. Бу эса ўз навбатида фоиз ставкаларига яхшигина таъсир кўрсата бошлаган. Христиан оламидаги судхўрлар очиқ фаолият кўрсатиш ва барча иқтисодий соҳаларга суқулиб кириб олиш учун солиқларни ҳам ўз вақтида тўлаганлар. 14-асрга бориб, улар шахсий молиядан давлат молиясига ҳам фаол кириб борганлар ва сиёсий фаолиятга ҳам аралаша бошлаганлар. Чунки давлат арбоблари ва поплар (*христиан руҳонийлари ва диний арбоблари*) ўз ишларини юритиш учун улардан маълум бир фоиз ставкаларида қарз ола бошлаганлар.

Тез суръатлар билан ўсаётган Ғарб иқтисодиёти ва унинг молиявий хизматлар ҳамда маҳсулотларга бўлган талаби *usury* амалига бўлган анъанавий Христиан нуқтаи-назари билан қарама-қаршиликка келиб қолган. Тижорат ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ равишда, тижоратчилар янада мураккаб ва турли хил кредит имкониятларини талаб қила бошлаганлар. Диншунослар эса мол-мулк ва мансаб иштиёқида ҳамда бу ўзгаришларга

мослашиш мақсадида илгари рад қилинган амалларни, шу жумладан *usury* амалини ҳам янги шароитларга мослаштириш илинжида янги диний исботлар ўйлаб топа бошлашган. Уларнинг фикрича, ҳар қандай молиявий келишув ўз ичига қандайдир таваккалчиликни қамраб олади ва бу таваккалчилик қарз берувчи ҳамда олувчи орасида қандайдир миқдорда бўлиниши керак. Шунинг учун ҳам судхўрнинг амали гуноҳ бўлмай, балки, пулини бошқа инсонга (*ёки ташиқлотга*) бергани учун таваккалчиликка бўлган тўловни талаб қилиш деб тушунтирилган. Бу амал судхўр капиталининг инфляциядан, таваккалчиликдан ва бошқа факторлардан тўла миқдорда сақланишини кафолатлайди деб, *usury* амалининг кенг миқёсда ишлатилишига фатво бериб юборганлар. Аммо Ғарб давлатларидаги судхўрликка асосланган банк иши қонунийлаштирилганидан сўнг, бир қанча муддат ўтиб Панама, Франция, АҚШ ва бошқа давлатларда иқтисодий инқирозлар рўй бера бошлаган (*ҳозир ҳам рўй бераяпти*) ва бу банклар фаолиятига ҳамда фоиз олишларга қарши бўлган ҳамда ҳозирда ҳам мавжуд бўлган ўта жиддий кайфиятларни юзага келтирган (*масалан, миллатчилик, диний келишмовчилик ва антисемитизм*).

Ғарб давлатларидаги судхўрликка бўлган муносабат йиллар давомида ўзгариб, бу иш оддийгина молиявий операция сифатида кўрила бошлаган бўлса, Исломий жамиятларда бу ҳолат кузатилмаган, чунки бу турдаги жамиятларда Қуръонга қатъий амал қилинади ва ушбу муқаддас китобда фоиз олиш ёки судхўрлик (*riba*) аниқ ва равшан қилиб қораланган. Исломий диншунослар судхўрликни оқлашнинг ҳар қандай кўринишини ҳам тан олмайдилар ва буни нотўғри ҳамда дин устунларига қарши бўлган амал деб биладилар. Улар *riba* ни пулга ва депозитларга нисбатан ҳар қандай турдаги тўловга тадбиқ этадилар. Аввал айтиб ўтилганидек, бундай тарзда судхўрликнинг рад қилиниши анъанавий Христиан-Иудаистларнинг қарашларига мос келади, чунки улар ҳам пулни фақатгина алмашинув функциясини бажаради деб тушунадилар. Пулнинг ўзи фоиз асосида бошқа кўшимча пул ишлаб чиқаришга асос бўлмаслиги керак, чунки бу пулнинг

киймати тушиб кетишига сабаб бўлиб, турли хил иқтисодий инқирозларга олиб келади (*бойни янада бадавлат ва камбағални янада қашшоқ қилади*). Пул инсонни ҳаракатга келтирувчи куч ва иқтисодий таваккалчилик қилишига сабаб бўлиши мумкин, холос.

Пулга бўлган муносабат бўйича исломий ёндошувнинг молиявий ва иқтисодий йўналишдаги асосий тамоили таваккалчиликнинг бўлинишидир. Таваккалчилик қарз берувчи ва қарз олувчи томонидан бўлиниши керак. Қарз берувчи қарз олувчи томонидан олинган ҳар қандай кўринишдаги фойда ва зарарни бўлишади. Шунда у корхонанинг муваффақият қозонишидан жуда ҳам манфаатдор бўлади ва шу йўналишда тегишли сайъи-ҳаракатлар қилади. Исломий нуқтаи-назардан, қарз берувчига қарз олганнинг молиявий ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолияти қандай бўлганидан қатъи-назар, капиталнинг фоиз билан биргаликда тўла миқдорда қайтарилиши нотўғри ва у инсоний ҳамда диний тамоилларга тамомила мос тушмайди деб тушунилади.

Ғарб иқтисодчиларининг фикрича, Ғарб ва Шарқ иқтисодининг ривожланишидаги кескин фарқ Ислом давлатларида тўлақонли банкларнинг вужудга келмагани билан тушунтирилади. Уларнинг фикрича, Шарқ давлатларида тўлақонли банкларнинг мавжуд бўлмаслиги иқтисодиёт ёқилғиси бўлган капиталнинг етишмаслигига олиб келган ва иқтисодий машина тўлиқ миқёсда фаолият кўрсата олмаган. Натижада улар иқтисодий ривожланишда Ғарб давлатларидан орқада қолиб кетганлар. Худди шу фикр Ғарб иқтисодчиларининг судхўрликни тўғри амал деб таъкидлашларига яна бир сохта асос бўлиб ҳизмат қилади. Бу нуқтаи-назар ёки фалсафий асос, умуман айтганда, нотўғри бўлиб, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш бўйича бошқа бир қанча муҳим факторларни атайлаб ҳисобга олмаслик натижасида пайдо бўлган.

2.3. *Фоиз ставкасининг иқтисодийётга таъсири ва молиявий инқирозлар*

«Судхўрларга, фоиз берувчига, унинг котибига ва унинг гувоҳига Худои таолонинг лаънати бўлсин»

Фоиз олиниши туфайли пул миқдори вақтга боғлиқ равишда жуда катта тезлик билан даражали суръатда кўпая бошлайди. Буни математик кўринишда ифодалаш учун кўйилма капитал (*ёки берилган қарз миқдорини*) K_0 - билан, қарз олинган вақт, давр ёки йиллар сонини t – билан (*бу давр қуйида келтириладиган ифодада кунларда ифодаланиши кўзда тутилган*), йиллик фоиз ставкаси катталигини эса ΦC – билан белгиласак ҳамда вақт ўтиши билан пул миқдори ўзгаришини $Y(t)$ билан ифодаласак, у ҳолда пул массасининг вақтга боғлиқлигини қуйидаги кўринишдаги соддалаштирилган математик ифода кўринишида ёзишимиз мумкин бўлади:

$$Y(t) = K_0 * (1 + \Phi C)^{t/365}$$

Бу ерда, 365 сони фоиз ставкасининг йиллик катталиги ҳисобга олинаётганлигини кўрсатади. Кредитга фоизлар олишни жамиятнинг ва ижтимоий-иқтисодий тузилманинг ўзига хос бўлган рақ (*саратон*) касаллигига солиштириш мумкин. Фоиз аввалига секин катталашади, кейинчалик эса шунчалик кўпайиб кетадики, уни бошқариш мумкин бўлмай қолади. Масалан, капиталнинг иккиланиш даври йилига 3% ли фоиз ставкасида 24 йил бўлса, 6% да 12 йил, 12% да 6 йил бўлади. Атиги 1% ли кредитда ҳам бошланғич капитал иккиланиши учун 70 йил керак бўлади. Масалан, агар бирор бир инсон эрамизнинг бошида 1 пеннини йилига 4% билан банкка қўйганида эди, 1750 йилда у ер шарига тенг бўлган олтин бўлагига эга бўлган бўлар эди, 1990 йилда эса у худди шундай шарлардан 8190 тасини сотиб олиши мумкин бўлар эди. Демак, узок муддатларда узок

муддатли кредитлар буйича фоиз тўлаш амалда мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги замонда фоиз механизми иқтисодиётнинг патологик ривожланиши сабабларидан бири деб ҳисобланади. Кўпчилик инсонлар кредит олмаганманми, демак, мен фоиз тўламайман деб фикр қиладилар. Аммо ҳақиқатда бундай эмас, чунки ҳар бир сотиб олинаётган товар қиймати таркибига фоиз қисми ҳам киради. Бу ҳолат бойларни яна ҳам бой, камбағалларни эса яна ҳам камбағал қилишга олиб келади ва жамиятдаги турли хил бўҳронлар, иқтисодий етишмовчиликлар ва иқтисодий-сиёсий инқирозлар сабабчиси бўлади. Фоизлар пулларни айлантиришга ёрдам берган ҳолда, уларни кўзга кўринмас тарзда тақсимланиш воситаси ҳамдир. 1980 йилдан буён пуллардан спекулятив фойда олиш миқдори икки мартадан кўпроқ миқдорда кўпайди. Нью Йоркда кунлик валюта алмашинуви 1980 дан 1986 йилгача 18 млрд доллардан 50 млрд долларгача ошган. Халқаро ривожланиш ва реконструкция банкининг маълумотларига кўра дунё миқёсидаги пул операциялари ҳажми савдо юритиш учун керак бўлган пул миқдоридан 15-20 марта ортади. Шундай қилиб, ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, фоиз тўлаш механизмининг амалда бўлиши пул массасининг халокатли ўсишига ва иқтисодиётнинг нотабиий патологик ривожланишига олиб келади (*яъни, иқтисодиёт жиддий равишда касалланади*).

Молиявий инқирозлар

*«Уламони зиёрат қилиш, анбиёларни
зиёрат қилган билан баробардир»*

Охирги йиллар давомида оддий мамлакатлар ва бутун бошли ҳудудлар иқтисодиётининг молия ва банк секторлари даврий равишда инқирозга юз тута бошлади ва бу ҳалигача давом этаяпти ҳамда бу жараён борган сари кучаяпти. Ҳар бир миллат ва давлат иқтисодий инқирозлардан қутулиш йўллари бетиним равишда излаяпти. Инқироздан қутулиш учун ҳар ким ўз билганича хатти-ҳаракатлар қилишига қарамай, бу ҳаракатлар ҳозирча кўзга кўринарли натижалар бермаяпти. Бизнинг фикримизча, бунга сабаблардан бири ва энг асосийси анъанавий банк тизими пойдевори сифатида асосланган ва фоиз олишга (*беришга*) мўлжалланган кенг миқёсдаги судхўрликдир.

Тарихнинг энг қадимги манбаълари, шу жумладан Платон ва Аристотелнинг ишларидан маълум бўладики, улар ҳам фоиз олишни тамомила қоралаганлар. Римликлар қарздорларни ҳимоя қилишга мўлжалланган қонунлар қабул қилган биринчи миллат ҳисобланади. 13-асрнинг охиригача Христиан черкови ҳам фоиз олишни катъий қоралаган. Муқаддас Қуръони Каримда ҳам фоиз олиш амали жуда ҳам жиддий тарзда таъқиқланган. Аммо феодализм даврида ва Европа иқтисодий ривожланишга юз тута бошлаган вақтларда (*қирол Генрих VIII даври назарда тутилади*) фоиз олиш механизми қонуний тарзда тан олинган. Европада катта ва жаҳон миқёсидаги империялар пайдо бўла бошлаган пайтларда (*империализм даврида*) катта банклар ташкил қилинган ва уларда фоиз олиш механизми қонунийлаштирилган ҳамда шу асосда замонавий банк тизими вужудга келган. 1929 йилдаги Уолл Стрит молиявий бозорининг синиши ва ундан сўнгги АҚШ даги 30-йиллардаги депрессия Ғарб иқтисодий тизимидаги каттиқ ер қимирлаш деб ҳисобланилиши мумкин. Бунинг натижасида дунёдаги бир қанча етакчи иқтисодчи ва молиячилар фоизга асосланган иқтисодиётнинг келажаги қандай бўлиши ҳамда уни қандай қилиб ўзгартириш мумкинлиги ҳақида фикрлай бошладилар. Назоратни қўлга олиш учун Марказий банклар кредитлар ва фоиз ставкаларини бошқаришни ўз қўлларига олдилар. Аммо бу билан инфляциядан ҳам, дефляциядан ҳам, савдо билан боғлиқ инқирозлардан ҳам тамомила қутула олмадилар. Кўпчилик мамлакатлар ўз иқтисодиётларини фоиз ставкасини оптимал бошқариш воситасида инқироздан қутқариб қолиш мумкин деб ҳисоблай бошладилар. Бу амал касаллик қаердалигини ҳамда нимадалигини аниқ билмай туриб, Адам Смит ва Давид Рикардо каби классик иқтисодчиларнинг нуқтаи-назари билан замонавий муаммоларни ҳал қилишга интилиш эди.

Шуни аниқ ва равшан қилиб айтиш керакки, Ислом банк тизими томонидан қўлланиладиган фоиздан тамомила воз кечиш тамоилини (*ёки шунга ўхшаш фоизсиз иш юритиш молиявий фаолият тамоилларини*) замонавий иқтисодиётда қўллашгина пул массасининг назорат

килинмайдиган даражада кўпайишининг олдини олиши мумкин, чунки фоиз олиш ва тўлаш механизми жамоани янада камбағалроқ қилишга ўзининг каттагина ҳиссасини қўшиши ҳозирда ҳеч кимга сир эмас. Чунки бу амал товарлар массасига нисбатан пул массасининг хаддан ташқари ўсиб кетишига олиб келиб, ортиқча пуллар, ортиқча талаб ва гиперинфляция муаммосини келтириб чиқаради. Аммо фоиз механизмининг амал қилиши туфайли пул массасининг тинимсиз ўсгани билан товар массасини унга мос равишда кўпайтириш мумкин бўлмай қолади, яъни, талаб ва таклиф орасида катта узилиш вужудга келади ва улар бир-бирига мос келмай қолиб, иқтисодий кризислар руй бера бошлайди. Бугунги кунда замонавий иқтисодий назария ҳам жамиятнинг жамғарма бойлиги **фоиз ставкаси даражаси** билан эмас, балки **инвестициялар қайтаруви** билан аниқланилишини кўрсатапти.

Агарда фоиз олишдан воз кечилса, у холда жамиятнинг жамғарма бойлиги миқдори фойдали инвестициялар воситасидагина оширилиши мумкин. Таниқли инглиз иқтисодчиси Лорд Кейнс ҳам фоиз ставкасини ошириш орқали жамғарма бойликни кўпайтириш мумкинлигига шубҳа билдирган. Унинг тушунтиришича, фоиз олиш орқали ўз жамғармалари миқдорини кўпайтираётган индивид бошқа инсонларнинг жамғармаларини камайтиришга ўз ҳиссасини қўшади, чунки индивид жамғармаларининг фоиз асосида кўпайиши жамият абсолют бойликларининг камайишига олиб келади. Шунинг учун унинг жамғармалари кўпайиши инвестициялар қайтаруви даражасига бевосита таъсир қилмайди. Бой инсонлар кўпроқ пул жамғармаларига эга бўлганликлари учун, улар камбағал ва ўрта хол инсонларнинг бойликлари ҳамда турмуш даражалари пасайишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Демак, фоиз олиш ёки бериш амали бой табақалар томонидан камбағалларнинг даромадларини пасайтиришга ҳамда уларнинг маблағларини зимдан ўпиришга (*ўмаршига*) олиб келадиган ўғрилиқ ёки фирибгарликларнинг бир туридир деб тушуниш мумкин. Агар бойлик ёки қандайдир маблағ мерос сифатида қўлга киритилса, у холда унинг қиймати

фоиз механизми ва инфляция таъсири туфайли анча камайган холда ўз эгасига тегади. Чунки унинг бир қисми меросхўр кўлига тегмасдан жон берган, яъни, фоиз механизми туфайли катта бойлар томонидан ўзлаштирилган ёки ўғирланган. Демак, маблағларнинг абсолют қиймати фоиз механизми жорий бўлган жамиятда доимий равишда камайиб боради. Классик иқтисодчиларнинг фикрича, фоиз нормаси жамғармалар ва инвестиция орасида тенглик хосил қилар эмиш, яъни, пулингизни банкда сақлаб, унга етарли жаражада фоиз олсангиз (*инфляция даражасидан юқори бўлган фоиз олинса*) бу холда сизнинг пулингиз сиз учун ишляпти ва сиз инвестор ҳисобланасиз. Лекин Лорд Кейнс буни ҳам инкор қилган холда фоиз нормаси эмас, балки даромад даражаси бундай тенглик вужудга келтириши мумкинлигини тушунтирган. Шуларга қарамай, Кейнс фоиз даражаси ноль бўлиши кераклигини кўра олмаган (*ёки кўрсатишни истамаган*) ва фоизнинг иқтисодиётга салбий таъсирининг олдини олиш учун унинг катталиги жамоа жамғармаларини сақлай олиш даражасида иложи борича камроқ бўлиши кераклигини кўрсатган. Бу эса касалнинг асл сабабини яширишдан бошқа нарса эмас, чунки *«Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади»*. Ислом оламида эса унинг илоҳий фалсафасига мос равишда нормал катталиқдаги фоиз нормаси олдиндан топиб кўйилган ва унинг катталиги фақатгина «нол» га тенг бўлиши кераклиги айтилган. Исломда фоиз механизми шайтон амалига тенглаштирилади, чунки ижтимоий соҳада ушбу механизмнинг кенг миқёсда амал қилиши бошқа софдил инсонлар меҳнати туфайли роҳат-фароғатда яшайдиган текинхўр инсонлар гуруҳларининг пайдо бўлишига ва уларнинг давлат ҳамда жамиятда абсолют хукмронликни кўлга олишларига олиб келади. Иқтисодиётда эса фоиз механизми амалда бўлиши туфайли кўпчиликнинг ҳаддан даражада камбағаллашиши оқибатида иқтисодий депрессиялар ва инқирозлар рўй бериб, оммавий ишсизликларга, норозиликларга ҳамда бошқариб бўлмайдиган инқилоблар (*революциялар*) содир бўлади. Фоиз ставкасининг амал қилиши жаҳон валюталари бўйича етакчи бўлган

мамлакатларда бойликнинг концентрациялашувига, пулнинг кадри кетишига, кўпчиликнинг камбағаллашувига, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бошқа мамлакатларнинг уларга қарам бўлиб қолишига, бир миллатнинг иккинчиси устидан хукмронлик қилишига, буюк миллатчилик ғояларининг ривожланишига олиб келади ва бу замонавий жамиятда кузатилаётганидек, синфий қарама-қаршиликларга ҳамда давлат ва миллатлараро қирғинборат урушларга олиб келади. Чунки бунда ҳар бир катта миллат барча имкониятлар ва воситаларни (*қурол-яроғ, илмий-техник натижалар, иқтисодий шантаж, бошқа миллатларни бир-бирига гиж-гижлаш ва бошқаларни*) ишга солиб ўз муаммоларини бошқа миллатлар ҳисобига ҳал қилишга интилади. Умуман айганда, олдинги икки қирғинбарот жаҳон урушлари ҳам ҳудди шу асосда рўй берган эди. Дунёвий пул ва валюта массасининг асосий қисмига эга бўлган ва бошқа миллатлар меҳнати ҳамда бойлигини ноқонуний равишда ўзлаштириб, жаҳон миқёсида етакчи бўлиб олган миллатлар бошқаларни иккинчи даражали деб ҳисоблаб, уларни ўзлари ўйлаб чиққан тартиб-қоидалар ва қонунларига асосан қарам қилишга ёки ер юзидан йўқ қилишга интилишлари мумкин (*бунга исботи учун европалик колонизаторлар томонидан Америка қитъасидаги ерли халқлар иккинчи даражали деб фатво берилиб, уларнинг беаёв қирғин қилинганини эслаш кифоя*). Бу факторларнинг барчаси иқтисодий жиҳатдан ўртаҳол бўлган мамлакатларда маданий-маърифий юксалишнинг чегараланишига, экстремистик ва террористик ҳаракатларнинг вужудга келишига, баъзи мамлакатларда эса қашшоқликнинг ҳаддан ташқари авж олишига ҳамда инсонларнинг ҳаддан ташқари азият чекишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда инсоният жамиятининг нормал ривожланиши ва жаҳон миқёсида том маънодаги маданий-маърифий ва иқтисодий тараққиётга эришиш учун фоиз амалидан фойдаланишдан қандайдир бир мақсадга мувофиқ усулда қатъиян воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

2.4. Фоиизнинг пул массаси ўсишига таъсири модели

ва унинг таҳлили

*«Беш гуруҳ одамлардан узоқлашинг: биринчиси - ширк келтирувчилардан, иккинчиси - сехр қилувчилардан, учинчиси - ноҳақ қон тўкувчилардан, тўртинчиси – судхўрлардан ва бешинчиси – етимлар молини ейдиганлардан»
Расулulloҳ (с.а.в.)*

Эркин бозор иқтисодиётида фоииз механизми амал қилиши туфайли пул массасининг хаддан ташқари кўпайиб кетиши иқтисодий инқирозларга олиб келиши барчага маълум. Аммо бу қандай қилиб амалга оширилиши динамикасининг дифференциал тенгламалар кўринишидаги математик модели ишлаб чиқилмаган. Бундай математик моделнинг яратилиши макроиқтисодий даражада фоииз механизмининг пул массаси ва иқтисодиётга таъсирини ҳамда иқтисодий инқирозлар рўй беришининг асл сабабларини ўрганишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида бундай жараёнларни олдиндан кўриш ва унинг олдини олиш учун нималар қилиш мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам фоииз механизмининг иқтисодиётга таъсирини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганишга имкон берувчи математик моделлар тизимини тузиш ҳамда уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш жуда катта амалий ва назарий аҳамиятга эгадир. Чунки бу турдаги динамик моделлардан фойдаланиш воситасида иқтисодий тизимни унинг хилма-хил алоқаларини, материаллар оқимини, бошқарув стратегияси ва тактикасини, давлат бошқарувчини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил қилиш имконияти яратилади. Ушбу макроиқтисодий жараёнларини моделлаштиришда қабул қилинган ўзгарувчилар, математик моделлар ҳамда функционал боғланишлардан /11-13/ фойдаланган ҳолда пул массасининг кўпайиши иқтисодиёти динамикасини бозор иқтисодиёти шароитида макроиқтисодиёт нуқтаи-назаридан ифодалаб берувчи соддалаштирилган математик

моделларни биринчи даражали оддий дифференциал тенгламалар системаси кўринишида ёза оламиз:

$$\begin{cases} dX_1/dt = a_1 x_1 + a_2 x_2 + a_3 I(t) + a_4 Y(t) - a_5 Z(t) \\ dX_2/dt = b_1 x_1 + b_2 x_2 + b_3 I(t) \end{cases}$$

Бу тенгламадаги ўзгарувчилар қуйидагиларни англатади:

x_1 – мамлакат печат станокидан чиқарилаётган пул ҳажми,

x_2 – мамлакатдаги маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми,

$I(t)$ – инвестициялар ҳажми,

Биринчи тенгламадаги $Y(t)$ ўзгарувчиси фоиз механизми туфайли вужудга келаётган пул миқдорини кўрсатади (*яъни, пуллар пулларни вақт воситасида яратаяптилар*):

$$Y(t) = x_1 * (1 + \Phi C)^{t/365}$$

га тенг бўлади. Бу ерда, t – кунларда ифодаланган вақт ёки йиллар сони ва ΦC – фоиз ставкаси катталиги. $Z(t)$ эса мамлакатдаги хар йили яроқсиз холга келаётган пул миқдори.

$a_1 x_1$ - ифода пул массаси ҳажмининг кўпайиши билан унинг ўзгариш тезлиги dX_1/dt ҳам кўпайишини кўрсатади,

$a_2 x_2$ – ифода пул массасининг ўсиши мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши билан ортишини англатади.

$a_3 I(t)$ – ифода эса инвестициялар пул массаси ўсиш тезлигининг dX_1/dt ортишига олиб келишини кўрсатади,

$a_4 Y(t)$ – ифода пул массасининг фоиз ставкаси ҳамда вақт билан боғлиқлигини кўрсатиб, улар биргаликда пул массасининг кўпайишига олиб келишларини кўрсатади,

– $a_5 Z(t)$ – ифода эса мамлакатдаги хар йили яроқсиз холга келаётган пул миқдори $Z(t)$ ортиши билан мамлакатдаги пул массасининг камайишини билдиради.

Иккинчи тенгламада эса $\mathbf{b}_1\mathbf{x}_1$ ифода мамлакатдаги пул массаси ҳажми ортиши маҳсулот ва ҳизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига олиб келишини кўрсатади, $\mathbf{b}_2\mathbf{x}_2$ эса маҳсулот ва ҳизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиш миқдори унинг ҳозирги катталигига тўғри пропорционал эканлигини билдиради, $\mathbf{b}_3\mathbf{I}(\mathbf{t})$ эса инвестициялар ҳажми ўсиши билан маҳсулот ва ҳизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсишини кўрсатади.

Ушбу чизиксиз бўлмаган дифференциал тенгламалар системасини ечиш учун бирор бир $\mathbf{t} = \mathbf{t}_0$ вақтда унга кирган барча ўзгарувчилар ҳамда моделдаги ноаниқ параметрлар $\mathbf{a}_i, \mathbf{b}_i$ ларнинг қийматларини билиш керак бўлади. Бу икки масалани ечиш усулларини қисқача кўриб чиқамиз. Биринчи масалани ечиш учун тенгламанинг бошланғич шартларини қуйидагича ифодалаш етарли:

$\mathbf{x}_1(\mathbf{t} = \mathbf{t}_0) = \mathbf{K}_0$ - мамлакатдаги $\mathbf{t} = \mathbf{t}_0$ вақтга мансуб бўлган пул массаси катталиги;

$\mathbf{x}_2(\mathbf{t} = \mathbf{t}_0) = \mathbf{Q}_0$ - мамлакатдаги $\mathbf{t} = \mathbf{t}_0$ вақтга тегишли бўлган маҳсулот ва ҳизматлар ишлаб чиқариш ҳажми миқдори;

$\mathbf{I}(\mathbf{t} = \mathbf{t}_0) = \mathbf{I}_0$ - мамлакатдаги $\mathbf{t} = \mathbf{t}_0$ вақтга тегишли бўлган инвестициялар ҳажми;

$\mathbf{Z}(\mathbf{t} = \mathbf{t}_0) = \mathbf{Z}_0$ - эса мамлакатдаги $\mathbf{t} = \mathbf{t}_0$ вақтга тегишли бўлган яроқсиз холга келаётган пуллар миқдори

$\Phi\mathbf{C}$ – мамлакатдаги Марказий банк томонидан ўрнатилган ўртача фоиз ставкаси миқдори;

Юқорида кўрсатилган $\mathbf{a}_i, \mathbf{b}_i$ параметрларнинг катталигини ҳисоблаш учун албатта $d\mathbf{X}_i/d\mathbf{t}$ кўринишидаги биринчи даражали хосилаларнинг катталигини бирор бир $\mathbf{t} = \mathbf{t}_0$ вақтда билиш ҳамда олинган чизикли тенгламалар системасини $\mathbf{a}_i, \mathbf{b}_i$ ларга нисбатан ечиш керак бўлади. Бу эса ўз мамлакатдаги пул массаси ҳажмининг ҳамда товарлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бирор-бир бир-бирига яқин бўлган вақт интервалида

билиш кераклигини талаб қилади. Бунда юқоридаги хосилалар қуйидаги кўринишда ҳисобланилиши мумкин бўлади:

$$d\mathbf{X}_i/dt = [\mathbf{X}_i(t_0 + \Delta t) - \mathbf{X}_i(t_0)] / \Delta t$$

Бу хосилалар қийматини юқоридаги тенгламаларга қўйиш эса \mathbf{a}_i , \mathbf{b}_i ларнинг (уларнинг жами сони саккизта) бошланғич қийматларини топиш учун саккизта номаълумли чизиқли алгебраик тенгламалар системасини олишга ва уни бирор-бир усул ёрдамида ечишга олиб келади. Бу элементар математик масала бўлиб, уни ҳал қилиш унчалик катта муаммо юзага келтирмайди.

Агарда юқорида зикр этилган усуллар ёрдамида хосилаларни ҳисоблашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда \mathbf{a}_i , \mathbf{b}_i ларни топиш учун олдинги даврларда $\mathbf{X}_i(t)$ ларнинг ўзгаришлари қандай бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, дифференциал тенгламалар системасининг ечими $\mathbf{X}_{i \text{ ечим}}(t)$ нинг ушбу $\mathbf{X}_{i \text{ ҳаётий}}(t)$ лар ўзгариши билан мос келгунга қадар \mathbf{a}_i , \mathbf{b}_i ларнинг қийматлари ўзгартирилиб борилса, уларни исталган аниқликда топиш мумкин бўлади. Албатта, бу ўзгартириш жараёни тасодифий эмас, балки бирор-бир мақсадга мувофиқ алгоритмлар воситасида амалга оширилиши табиий. Бундай алгоритмлар жумласига чизиқли бўлмаган программалаштириш соҳасига мансуб бўлган анчагина усулларни киритиш мумкин. Масалан, Гаусс, Ньютон-Рафсон усули, итерацион усул, симплекс усули ва бошқалар бунга мисол бўла оладилар. Агар юқорида келтирилган икки математик усул ёрдамида \mathbf{a}_i , \mathbf{b}_i номаълум параметрларни топиб, уларни ўртачасини ҳисобласак, \mathbf{a}_i , \mathbf{b}_i ларнинг аниқлигини анчагина оширган бўламиз.

Агарда пул массаси ўсиши тенгламасини юқоридаги усулда тузиб, унинг номаълум бўлган параметрларини аниқлай олсак, у ҳолда биз пул массасининг ўсишини, унинг товар ва ҳизматлар ҳажми билан мутаносиблигини ҳамда уларнинг динамик боғлиқлигини ва ўзаро алоқасини кўриб чиқишимиз мумкин бўлади. Ундан ташқари, фоиз ставкасининг ўзгариши макроиқтисодий масштабда қандай натижаларга олиб келишини ҳам моделлаштириш мумкин бўлади. Агарда фоиз ставкасини нолга тенг деб

олсак, $\Phi C = 0$, у ҳолда фоизни таъқиқловчи исломий моделга келамиз ва унинг ҳам оқибатларини батафсил текшириб чиқишимиз ҳамда унинг натижаларини фоиз ставкасидан тўлиқ фойдаланадиган Ғарб модели билан солиштириб чиқишимиз мумкин. Бу эса фоиз ставкасининг амал қилиш механизми воситасида таъминланмаган пул генерация қилиниши туфайли келиб чиқадиган иқтисодий инқирозлар қандай ва қачон рўй бериши масаласига қандайдир ойдинлик киритишга имкон беради. Пул массаси ўсиши билан инфляция даражасининг боғлиқлиги ҳамда қандай тарзда, қачон ва қандай даражада иқтисодий инқирозлар рўй бериши мумкинлигини билиш эса давлат иқтисодиётини мақсадга мувофиқ равишда бошқариш, тўғри қарор қабул қилиш, ташқи ва ички салбий оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши самарадор курашиш учун катта имкониятлар яратиб беради.

Иккинчи томондан, агар бу тенгламадаги $Y(t) = x_1 * (1+\Phi C)^{t/365}$ ифодадаги $\Phi C = 0$ деб олсак, у ҳолда пул массаси ўсишини тенгламасини фоиз механизmidан халос қилган бўламиз. Бу амал натижасида пул массасининг вақт бўйича ўзгариши dX_1/dt нинг вақтга нисбатан даражали ўсишидан фориғ бўламиз ва пул массаси ҳам товар ва хизматлар ҳажмига нисбатан фоиз механизми $(1+\Phi C)^t$ таъсири туфайли бўлган каби жуда катта тезлик билан ўса олмайди. Демак, биз фоиз механизmidан воз кечган ҳолда бойларнинг асоссиз равишда янада бойиши, камбағалларнинг эса янада камбағаллашувига олиб келадиган ва бунинг натижасида давлат бошқаруви издан чиқадиган салбий ҳолатларнинг ҳамда иқтисодий инқирозларнинг олдини олган бўлиб чиқамиз.

3-Боб. Исломий иқтисодий тизимнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари

3.1. Исломий иқтисодий модел ҳақида тушунча

«Олимнинг вафотидан ҳамгин бўлган ҳар бир одамнинг номаи аъмолига Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло фармони билан мингта олим ва мингта шаҳиднинг савоби ёзилади»

Исломий иқтисодиётнинг асоси бўлиб, мажбурий ва универсал иқтисодий тушунчалар ҳамда ўзаро муносабатларнинг қонун-қоидалари ётади. Бундай қонун ва қоидалар Қуръони Каримда кўрсатиб берилган ва Пайғамбар Муҳаммад с. а. в. анъаналарига асосланади. Булар орқали амалга ошириладиган иқтисодий сиёсат бир ислом жамиятида иккинчисидан улардаги бир қанча объектив ва субъектив шарт-шароитлар оқибатида бироз фарқланиши мумкин. Аммо бундай фарқлар Шариат қонунлари билан мос тушиши зарур. Ислом иқтисодий моделининг асосий ташкил этувчилари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- ***Шахсий ҳуқуқ*** – исломдаги шахсий ҳуқуқлар инсоний мажбуриятларнинг кетма-кетлигидан иборат бўлиб, ҳеч кимса уларни камситмаслиги ва уларнинг тўла ҳажмда амалга оширилишига монеълик қилмаслиги лозим. Ушбу мажбуриятлар бажарилганида, улар билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқлар ҳам пайдо бўлади. Исломда мажбуриятларга бўйсунуш талаб қилиниши билан бир қаторда, ҳуқуқларга ҳам қатъий риоя қилинади. Буларнинг ичида аввало мажбурият келиб, ундан сўнг ҳуқуқ келади. Яъни, инсон ўз иқтисодий интилишларини Шариат доирасида амалга оширади.

- **Мулк хуқуқи** – Исломда мулк хуқуқи учта асосий тамойил натижасида амалга ошади. Буларнинг биринчиси, Оллоҳнинг барча мулклар эгаси эканлигини тан олишдир. Мулк инсонлар учун ўз эзгу мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида ишонч билан берилган моддий ёки номоддий объектлар мажмуидир. Иккинчидан, мулк олий мақсадларни амалга ошириш воситасидир холос ва у бир инсонга берилиши билан тугаб қолмайди. Мулк ушбу мулк эгасининг вафотидан сўнг йўқ бўлмасдан жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан ишлатилаверилади. Учинчи тамойил мулкчиликнинг давомийлиги бўлиб, унинг маъноси мулк воситасида, қандай турдалигидан қатъий назар, ҳосил қилинган охириги маҳсулотга жамият аъзолари эгалик қилиши кераклигини англатади. Мулкчилик хуқуқи унинг ва у билан боғлиқ бўлган бойликнинг йўқолишини муҳофаза қилувчи шариат қонунлари асосида муҳофаза қилинади.

- **Келишувлар (контрактлар)** – Ислом иқтисодий моделида барча иқтисодий алоқалар ва турли хилдаги алмашинув операциялари келишувлар асосида амалга оширилади. Бундай келишувларга киришиш онгли равишда ва ҳақиқатгўйлик тамойилларига асосланган ҳолда бўлиши лозим бўлади.

- **Фоиз олишнинг ёки беришнинг қатъий таъқиқланиши** – фоиз олишнинг ёки *riba* нинг ҳамда асосий капитал миқдорининг қўйилма капиталнинг вақтга боғлиқлиги асосида ва унга боғлиқ қандайдир миқдорда маблағ олиш ҳам Шариат қонунлари асосида батамом таъқиқланади. Ислом ҳуқуқшунослиги нуқтаи-назаридан бу хил фоиз олиш усулларини таъқиқлаш ҳар қандай кўринишдаги ва турдаги фоиз олиш усулларини қамраб олиши керак.

- **Меҳнат ва бойлик** – Исломда меҳнатни бойликка эришишнинг ажралмас таркибий қисми деб тушунилади. Ишёқмаслик, танбаллик, муттаҳамлик, пораҳўрлик, ўғрилик, кароқчилик ва бировлар ҳисобига яшаш мусулмончиликка мос бўлмаган ярамас шайтоний одат деб

ҳисобланади. Бойлик инсоннинг ҳаётдаги эзгу мақсадларига эришиши учун ҳизмат қиладиган бир восита деб ҳисобланади ва ҳар бир инсон ишга лаёқатли ҳамда ақли-хуши жойида бўлса, оиласи, ватандошлари ва Ватани фароғати учун меҳнат қилиши зарур деб тушунилади. Истеъмолда, сарф-харажатларда, юриш-туришда камтаринлик ва меъёрга риоя қилиш тавсия қилиниб, ўз бойлигидан маълум бир қисмини бошқалар билан бўлиши зарурияти (*закот*) ҳам алоҳида таъкидланади.

• *Давлатнинг аҳамияти ва ўрни* – Ислом иқтисодий моделида биринчидан, барчанинг табиий заҳираларга ва ҳаётий воситаларга бўлган эҳтиёжи тенглик асосида қондирилиши лозим. Иккинчидан, ҳар бир индивид таълим олишда, малака оширишда, иш танлашда тенг имкониятларга эга бўлиши керак ва технологик воситаларга эгалик қилишдаги тенглик давлат томонидан бозорий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда бошқарилиб турилиши лозим. Учинчидан, бозордаги алмашинув жараёнлари бозор механизми воситасида бошқарилиши керак. Исломда бозорга ва унинг самарали ишлашига катта аҳамият берилади ҳамда унда бозорий муносабатлар билан боғлиқ этик ва ахлоқий нормалар атрофлича ишлаб чиқилган. Тўртинчидан, иқтисодий заҳираларни самарасиз ишлатувчилардан уни самарали ишлатувчиларга узатиш зарурлиги ҳам кўрсатилиб ўтилади ва бу давлат томонидан бошқарилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бешинчидан, бир авлоддан иккинчисига мерос қолдириш масаласи ислом ҳуқуқшунослигининг тақсимлов механизми орқали амалга оширилади. Давлат арбобларининг ва мансабдорларнинг ҳизмат вазифаларини бажариш чоғидаги таъмагирлик ва порахўрлик ҳолатларига қарши қатъий чоралар кўрилиши кўзда тутилади ҳамда давлат харажатлари солиқлар (*солиқлар масаласи иловада кўриб чиқилган*), табиий заҳиралар ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш орқали қопланади.

Ислом банкларининг фаолияти

*«Умматларнинг судхўрлари мерож кечаси қон дарёсида
сузиб юрган, азобга гирифтор этилган, оёқ-қуллари
кишанланган . . . бир қавм сифатида бўладилар»
Расулulloҳ (с.а.в.)*

Ислом банклари юқорида кўрсатиб ўтилган исломий иқтисодий моделнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатадилар. Бунда асосий принципал масала - бундай банклар фоизни тамомила рад этган ҳолда (*бу ҳолат уларда аксиоматик ҳисобланади*) ишлайдилар. Банклар ўз фаолиятлари давомида фойда-зарар тақсимланиш механизмига таянадилар (***PLS*** – *profit and loss-sharing*). Демак, бундай банкларда банк депозиторлари банкнинг ҳиссадорлари деб ҳисобланишлари мумкин, чунки улар ўз маблағларидан кафолатланган номинал фойда даражасига эга бўлмайдилар. Агарда банк ўз фаолияти натижасида фойдага эришса, у ҳолда унинг ҳиссадорлари (*ёки депозиторлари*) ҳам бу фойданинг маълум бир қисмини олишга ҳақли бўладилар. Аммо, агарда банк фойда кўриш ўрнига қандайдир миқдорда зарар қилса, у ҳолда унинг миждозлари ҳам қандайдир миқдорда зарар кўрадилар ва шу туфайли улар ўз пулларининг манфий қайтарув нормасига эга бўладилар. Ўз капитали ва мулкидан ташқари, Ислом банклари учун фондларнинг асосий манбаълари бўлиб, депозитларнинг икки хил тури хизмат қилади – вақтинча ёки ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган депозитлар ва инвестицияларга мўлжалланган депозитлар. Ҳисоб-китоб депозитлари турли хил тўловлар ва пул ўтказмалари билан боғлиқ бўлиб, у Ғарбона банк тизимларидаги талаб қилинадиган депозитларга ўхшаб кетади. Бундай депозит турлари учун ислом банклари тўлиқ тўловни

кафолатлайдилар, аммо бу депозитлар учун ҳеч қандай кўринишда фоиз тўламайдилар. Умуман айтганда, бу манбаълар орқали жалб қилинган маблағлар банклар томонидан фойда келтирадиган инвестициялар сифатида ишлатилина олмайдилар. Аммо банклар депозит эгаларидан банкнинг маъмурий харажатларни қоплаш учун ҳақ олишлари мумкин. Инвестиция депозитлари банклар учун фондларнинг асосий манбаъи бўлиб хизмат қиладилар. Бу депозитлар учун ислом банклари уларнинг номинал қийматларини сақлашга кафолат бера олмайдилар ва ўрнатилган инвестиция қайтарув нормасини ҳам бера олмайдилар. Шундай қилиб банк депозиторлари ҳиссадорлар сифатида кўрилиб, банк фойдасидан ўз улушларини олишга ёки унинг зараридан бир қисмини тўлашга мажбур бўладилар. Банк ва депозитор орасидаги келишув шартномасига асосан фойда ёки зарарнинг тақсимланиши аниқланилади. Фойда ва зарарнинг бўлиниш даражаси (**PLS** *коэффициенти*) банк ва депозитор орасида ўзаро келишилиб олинади ва контрактнинг амал қилиш муддатида ўзгартирилиб бўлмайди (*форс-мажор ва шунга ўхшаш ҳолатларда бу келишувга бироз ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлади*).

Банклар томонидан амалга ошириладиган заём операцияларида ҳам фойда ва зарарнинг бўлиниши тамоилига риоя қилинади. Шариат қонунининг бу талабларини бажариш банкларнинг ***Mudarabah*** ва ***Musharakah*** келишувларида тўлиқ ҳажмда амалга ошади (*бу операциялар ҳақидаги қисқача маълумотлар юқорида кўрсатиб ўтилган эди*). ***Mudarabah*** келишувида фондлар бирор бир ишга жалб этиладилар ва депозитор унинг олган фойдасидан маълум бир миқдорига эгалик қила олади. Молиявий йўқотишларга фақатгина қарз берувчи томон дучор бўлади. Қарз олувчи эса корхонага сарф қилган меҳнати, ҳатти-ҳаракати ва вақтини йўқотган деб ҳисобланади. Шундай қилиб, бу турдаги келишувда инсоний капитал ва молиявий капитал бир хил маънода тушунилади (*улар тенглаштирилади*). ***Musharakah*** келишувлари эса фондларнинг бирдан ортиқ эгаси бўлганида кўлланилиб, ҳар бир иштирокчи турли хил пропорциялардаги фондларни

жалб қилиши мумкин ва фойда-зарар ҳам уларнинг жалб қилган капиталлари миқдорига тўғри пропорционал бўлади. Бу усулда жалб қилинган капиталга улушлар қўшишда мулкдорлар, банклар, турли корхона ва ташкилотлар, марказий банк ёки давлат идоралари ҳам иштирок қилишлари мумкин. Масалан, фирмалар инвестиция қилиш учун фондлари миқдорини ошириш мақсадида бу механизмни қўллашлари мумкин. Бунинг учун улар бозорга сертификатларини чиқаришлари ва уларни бозор нархида сотишлари мумкин. Аммо бундай корпоратив молиявий ускуналарнинг умумий баҳоси компания мулкининг бозорий нархи билан кафолатланган бўлиши керак. Фойда ва зарарнинг бўлиниш механизмидан фойдалана олиш мумкин бўлмаган ҳолларда (*масалан, кичик ҳажмда қарз олувчилар ёки истеъмол заёмлари*) эса банкларнинг инвестиция қилишлари ва молиялаштиришлари учун альтернатив механизмлар мавжуддир. Булар жумласига кечиктириб тўлаш, кечиктириб етказиб бериш талаби орқали харид қилиш – *Bai salam* (*фьючерс контрактларига ўхшаш*), лизинг механизмидан фойдаланиш, имтиёзли заёмлар ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Марказий банкларнинг роли

«Закотни адо этганларнинг моли балодан ва ўғирликлардан омонда бўлади»

Ислом иқтисодий моделида банк билан боғлиқ операциялар турли-туман ва мураккабдир. Фойда ва зарарнинг бўлиниш даражаси маъносида анъанавий банк тизимида қабул қилинган қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги тушунчаси ўрнига лойиҳаларнинг фойдалилик даражаси ҳамда уларнинг амалга оширилиши мумкинлиги киритилади. Инвестицияларнинг фойдалилик даражасига қўшимча равишда банк томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий фаолият турларидан олинадиган даромадлар ҳам кўриб чиқилади. Лойиҳаларнинг баҳоланиши, тасдиқланиши, фойда бўлишиш нисбатларининг аниқланилиши, лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёнининг кетма-кетлиги аниқланилиши, мониторинг, бошқарув ва турли хил лойиҳаларнинг аудитини

амалга ошириш учун тижорат банклари фаолиятига янги талаблар қўйилади. Ислон молиявий тизими шароитида монетар-пул сиёсати билан шуғулланувчи ташкилотлар иқтисодиётдаги банк ва молиявий операцияларни бошқариш учун қуйидаги имкониятларга эга бўладилар. Бу биринчидан, жамият олдига қўйган асосий мақсадларга мос равишда мавжуд захираларни тақсимлаш бўлса, иккинчидан, махсус мақсадлар асосида монетар сиёсатни амалга оширишдир. Бундай мақсадларга эришиш учун марказий банк пул сиёсатини назорат қилади ва бошқаради (*бунда таклиф қилинаётган пул миқдори марказий банкнинг депозитлари ҳамда унинг тижорат банкларига бўлган мажбуриятлари орқали аниқланади*). Ундан ташқари, Марказий банк томонидан турли хил мажбуриятларга нисбатан резервлар нисбатлари, банклар ўз фойда бўлиниш фаолиятларини амалга оширишлари учун зарур бўлган воситаларнинг максимал миқдорлари ҳам назорат қилинади ва мақсадга мувофиқ равишда бошқарилади. Марказий банк турли хил банкларнинг ва шунга ўхшаш молиявий воситачиларнинг ҳиссаларини сотиб олиш билан ҳам шуғулланиши мумкин. Марказий банк ўзининг бошқарув, кузатув ва назорат функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда мамлакатдаги молиявий тизим фаолиятига ҳам яхшигина таъсир ўтказишни давом эттираверади. Масалан, банк фойда бўлиниш механизми асосида иқтисодиётнинг реал секторларига бевосита инвестициялар қилиши мумкин ёки турли хил қўшма корхоналарда бошқа банклар билан бир қаторда уларнинг Низом фондида иштирок қилиши мумкин. Очiq бозордаги молиявий операцияларда иштирок этиш ва унда турли хил қимматли қоғозлар ҳамда уларнинг хосилалари билан савдо қилиш имконияти ҳам истисно этилмайди. Фақат бунда қиймати бўлмаган молиявий воситаларни сотиб олишга йўл қўйилмайди ҳамда турли хил кўринишдаги ва мавқедаги халқаро фирибгарларнинг тўрига тушиб қолмаслик қаттиқ назорат қилинади. Буларга қўшимча равишда, Марказий банк бир томондан, банклар ва қарздорлар орасидаги фойда-зарар бўлиниши нисбатларини, иккинчи томондан, банклар ва депозиторлар орасидаги фойда-зарар бўлиниши

нисбатларини бошқариб туриши лозим бўлади. Бу нисбатларни аниқлашда умумий ва секториал фойда-зарар бўлиниш нисбатларининг жорий катталиклари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамият аъзоларининг молиявий активлари инвестиция депозитлари шаклида жалб қилиниб, уларнинг мажбуриятлари эса ***Mudarabah*** ва ***Musharakah*** келишувлари асосида заёмлар бериш билан қонунийлаштирилади. Бундай депозитларнинг ва заёмларнинг инвестицион қайтарув нормалари тўлиқ миқдорда бозорий ҳолат орқали аниқланади. Тижорат банклари жамият аъзоларига исломий банк қонун-қоидалари асосида кредитлар беришлари мумкин, резервлар эса Марказий банк тасарруфида бўлади. Бундай резервлардан Марказий банк мавжуд жорий қонунларга биноан ёки ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин. Банк секторининг мажбуриятлари ва инвестиция депозитлари Марказий банк тасарруфида бўлган банкларнинг мулкидир. Марказий банк бутун иқтисодий тизимдаги инвестиция қайтаруви нормаларини ва кредит оқимларини ҳамда резервларни ўзгартириш имкониятлари ва воситаларига эга бўлиши керак.

3.2. Фойда ва зарарни бўлишиш амалиёти

*«Қиёмат кунда олимлар дунёда риёзат чекиб,
илм орттирганлари ва унга амал қилганлари учун
биринчи бўлиб Жаннатга кириш даъвосини қиладилар»*

Исломий молиявий амалиётдаги тўртта асосий тамоил ундаги молия-банк муассасаларининг фаолиятини бошқариб ва назорат қилиб туради. Булардан биринчиси, барча заёмлар (*ёки қарз беришлар*) ижтимоий самарага эга бўлган лойиҳаларни молиялаштириши учун берилиши ёки ажратилиши керак. Иккинчидан, агарда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган лойиҳа мукофотланишни кўзда тутса, таваккалчилик (*риск*) қилиш мумкинлиги назарда тутилади. Учинчидан, молиявий таваккалчилик (*риск*) тўлалигича қарз берувчи зиммасида бўлади ва менежерлар, бошқарувчилар ҳамда агентлар бу таваккалчиликка шерик бўла олмайдилар. Тўртинчидан, илгари айтиб ўтганимиздек, фоиз механизми тўлиқ таъқиқланади, яъни, бизнес корхоналари фаолияти натижасига боғлиқ бўлмаган холда қарзга берилган

маблағдан, улушдан ёки инвестицион депозитдан қандайдир миқдорда фойда олиш мумкин эмас. Бу тамоилларни ўз ичига қамраб олган икки асосий молиявий усулга *Musharaka* ва *Mudarabah* ларни киритишимиз мумкин.

Musharaka ҳамкорлик келишуви (*контракти*) бўлиб, унда банк ва қарз олувчи ёки унинг агенти ажратилган капитални ва капитал жалб қилинган корхонани бошқаришга биргаликда жалб қилинадилар ҳамда унинг муваффақияти учун керакли бўлган сайъи-ҳаракатларни қиладилар. Корхонанинг ишлаши натижасида олинadиган фойданинг қандай нисбатда бўлиниши ёки тақсимланиши ҳақида олдиндан махсус шартнома орқали келишилиб олинади. Агар бундай тадбиркорлик жараёнидан зарар кўриладиган бўлса, у холда зарар миқдори ҳам икки томоннинг умумий капиталга кўшган улушлари катталигига пропорционал равишда тақсимланади (*агар бунда агентнинг айби бўлса ёки у ниманидир ҳисобга олмагани учун зарар кўрилган бўлса ҳам бу хол ҳисобга олинмайди, аммо кейинги ишларга жалб қилинишида бу унинг рейтингига салбий таъсир қилиши мумкин*). Контрактда агент лойиҳа иши учун тўлиқ ҳажмда жавобгарлиги ва банкка ишнинг бориши ҳақида доимий равишда ҳисоботлар ва маълумотлар бериб туриши кўзда тутилиши мумкин.

Mudarabah да барча фондлар банк томонидан киритилади ва агент тадбиркорлик фаолияти учун тўлалигича жавобгар бўлади. Бунда ҳам фойда бирор бир олдиндан аниқланилган тартибда бўлишилади, аммо зарар тўлалигича қарз берувчи зиммасига тушади. Агент эса, бизнес касодга учраган холда, бу ишни амалга ошириш учун ўз вақтини ва куч-қувватини йўқотган деб ҳисобланади.

Юқорида кўриб ўтилган иккала турдаги келишув (*контракт*) ҳам фойда ва зарарни бўлишиш контрактлари (**PLS** - *profit and loss sharing*) деб номланади. **PLS** – контрактларидаги учинчи томон бўлиб, банклар учун пул фондлари манбаъи бўлган депозиторлар қаралиши мумкин. Ислом банклари депозиторларга ҳисоб-китоб учун мўлжалланган, пулларни сақлаш учун фойдаланиладиган ва инвестиция қилиш мумкин бўлган бир канча

имкониятларини таклиф қиладилар. Буларнинг биринчи иккитаси оддий банклар тизимидаги худди шундай имкониятларга жуда ўхшаб кетади (*аммо, улар айнан бир хил эмаслигини таъкидлашимиз лозим*). Биринчи фарк шундаки, банклар баъзи ҳолатларда бундай турдаги депозитларни инвестицияларга жалб қилиш учун унинг эгасидан руҳсат олишлари керак бўлади. Бундай депозитларнинг қайтарилиши кафолатланган, аммо ҳар қандай кўринишда ҳам улар бўйича фоиз олинмайди. Амалиётда баъзи банклар ушбу депозитлардан фойдаланиб, фоизсиз заёмлар харид қилиш ва фойда бўлиши имкониятларида иштирок қилиш сингари имтиёзлар таклиф қилишлари мумкин. Буларсиз ҳисоб-китоб учун мўлжалланган ва пулларни сақлаш учун фойдаланиладиган ҳисоб рақамларини фарқлаш мумкин бўлмай қолади. Пулларни сақлаш учун фойдаланиладиган депозитлар бўйича маблағлар кафолатланган ва унинг эгалари учун таваккалчилик мавжуд бўлмайди. Инвестиция депозитлари Ислом банклари учун уникал ҳолат ҳисобланиши мумкин. Бундай депозитлар бўйича минимал фойда кафолатланмаган. Агарда инвестицион депозитни келишилган вақтдан илгарироқ олинса, фойданинг маълум бир миқдори кўринишида жарима олинishi мумкин. Бундай депозитлар «муаллифли» (*authorized*) ёки «муаллифсиз» (*unauthorized*) ларга мансуб бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда инвестицияда банк жалб қилинган лойиҳага улуш қўшган ҳолда қатнашади, иккинчи ҳолда эса депозит умумий инвестицион фонд таркибида фойдаланилади. Инвестицияда банк жалб қилинган лойиҳага улуш қўшган ҳолда қатнашганда депозиторлар лойиҳанинг фойда ёки зарарига шерик бўладилар. Депозит умумий инвестицион фонд таркибида фойдаланилганида, депозиторлар банк инвестицион ва заём фаолиятларининг умумий фойдасига шерик бўладилар. Юқорида кўриб ўтилган иккала **PLS** – контрактлар фоиз (*riba*) ни истисно қиладилар ва улар инвестиция қилинган тадбирдан келиб чиқадиган фойда бўлагидан ташқари ҳеч нима олишлари мумкин эмас. Ундан ташқари, депозиторлар томонидан қилинган таваккалчилик агентларниқидан каттароқ бўлади. Диверсификацияни амалга

ошириш туфайли таваккалчилик миқдорини камайтириш мумкин бўлади. Амалиётда банклар «муаллифсиз» депозиторларга тўлов мақсадида резерв фондига эга бўладилар ва бу резерв фонд хар бир молиявий йил охирида олинган умумий фойдадан бир қисмини ажратган холда ташкил қилинади. Бу эса депозиторларга тўловни кафолатлаш учун хизмат қилади. Депозитларнинг «муаллифли» турлари эса бундай имтиёзга эга эмаслар ва улар молиялаштирилаётган аниқ бир лойиҳанинг амалга ошиши ва муваффақиятигагина умид қила оладилар, холос. **PLS** – контрактларида иштирок қиладиганлар махсус сертификатга эга бўладилар ва бу сертификатларни сотишлари ёки сотиб олишлари мумкин бўлади. Уларнинг бозорий нархи амалга оширилаётган инвестициянинг аҳамияти ва унинг қандай амалга оширилиши билан боғлиқ бўлади. Инвестиция муваффақиятли амалга оширилган тақдирда, **PLS** – сертификатларининг нархи олинган фойда ҳисобига ўз номиналига нисбатан ошади, акс холда уларнинг нархи кўрилган зарар ҳисобига номиналдан пастроқ бўлади. Бирор бир **PLS** – сертификат бўйича олинadиган фойда ёки кўриладиган зарарнинг миқдори сертификатнинг тўлов муддати келганида аниқ бўлади. Аммо, агарда нақд пул зарур бўлса, сертификат унинг номинали бўйича ёки бозор талаб-таклифига асосланган нарх бўйича сотиб юборилиши мумкин. Агарда инвестиция қилинган компаниянинг ўтмишдаги ва ҳозирдаги муваффақиятлари ҳамда молиявий аҳволи жуда ҳам яхши бўлса, бу турдаги инвестицияларнинг **PLS** – сертификатларини фойда олиш илинжида сотиб олиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

PLS – турига мансуб молиявий ташкилотлар турли хил молиявий тузилмалар билан биргаликда фаолият кўрсатишлари мумкин. Амалиётда баъзи мамлакатларда бундай фаолият турларини амалга оширадиган банклар фоиз бериладиган банклар билан биргаликда фаолият кўрсатадилар (*масалан, Ўрта Шарқ мамлакатларида*), бошқалари эса банк тизимини тубдан ўзгартириб, барча операцияларни исломий асосда олиб борадилар (*масалан, Эрон, Саудия ва Покистонда*).

Исломиё акционер банклар мижозларнинг инвестицияга қўшган улушларига боғлиқ равишда умумий фондлардан олинган фойдадан бир қисмини олишларига имкон беради. Олинган фойда миқдори **PLS** – контрактлардаги келишилган шартларга биноан тақсимланади. Шунинг ҳам айтиш керакки, банклар икки томонлама **PLS** – контрактларга жалб қилинадилар. Одатда қарз олувчилар банкка мурожаат қиладилар ҳамда бу ҳолда банклар қарз берувчилар сифатида бўладилар. Иккинчи контракт банклар ва уларнинг депозиторлари орасида бўлиб, бунда банклар қарз олувчилар сифатида намоён бўладилар. Натижада банк оладиган фойда миқдори қарз олувчи томон ва қарз берувчи депозиторларнинг орасида келишилган ҳолда бўлинади. Исломиё банклари қандайдир даражада фойда олиш илинжида ҳамда ўз мақсадларига эришиш йўлида нафақат ўзлари учун, балки қарз берувчилар (*депозиторлар*) ва қарз олувчилар учун ҳам хизмат қилишга мажбур бўладилар. Контракт тузиш вақтида фойда бўлиши масаласини ҳал қилиш бир қанча муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Замонавий молиявий капитал бозорларида қарз берувчилар номидан бир қанча молиявий воситачилар (*масалан, истеъмолчиларнинг кредит ташкилотлари, пулларни сақлашнинг турли хил молиявий ташкилотлари, траст компаниялари, жамоа мобил банклари, заём ассоциациялари, кредит уюшмалари ва бошқалар*) фаолият кўрсатадилар. Уларнинг фаолияти аксарият ҳолларда олдиндан аниқланилган фоиз ставкаси катталиги билан боғлиқ бўлгани учун, уларни Исломиё молиявий тизимида қўллаш бир қанча муаммо ва қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда бу тизимда қўллаш масалаларини ўрганиш алоҳида илмий-амалий тадқиқот ишларини талаб қилади.

Агарда инвестиция компаниялари ва ўзаро фондлар механизмларининг Исломиё иқтисодиётида қўллаш масаласини кўриб чиқсак, улардан иккисидан ҳам баъзи бир чекланишлар воситасида фойдаланиш мумкинлигини кўришимиз мумкин. Аммо бунда асосий фарқ молиявий инвестицияларнинг қандай кўринишларда амалга оширилиши билан боғлиқ бўлади. Биринчидан,

Ислом банки ўз зиммасига бириктирилган фондларни самарали инвестицияларга жалб қилиш мажбуриятини олади ва бунинг учун зарур бўлган тегишли сайъи-ҳаракатлар қилади. Аммо унинг ушбу фондларни ва капитал миқдорини максималлаштириш мақсадида қимматли қоғозларнинг спекулятив савдосида қатнашишига йўл қўйилмайди. Иккинчидан, ўзаро фондларни бошқаришда асосий мақсад **PLS** – келишувлари (*контрактлари*) иштирокчиларига келишилган фойда миқдорини бериш бўлиб, бундан банк ҳам қандайдир миқдорда фойда олиши бўлиши мумкин. Учинчидан, **PLS** – контрактлари фондларни қандайдир аниқ инвестиция даврига жалб қилиш учун ишлатилади ва шунинг учун ҳам пастроқ ликвидлик даражасига эга бўлади. Ундан ташқари, контрактдаги асосий сумманинг (*принципалнинг*) миқдори лойиҳанинг амалга оширилиши натижасига боғлиқ равишда ўзгариши ҳам мумкин. Тўртинчидан, реклама харажатлари, диллер ва сотувчиларга бериладиган комиссия **PLS** – контрактларда кўзда тутилмаган ва бу берилган заём баҳосининг ошишига сабаб бўлади. Ва ниҳоят, ўзаро фондлар акцияларни сотиб олишга қурблари етмаса, у холда касод бўлганларини эълон қиладилар, ислом банклари эса бундай ноқулай аҳволга тушишдан ҳимоя қилинганлар.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, **PLS** – механизми асосида фаолият кўрсатадиган ислом банклари ҳозирги пайтда мавжуд бўлган молиявий воситачилик ва инвестиция механизмларидан фойдаланишлари мумкин. Лекин бу молиявий операцияларни амалга ошириш учун **PLS** – контрактларда таваккалчилик даражаси, инвестицияларнинг қайтарув нормалари ва керакли даражадаги ликвидликни амалга ошириш усулларини кўзда тутиш керак бўлади. Ислом молиявий тизимидаги **PLS** – келишувларининг анъанавий келишувлардан асосий фарқи - инвестицияларнинг самарали бўлиши ва спекуляцияга йўл қўйилмаслиги ҳамда фойда бўлинишида камроқ воситачиларнинг иштирок қилишидир. Ундан ташқари, мулк ҳуқуқи савдосига йўл қўйилмайди (*чунки мулк, у қандай турларда бўлишидан қатъи-назар, Оллоҳ томонидан барча*

инсонларга берилган неъмат ва конкрет инсон унга вақтинчалик эгаллик қилади) ва турли хил спекулятив амаллар орқали капиталнинг ўсишига ёки камайишига йўл қўйилмайди. Булар эса ислом банкларининг замонавий ва анъанавий банк тизими билан интеграциялашувини қийинлаштиради. Ислом банкларида даромадлар кўпроқ ва нархлар камроқ бўлиши кўзда тутилгани учун улардаги операцион харажатлар юқори бўлиши мумкин. Ундан ташқари, банклар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнининг бир қисми сифатида кўрилгани учун, уларда бу фаолият турини амалга ошириш учун мос бўлган интеллектуал иш кучи талаб қилинади (*инвестицион бошқарувчилар*). Аммо банк ва корхонанинг фойда олиш учун бўлган интилишлари бир хил бўлгани уларнинг бири-бири кучайтиришига ва ўзига хос бўлган синергетик эффектга олиб келиши мумкин. Банк учун инвестицион таваккалчилик даражаси эса фойда натижага боғлиқ равишда тақсимланиши туфайли йўқ даражада бўлади. Аммо ислом банкларининг асосий ижобий томони - аҳолини унинг фалсафий-диний қарашларига мос бўлган молия-банк тизими билан таъминлашдир. Бу эса ушбу тоифага мансуб бўлган инсонларнинг молиявий маблағларини иқтисодиётга жалб қилишга имкон беради ва турли хил молиявий-иқтисодий ҳамда сиёсий инқирозларнинг олдини олади.

3.3. Исломий молиявий воситалар ва амаллар

«Олимнинг илми сахий бойнинг берган саховати натижасида топилган бўлса, Жаннатга аввал сахий бой, кейин қолганлар киритилади»

Кўпчилик исломий давлатларда, ташкилотларда ва мусулмон инсонлар гуруҳларда (*исломий жамиятларда*) бир қанча турдаги исломий молиявий ташкилотлар фаолият кўрсатади. Буларга мисол қилиб ислом банкларини, траст компанияларини, молия уйлари, инвестиция компанияларини, кредит уюшмаларини ва бошқаларни келтириш мумкин. Турли хилдаги ва кўринишдаги лойиҳаларни молиялаштириш, савдо-сотикни юритиш ва мижозларга молиявий хизматлар кўрсатишнинг исломий контрактларда кўзда тутилган асосий усулларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- **Murabaha - cost-plus financing** - молиялаштириш
- **Musharakah – partnership** - ҳамкорлик
- **Mudarabah – profit sharing** – фойда бўлишуви
- **Ijara – lease** - лизинг
- **Salam – futures contract** – фьючерс контракти
- **Al-Ijara wa Al-Iktina – hire-purchase** - ижара
- **Qard Hassan – interest-free loan** – фоизсиз заём
- **Muzara’a – sharecropping deal** – бўлажак хосилни бўлишиш тўғрисида келишув
- **Muqarada – the Islamic Bank issues «Islamic bonds» to finance a specific project** – ислом банки бирор бир лойиҳани молиялаштириш учун «ислом заёмлари» чиқаради.

Исломий молиявий воситаларнинг биринчисига илгариги бўлимларда ҳам кўрсатиб ўтилган **murabaha** ни киритиш мумкин. **Murabaha** атамаси арабча “**rabbia**” феълидан келиб чиққан бўлиб, «олмоқ», «фойда қилмоқ» ёки «ютмоқ (*ўйинда, спортда*)» маъносини англатади. Адабий тилда **Murabaha** атамаси «кўпайиш», «олиш» ёки «фойда олиш» ни англатиб, молиявий маънода уни баҳо плюс молиялаштириш (**cost plus financing**), баҳо плюс фойда (**cost plus profit**) ёки махсус мақсадда баҳолаш ва қайта сотиш (**mark up and resale with specific gain**) деб ўзбек тилига таржима қилиниши мумкин (*баҳо плюс - cost plus нархларни шундай хосил қилиш усулики, бунда товарнинг баҳосига сотувчининг коммиссион тўловлари фоизларда ҳисобланиб қўйилади*).

3.4. Фоизли ва фоиз механизмсиз иқтисодий тизимлар математик моделлари ва уларнинг таҳлили

«Қиёмат кунда олимлар мартабаси шаҳидлар қони мартабасидан баланд саналади»

Макроиқтисодиётнинг кўп ўлчамли функционал динамикаси моделларини тузиш уни ҳар томонлама ўрганиш ва иқтисодий ривожланишни чуқур математик таҳлил қилиш имконини беради. Бунинг

учун аввало ушбу моделдаги боғлиқ бўлмаган ўзгарувчиларнинг қандай эканлигини кўриб чиқамиз. Математик модел таркибига кирадиган бундай боғлиқ бўлмаган асосий ўзгарувчилар сифатида биз миллий даромадни Y , ишга лаёқатли аҳоли сонини L , маълум бир даврда ҳосил қилинаётган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини P ҳамда умумий моддий сарф-харажатларнинг жами ҳажмини M , умумдават харажатларини G ва ундаги умумий истеъмол ҳажмини C кўриб чиқишимиз мумкин.

Боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар сифатида эса биз мавжуд бўлган капитал миқдорини $K(t)$ ҳамда ушбу иқтисодиёт учун амалга оширилган умумий инвестициялар ҳажмини $I(t)$ кўришимиз мумкин. Ўзгарувчиларни бундай кўринишда танлаб олганимизда, иқтисодиёт ривожланишининг умумлашган моделини куйидаги соддалаштирилган дифференциал тенгламалар системаси кўринишида ёза оламиз (*албатта, бу ерда биз қўйилган масалага бўлган умумий ёндошув нуқтаи-назаридан ва математик имкониятларни ёритиш позициясидан қараймиз*):

$$\left\{ \begin{array}{l} dY/dt = a_1 L + a_2 K + a_3 P - a_4 M + a_5 I(t) - a_6 C + a_7 K(t) - a_8 G \\ dL/dt = b_1 Y + b_2 L + b_3 P + b_4 C \\ dP/dt = c_1 Y + c_2 L + c_3 M + c_4 K(t) + c_5 I(t) + c_6 G \\ dM/dt = d_1 Y + d_2 L + d_3 P - d_4 M + d_5 G + d_6 C \\ dG/dt = f_1 Y + f_2 L + f_3 C \\ dC/dt = g_1 Y + g_2 L + g_3 P + g_4 K(t) - g_5 C \end{array} \right.$$

Ушбу тенгламалар системасини ечиш учун аввало мавжуд бўлган капитал миқдори $K(t)$ ва ушбу иқтисодиёт учун амалга оширилган умумий инвестициялар ҳажми $I(t)$ билан боғлиқ функционал боғланишларни билишимиз керак бўлади. $I(t)$ ни аниқлаш учун инвестицияларнинг вақт билан боғлиқлик функцияси олдинги даврлардагидек бўлади деб фараз қилиш ёки уни инвестицион давлат сиёсати билан боғлиқ равишда бирор бир

функционал боғланиш сифатида аниқлаш мумкин. $K(t)$ ни эса мураккаб фоиз тенгламасидан фойдаланган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K(t) = K_0 * (1 + \Phi C)^{t/365}$$

Бу ерда, t – вақт, K_0 давлатдаги реал капитал миқдори ва ΦC – Марказий банк томонидан ўрнатилган банклар бўйича йиллик ўртача фоиз ставкаси катталиги. Агар исломий банк тизимига эга бўлган давлат моделини қуриш керак бўлса, у ҳолда фоиз ставкаси катталиги $\Phi C = 0$ деб олиниши мумкин.

Эндиги масала ушбу чизикли бўлмаган дифференциал тенгламалар системасини ечиш бўлиб, бунинг учун турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу усуллардан биринчиси иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари олдиндан режалаштириладиган ҳолатга тўғри келиб, бунда $Y, L, P, M, G, C, K_0, \Phi C$ ва $I(t)$ каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳозирги пайтдаги ва маълум бир даврдан сўнгги мақсадга мувофиқ бўлган катталикларига таянилади. Яъни, масалан, тўрт йилдан кейин иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари қандай катталикларга эга бўлиши кераклиги олдиндан берилиб, қолган боғлиқ ўзгарувчиларнинг ушбун амалга ошириб берадиган миқдори бу давр оралиғида қандай бўлиши аниқланилиши керак бўлади. Буларга масалан, қанча капитал сарф қилиниши кераклиги, инвестиция ҳажми қандай бўлиши, давлат харажатлари миқдори қанчалик бўлиши мақсадга мувофиқлиги, истеъмол ҳажми қандай катталиқда бўлиши кераклиги мисол бўла олади. Бу эса математика нуқтаи-назаридан чегаравий деб аталган масаланинг ечилишига олиб келади. Яъни, чизиксиз дифференциал тенгламалар системаси кўринишида ифодаланган динамик системанинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишининг оптимал бўлган траекториясини аниқлаш чегаравий масалани ечиш орқали топилиши лозим бўлади (*буни режали иқтисодиёт масаласини хал қилиш деб аташ мумкин*).

Масалани иккинчи хил ечиш усули эса бозор иқтисодиётига асосланган давлат иқтисодиётини моделлаштиришга тааллуқли бўлиб, бизга ушбу иқтисодиёт ривожланишининг берилган вақтдаги асосий макроиқтисодий

кўрсаткичларидан фойдаланиб, унинг барча асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари маълум вақтдан сўнг қандай бўлишини аниқлашга имкон беради. Демак, бу усулни қўллаганда биз барча ўзгарувчиларнинг бошланғич вақтдаги қийматини беришимиз керак бўлади. Бундай масалани тўлалигича ечиш бизга иқтисодиёт ривожланишининг эволюциясини беради ҳамда турли ташқи ва ички факторлар ўзгариши натижасида макроиқтисодий келажакни башорат (*прогноз*) қилиш даражасини анчагина оширишга ҳамда эҳтимол тутилган турли хил молиявий ва иқтисодий инқирозларнинг олдини олишга имкон яратади. Шунинг учун ҳам юқоридаги кўрсатиб ўтилган иккала усулнинг қўлланилиши биз қандай объектни ўрганаётганимиз ва бу изланиш натижасида нимани олишни истаётганимиз билан боғлиқ бўлади, албатта. Аммо, иккала турдаги масалаларни ечиш учун ҳам бизга энг аввало юқоридаги дифференциал тенгламалар кўринишида ифодаланган моделда иштирок этган a_i, b_i, c_i, d_i, f_i ва g_i каби катталиги ноаниқ бўлган параметрларининг қандайдир қийматларини топиш керак бўлади. Бунинг учун эса ўз навбатида иқтисодиёт ривожланишининг олдинги даврлардаги ўзгаришини характерловчи турли хил релевант информация массивлари ва тегишли макроиқтисодий кўрсаткичлар керак бўлади. Демак, биз ушбу параметрларнинг ҳақиқатга иложи борица яқин бўлган катталикларини ҳисоблаб чиқиш учун миллий даромаднинг, истеъмол ҳажмининг, давлат харажатларининг, ишга лаёқатли аҳоли сонининг, ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулот ва хизматлар ҳажмининг ҳамда давлатдаги умумий материал сарф-харажатларнинг яқин ўтган даврлардаги ўзгариш динамикасини пул индексини ҳисобга олган ҳолда, яъни, инфляцияни истисно қилган тарзда билишимиз керак бўлади. Шундай қилиб, моделнинг номаълум параметрларини топиш учун каттагина илмий-иқтисодий-статистик изланиш ишларини олиб боришимиз керак бўлади.

Юқорида кўрсатилган иқтисодиёт ривожланиши кўрсаткичларининг сон қийматларига эга бўлган ҳолда, дифференциал тенгламалар системасини, a_i, b_i, c_i, d_i, f_i ва g_i номаълум параметрларнинг бирор-бир ақлга мувофиқ

бўлган катталикларида (улар қандай аниқланилиши юқорида тавсиф этилган эди) ечишимиз мумкин. Ундан сўнг, \mathbf{a}_i , \mathbf{b}_i , \mathbf{c}_i , \mathbf{d}_i , \mathbf{f}_i ва \mathbf{g}_i ларни янада аниқлаштириш учун дифференциал тенгламалар системасининг ечимлари $\mathbf{Y}(t)$, $\mathbf{L}(t)$, $\mathbf{P}(t)$, $\mathbf{M}(t)$, $\mathbf{G}(t)$, $\mathbf{C}(t)$ ни мавжуд натижалар билан таққослаган холда, улар бир-бири билан маълум бир маънода мос келгунга қадар \mathbf{a}_i , \mathbf{b}_i , \mathbf{c}_i , \mathbf{d}_i , \mathbf{f}_i ва \mathbf{g}_i ларни ўзгартириб, масалани босқичма-босқич ечиш жараёнини амалга оширамиз. Ечим билан хаётий кўрсаткичларнинг мос келиш кўрсаткичлари сифатида бир қанча критериялардан (мослик кўрсаткичларидан) фойдаланишимиз мумкин. Булар жумласига фарқларнинг квадратлари йиғиндисини минималлаштириш усулини (СКВ усули), максимал четланишни минималлаштириш усулини (Чебышев ёки минимакс усули), фарқларнинг абсолют қийматлари йиғиндисини минималлаштириш (модул усули) ва бошқа бир қанча усулларни киритишимиз мумкин. Бундай алгоритмларни амалга ошириш ҳамда улар воситасида юқорида кўрсатиб ўтилган критерияларнинг минимумини топиш масаласи чизиқсиз дастурлаштириш соҳасидаги анчагина чуқур ўрганилган ва ҳозирги даврда тўла хал қилинган масала бўлиб, замонавий компьютерларни қўлланилиш шароитларида қандайдир мураккаб масала бўлиб ҳисобланмайди.

Бу бўлимда келтирилган дифференциал тенгламалар кўринишидаги математик моделдан фойдаланган холда иқтисодий тизимга фойиз механизмининг таъсирини аниқ ва равшан ўрганишимиз мумкин. Бунинг учун тенгламалардаги $\mathbf{K}(t) = \mathbf{K}_0 * (1 + \Phi C)^{t/365}$ функцияда пул миқдорининг вақтга боғлиқлигидан фойдаланиш кифоя. Яъни, юқорида тавсиф этилган математик моделдан аниқ кўришиб турибдики, вақт ўтиши билан миллий даромаднинг пулда фойдаланган қиймати \mathbf{Y} , иқтисодиётда ҳосил қилинаётган маҳсулот ва хизматларнинг ялпи ҳажми \mathbf{P} ҳамда ундаги умумий истеъмол ҳажми \mathbf{C} нинг нафақат ўзи, балки уларнинг ўсиш суръатлари ҳам вақтга нисбатан даражали муносабатда ўсиб кетади. Бу эса ўз навбатида товар массаси билан пул массасининг ўта номутаносиб бўлиб

қолганлиги туфайли жадал суръатлар билан ҳамда экспоненциал тарзда даврий иқтисодий инқирозларни келтириб чиқаради ва бу ўта салбий оқибатларга ҳамда турли хил сиёсий тўқнашувларга сабаб бўлади.

4-Боб. Исломий кредит уюшмаларнинг амал қилиш механизми

*«Уч гуруҳ шахслардан ҳазар қилинг:
биринчи – зофил уламодан, иккинчи – маддоҳлик қилувчи
фуқаролардан (лаганбардорлардан),
учинчиси – жоҳил шайхлардан»*

4.1. Кредит уюшмалари ҳақида тушунча

Кредит уюшмалар илк бора бундан 150 йиллар илгари Германияда вужудга келган. Ҳозирги пайтда эса улар жаҳоннинг деярли барча мамлакатларда миллионлаб турли хил инсонлар учун молиявий хизматлар турларини таъминламоқдалар. Бу хилдаги молиявий модел барча турдаги аҳоли гуруҳлари, турли хил маданиятлар, тиллар ва диний йўналишларга мансуб, ҳар хил сиёсий ва иқтисодий тузумда яшаётган инсонлар учун қўлланилиши мумкин. Аммо бунда унинг асосий фаолият кўрсатиш механизмлари катта ўзгаришлар талаб қилмайди. Ҳозирги пайтдаги дунё аҳолисининг тахминан бир миллиарддан ошиғи ислом динига мансублигини ҳисобга олсак, уларнинг ҳам бундай молиявий моделни кенг кўламда ишлатишлари катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлар эди. Чунки ҳозирги даврда исломий диний таълимоти ва кўрсатмалари бўйича яшаётган мамлакатларда кредит уюшмалари механизми унчалик ривож топмаган. Асосан Россия, Франция, Покистон, Ғарбий Африка давлатлари, Нигерия, Тринидад ва Тобагодаги ҳамда АҚШ да истиқомат қиладиган фуқароларгина кредит уюшмалар ҳаракатида кенг миқёсда иштирок этадилар. Улардаги ислом динига мансуб фуқаролар сони эса ислом мамлакатларидаги аҳолининг жуда ҳам озчилик қисмини ташкил қилади. Бу ҳолатга сабаблар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Кредит уюшмаларнинг ташкил қилиниши ва ундан олинадиган афзалликлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда кредит уюшмалари механизми кўпчилик ривожланаётган мамлакатларга турли хил халқаро

ташкilotлар – асосан ривожланиш учун иқтисодий кўмак берувчи ғарбона ташкilotлар томонидан берилган;

- Ғарб мамлакатлари ўзларининг чекка ўлкалардаги иқтисодий ҳолатларини яхшилаш мақсадида ҳамда бошқа мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтишини тезлаштириш учун кредит уюшмалар моделининг фақатгина ғарбона моделини кенг миқёсда тарғиб қилганлар ва уларнинг яратилиши учун ташкилий-молиявий ёрдам берганлар;
- Ғарб мамлакатларидан бўлган ва кўпчилик ҳолларда насроний динига риоя қилувчи шахслар ислом ва унинг тарихини, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш кераклигини тушунмаганлар (*ёки буни тушунишни хохламаганлар*). Шунинг учун ҳам улар тушунмовчилик ҳамда нотўғри стереотиплар асосида иш олиб борганлар. Масалан, улар фойсиз банк тизими тушунчасини хазм қила олмаганлар (*ёки кимлардир уларга буни тушуниш имконини бермаганлар*) ва натижада бу ҳолат ислом дини ҳамда унга мансуб аҳоли гуруҳлари устивор бўлган мамлакатларида кредит уюшмалар моделининг ривожланишига катта тўсиқ бўлиб келган.

Бу факторлар эса ислом дини асосий диний таълимот бўлган мамлакатларда аҳолининг кредит ресурсларига муҳтожлигига ва уларда кредит уюшмалар молиявий моделининг жуда ҳам секин ривожланишига олиб келган. Ғарбона услубдаги молиявий муассасалар ислом мамлакатларида 19-аср охирларидан бошлаб ривожлана бошлаган ва бу ҳаракат бир қанча тушунмовчиликлар ҳамда қаршиликларга дуч келган. 1950-йиллар бошларидан ислом дини устувор бўлган мамлакатларида ислом диний ақидалари билан мос бўлган бир қанча молиявий институтлар пайдо бўлди ҳамда улар кичик миқёсда ва жамоалар орасидагина фаолият кўрсата бошладилар. Лекин 1970-йиллардан сўнг кузатилган нефть маҳсулотлари баҳоларининг кескин ошиши ислом мамлакатларига ҳам жуда катта ва мураккаб бизнес турларини Ғарб мамлакатлари билан биргаликда юрғатиш учун замонавий молиявий усулларни ҳамда ускуналарни ишлаб чиқиш

масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Бундай молиявий муассасалар турига Ислом банклари ва исломий кредит уюшмаларни киритиш мумкин. 1980-82 йилларда Нигерия кредит уюшмалари федерацияси директорлар кенгаши раиси ва Панафрика кредит уюшмалари федерацияси директорлар кенгашининг раиси Мисрга келиб, ислом ҳуқуқи мутахассислари билан кредит уюшмалар моделининг исломга нақадар мослиги билан боғлиқ муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар ва бундай ташкилотларни ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича тавсиялар бердилар. Бу эса ислом оламида исломий тартиб-қоидаларга мос бўлган кредит уюшмалар каби молиявий муассасаларнинг ривожланишига ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилди.

Кредит уюшмалари анъанавий молиявий кооперативларнинг бир тури сифатида тушунилади. Бундай ташкилотлар бирлашманинг умумий фондларини ўзаро келишув асосида бўлишиб фойдаланиш мақсадида ёки бирор бир бошқа мақсадни амалга ошириш учун ташкил қилинади. Бу турдаги жамоа аъзолари қуйидаги мақсадларни амалга ошириш учун биргаликда ҳаракат қиладилар:

- Жамоа аъзолари орасида маълум бир мақсадларга йўналтирилган иқтисодий келишувларга эришиш учун;
- Бир-бирларига арзонроқ нархларда ва шартларда кредит ҳамда заёмлар бериш имкониятини яратиш учун;
- Жамоадаги муаммоларни ҳал қилиш учун биргаликда ишлашни ўрганиш ва бу билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш имкониятига эга бўлиш учун.

Кредит уюшмаси аъзолари унга эгалик қиладилар ва уни биргаликда бошқарадилар. Иш жараёнини амалга ошириш учун улар кредит уюшма аъзолари орасидан бошқарув комитетини сайлайдилар ва бу комитет уюшманинг фаолиятини юргзади. Кредит уюшмадаги кредитларни бошқариш комитети заёмлар беришни амалга оширса, кузатув комиссияси турли хилдаги операцияларнинг амалга ошишини кузатиш ва текширишни амалга оширади. Кредит уюшмаси фойда кўрмайдиган (*non-profit*) турга

мансуб молиявий кооператив бўлиб, унинг аъзолари биргаликда фондлар хосил қиладилар ва уларни жойлаштирадилар. Худди шу фондлар кредит уюшма аъзолари орасида турли хил тадбиркорлик ишларини амалга ошириш учун ва захира манбаъи сифатида ҳам ишлатиладилар. Кредит уюшмаси заём берганлик учун уюшма аъзоларидан маълум бир миқдорда ҳақ олади ва уни уюшманинг жорий харажатларини қоплаш ҳамда ривожланиш учун ишлатади. Кредит олганлик учун тўлов куйидаги ташкил этувчилардан иборат бўлади:

- Кредит уюшмаси бошқарувининг харажатларини қоплаш учун;
- Инфляция натижасида кредит уюшмаси фондларининг ва берилган кредитлар қийматининг камайишини қоплаш учун;
- Олган кредитларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олмаётган аъзоларнинг маблағларини бошқа фаолроқ аъзолар орасида тақсимлаш натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун.

Юқорида кўрсатилган тўловлар кредит уюшмасининг умумий фойдасидан айрилганидан сўнг қолган даромад қарз олган кредит уюшмаси аъзоларига олинган кредитларни қисман қоплаш мақсадида берилади. Бу амал қарз (*кредит*) олган уюшма аъзоларининг қайтаришлари керак бўлган пул миқдори катталигини камайтириш учун хизмат қилади. Кредит уюшмаси йиллик даромадидан маълум бир қисми уюшма аъзоларига йил охирида дивиденд сифатида ҳам берилиши мумкин. Қачон ва қанча миқдорда дивиденд бериш кераклигини кредит уюшмаси бошқарув хайъати унинг йиллик йиғилишларида хал қилади. Кредит уюшмалари кўпинча даромади паст даражада бўлган инсонлар орасида ташкил қилиниб, улар ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини ёки кечиктириб бўлмайдиган оилавий муаммоларни хал қилиш учун уюшмага аъзо бўлиб кирадилар. Мисол сифатида, ёш оилаларнинг уй-жойга эга бўлиш учун (*сотиб олиш ёки ижара*), қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун, деҳқончилик мақсадида фермерлардан ер ижарага олиш учун, уйда бирор бир ишни амалга

ошириш учун (*масалан, касаначилик*) каби кредит турларни келтиришимиз мумкин. Ҳар қандай кредит уюшмасининг мақсади - оддий инсонларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, улар орасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, уларга энг муҳим молиявий хизмат турларини кўрсатиш, кредит керак бўлган инсонларга ёрдам бериш ва йўл кўрсатиш ҳамда имкони борича пастрок нархларда уларни турли хилдаги кичик миқдорли заёмлар билан таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

4.2. Ислом кредит уюшмалари тузиш усуллари

*«Дунёнинг поядорлиги, барқарорлиги ва жамиятнинг
равнақ топиши тўрт нарсага асосланади:
биринчиси – олимлар илмига, иккинчиси – подшолар адолатига,
учинчиси – бойларнинг саҳоватига, тўртинчиси – фуқаролар дуосига»*

Ислом дини устивор бўлган мамлакатларда ва жамоаларда исломий дунёқараш ҳамда диний кўрсатмаларга риоя қиладиган кредит уюшмаларини ташкил қилиш - ривожланиш учун молиявий ёрдам олишга муҳтож барча мусулмон жамоаларига молиявий кўмак бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилиши кўзда тутилади. Чунки мусулмонлар ҳам, барча халқларга ўхшаб, ўз хаёт шароитларини яхшилаш ва ривожланиш учун турли хил ва кўринишдаги молиявий хизматларга муҳтождирлар. Улар ҳам ўз жамғармаларини бирор ишга жалб қилишни ва ундан қандайдир фойда олишни истайдилар. Улар янги тадбиркорлик фаолиятларини бошлаш ва борларини янада кенгайтириш, ерларни ўзлаштириш, хосил етиштириш, уй куриш, медицинага оид талабларини амалга ошириш ва бошқалар учун молиявий маблағлар олишни истайдилар. Аммо улар бу молиявий ёрдамни ғарбона молиявий муасасалардан олишни ва уларнинг ресурсларидан фойдаланишни истамайдилар, чунки бу уларнинг диний қарашларига умуман мос келмайди. Улар учун исломий анъана ва қадриятларга мос бўлган молиявий ташкилотлар керакки, бу ташкилотлар уларнинг диний дунёқарашларига айнан мос келсин. Лекин ҳозирги пайтда бундай турдаги молиявий муассасалар хизматидан фойдаланиш дунёдаги кўпчилик мусулмонлар учун амалга ошириб бўлмайдиган орзу деса ҳам бўлади. Демак,

бундай молиявий ташкилотларни тузиш ва уларни ривожлантириш дунёнинг катта қисмини эгаллаган мусулмон аҳолиси учун жуда ҳам фойдали ва бу амал кўпчилик иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий бўҳронларнинг олдини олишга хизмат қилади. Кредит уюшмалар кўринишидаги молиявий модел юқорида эслатиб ўтилган молиявий хизматларни унинг асосий тамоилларига мос равишда ва диний таълимот асосларига монанд ҳолда амалга оширишга имкон беради. Аммо ҳозирги даврда кўпчилик мусулмон жамоалари кредит уюшмалар ва уларнинг имкониятлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга эмаслар. Масалан, бу ҳақдаги турли хил ҳужжатлар, ўқув-малака ошириш фильмлари, видеороликлар, интернет тизими орқали бериладиган материаллар, реклама, техник ёрдам ва ислом кредит уюшмаларини ташкил қилиш бўйича тайёргарлик курслари кўпчилик мамлакатларда йўқ деса ҳам бўлаверади. Худди шу фикрларни ислом банк тизимининг тўлақонли ривожланиши ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Демак, ҳозирги пайтдаги бу йўналишга оид асосий масала – ислом банки тамойиллари билан айнан мос келадиган ислом кредит уюшмаси моделини ишлаб чиқишдир. Бизнинг ҳолисона фикримизча, бу иш ўз таркибига қуйидагиларни олиши керак бўлади:

- иш юритиш учун керакли ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш,
- бундай уюшмаларда ишловчи инсонлар учун тайёрлов модулларини ишлаб чиқиш,
- керакли бўлган компьютер дастурларини тузиш,
- кредит уюшма ишини ҳар томонлама ёритадиган Интернет сайтларини яратиш,
- халқаро кредит уюшмалари билан алоқа ва мулоқотни ташкил қилиш,
- ислом банклари ва шу каби молиявий муассасалар билан ўзаро фаол алоқани ўз ичига олган тизимни яратиш.

Бу ишларни амалга оширишдан асосий мақсад – исломий кредит уюшмаси бирламчи моделини ташкил қилиш бўлиб, унинг натижасида қуйидагилар ҳосил бўлиши керак:

- кредит уюшманинг Низоми ва Таъсис шартномаси – директорлар кенгаши ва раиснинг фаолиятини тўлиқ аниқлаб берадиган пунктлар билан биргаликда;
- бу ғояни омма орасида тарғибот қилиш учун мўлжалланган реклама ва инфор­мацион материаллар;
- кредит уюшманинг интернетдаги сайти ва унга жойлаштириладиган материаллар (*шу жумладан, форум, блог ва ижтимоий сайтларга жойлаштириладиган материаллар*);
- бу соҳада ишлаш истагини билдирганлар учун таълим бериш ва ўқитиш материаллари (*шу жумладан, масофавий ўқитиш тизими*);
- исломий кредит уюшманинг фаолиятини бошқариш учун мўлжалланган административ-норматив материаллар;
- ҳисоб-китоб ва бухгалтерия ишларини юритиш учун мўлжалланган дастурлар ва материаллар;
- кредит уюшмасида ишлаётган хизматчиларнинг бажарадиган ишлари тавсифномаси ва уларнинг ваколот доираси;
- ўқув-инфор­мацион материаллар, тақдимотлар, кўлланмалар, китоблар, услубий материаллар ва хужжатлар;
- кредит уюшма иши билан боғлиқ бўлган бошқа инфор­мацион-услубий материаллар (*шу жумладан, интерфаол таълим материаллари ва дастурлари, бу соҳадаги тажрибани ўз ичига олган хужжатлар, сайт шаблонлари, видеороликлар ва хужжатли фильмлар*).

Ислом кредит уюшмасида молия-кредит соҳасига мансуб турли хил мутахассислар ва банк ходимлари иштирокидаги координацион комитет тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда халқаро кредит уюшмалари ва ислом банклари билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилса, бу кредит уюшма фаолияти учун жуда ҳам фойдали бўлар эди. Исломий кредит уюшмага аъзо бўлишни истаган инсонлар, гуруҳлар ва молиячи мутахассислар ушбу ҳаракатда тўпланган тажриба ва имкониятлардан баҳра оладиган бўлишлари

хамда уни ўз хуудларидаги иқтисодий, ижтимоий, диний, маданий-маънавий муҳитга мослаштиришлари жуда ҳам муҳим. Улар бошқа аҳоли гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлик ва тушунишни йўлга қўйишлари лозим. Бу амаллар исломий кредит уюшмаларнинг муваффақият қозониши учун жуда ҳам муҳим факторлар деб ҳисобланилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган стратегик ёндошувлардан исломий кредит уюшмалар ташкил қилишнинг қўйидаги таркибий қисмлари келиб чиқади:

1. Исламий кредит уюшмалар ташкил қилиш ва ривожланишининг мувофиқлаштирувчи кўмитаси бу иш билан шуғулланишни бошқа турли хил молиявий ташкилотлар билан биргаликда олиб бориши ва уларга ўз фаолияти ҳақида доимий равишда маълумотлар бериб туриши керак;

2. Исламий кредит уюшманинг моделини ва у билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни оммага яқиндан таништириш қўйидаги ишларни ўз таркибига олади:

- натижаларни ҳамкорларга билдириш ҳамда уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатларга керакли ўзгартиришлар киритиш,
- олинган натижалар ва кредит уюшма ташкил қилиш ҳақидаги келишилган маълумотларни кенг халқ оммасига маълум қилиш (*нашр қилиш, радио, ойнома, куннома ва телевидение орқали тушунтириш*),
- исломий кредит уюшма фаолияти билан боғлиқ бўлган иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни мутахассислар томонидан ўрганиб чиқишни (*ва керак бўлса, ўзгартиришни*) амалга ошириш,
- исломий кредит уюшма модели ва унинг керакли иш ҳужжатлари жорий қонунларга қанчалик мослигини ҳуқуқшунослар ёрдамида текшириш ва уларни қонун нормаларига мослаштириш,
- кредит уюшма Низомини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлатиш,
- республикада ташкил қилинган (*ёки қилинаётган*) исломий кредит уюшмалар конгрессини ташкил қилиш ва бу анжуманда иқтисодиётда

бу турдаги кредит уюшмаларнинг роли ва аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш ҳамда уни оммалаштириш.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот натижасида исломий кредит уюшмалар ташкил қилиш жараёни қуйидаги қадамлардан ва уларга мансуб бўлган вазифалардан иборат деб ҳисоблаш мумкин:

1. Реклама, бошқарув, тушунтирув ва ўқитиш билан боғлиқ материаллар тайёрлаш, шу жумладан:

- Реклама ишларини ташкил қилиш (*оммавий ахборот воситалари ва интернетда*)
- Кредит уюшма номини аниқлаш
- Кредит уюшма сайтини тайёрлаш
- Кредит уюшма Низомини тайёрлаш
- Кредит уюшманинг Таъсис шартномасини тайёрлаш
- Кредит уюшмалар ҳақидаги маъруза материалларини тайёрлаш
- Кредит уюшмадан олинадиган афзалликлар ҳақида маълумотлар тайёрлаш
- Кредит уюшмага аъзолик қандай амалга оширилиши тартибини ишлаб чиқиши
- Кредит уюшманинг банк ҳисоб рақамини очиш ва уни тегишли давлат органларида қайд қилдириш
- Кредит уюшманинг жамғарма фонди қандай ташкил қилиниши тартибини аниқлаш
- Кредит уюшмада қандай кредит ускуналарини ишлатиш тартибини ишлаб чиқиш

2. Кредит уюшманинг маъмурий фаолияти билан боғлиқ материалларни тайёрлаш, шу жумладан:

- ❖ Кредит уюшмага аъзолик тартибини ва бунинг учун керак бўлган хужжатлар тўпламини тайёрлаш

- ❖ Аъзоларни қайд қилиш тартибини ва унинг маълумотлар базасини тайёрлаш (*шу жумладан, масофавий тартибда Интернет орқали аъзолар қабул қилиш тартибини*)
- ❖ Учрашувлар, йиғилишлар, видеоконференциялар ва семинарларни ўтказиш тартибини аниқлаш
- ❖ Заём, кредит, хомийлик ёрдами ва шу каби молиявий усуллардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш
- ❖ Шартнома ва контрактлар формалари ҳамда уларни тузиш тартибини аниқлаш
- ❖ Кредит уюшманинг бошқарув ва маъмурий фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатлар намуналари ва папкаларини тайёрлаш

3. Кредит уюшмасининг бухгалтерия фаолиятини юритиш учун керакли бўлган материалларни тайёрлаш, шу жумладан:

- ✓ Бухгалтерия ишини юритишнинг компьютер дастури
- ✓ Бош бухгалтерлик китоби
- ✓ Касса китоби
- ✓ Дебитор-кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш китоби
- ✓ Ишончномалар бланкалари
- ✓ Келаётган ва кетаётган маблағлар учун касса ордерлари
- ✓ Чек китобчаси
- ✓ Иш ҳақини ҳисоблаш китоби
- ✓ Айланма ведомост бланкалари
- ✓ Юк хати бланкалари
- ✓ Счет-фактура бланкалари
- ✓ Эълонлар бланкалари
- ✓ Ойлик, чорак ва йиллик фаолият учун назарда тутиладиган баланслар бланкалари
- ✓ Солиштирма далолатнома бланкалари
- ✓ Шартномаларни қайд қилиш бланкалари
- ✓ Кириш ҳужжатларини қайд қилиш китоби

- ✓ Чиқиш хужжатларини қайд қилиш китоби
- ✓ Буйруқларни қайд қилиш китоби
- ✓ Давлат органлари, Хокимият, ДСИ ва бошқа ташкилотларнинг кўрсатмалари ва топшириқларини қайд қилиш китоби
- ✓ Молиявий натижаларни ёзиш ва сақлаш учун мўлжалланилган китоб (*ёки папка*)

4. Кредит уюшманинг фаолият юргизиши учун керак бўлган материалларни тайёрлаш, шу жумладан:

- ✚ Турли хил операцияларни ва молиявий вазифаларни амалга ошириш тартибини аниқлаб берувчи қўлланма
- ✚ Кредит бериш ёки олиш тартиби ҳақидаги масала ва муаммоларини аниқлаб берадиган ва бу билан шуғулланадиган бўлим ишини ёритадиган хужжатлар тўплами
- ✚ Инвестициялар қилиш тартибини аниқлаб берадиган хужжатлар мажмуи
- ✚ Умумий назорат қилиш тартибини аниқлаб берадиган хужжатлар тўплами
- ✚ Режалаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган кўрсатмалар
- ✚ Бюджетлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга мўлжалланган хужжатлар

5. Кредит уюшма ишини ташкил қилиш ва бошқариш бўйича кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ материаллар, шу жумладан:

- Кредит уюшмалар ва уларнинг афзалликлари ҳақидаги материаллар
- Исломий кредит уюшмаларнинг асосий тамоиллари бўйича маълумотлар
- Исломий кредит уюшмаларнинг турли мамлакатлардаги тажрибаси ва муваффақиятлари ҳақида маълумот

- Исломий кредит уюшмалар нима учун ва қандай ташкил қилинади?
- Исломий кредит нима?
- Исломий инвестициялар нимани англатади?
- Исломий кредит уюшмаларда бошқарув ва назорат қандай амалга оширилади?

Исломий кредит уюшмалар ташкил қилишда бу соҳа билан қизиқадиган ёки бу иш билан бевосита шуғулланадиган қуйидаги субъектлар билан мулоқот қилиш жуда ҳам фойдали ва айна мақсадга мувофиқ бўлади:

- Молия вазирлиги ҳамда унинг мутасадди ташкилотлари ва ходимлари
- Бундай ишларни ташкил қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган давлат ва нодавлат ташкилотлари
- Кредит уюшмалар ташкил қилиш ва ривожлантириш билан шуғулланадиган ташкилотлар
- Турли мамлакатлардаги ва ҳудудлардаги исломий кредит уюшмалар
- Ислом кредит уюшмалари бирлашмалари ёки федерациялари
- Кредит уюшмаларнинг савдо ташкилий бирлашмалари
- Ислом банкларининг ривожланиши билан боғлиқ давлат ёки жамоа ташкилотлари
- Бу соҳа билан астойдил қизиқувчи инсонлар ёки ташкилотлар
- Ислом ҳуқуқшунослари ва уламолари.

4.3. Ислом кооператив уюшмаларини ташкил қилиш

*«Агар олимлар илми бўлмаганида
инсонлар касб-хунарнинг осон йўлларини билмай,
машаққат чекардилар, ҳаётлари оғир меҳнатда ўтар эди ва
турли хасталикларга дори-дармон тополмай қирилиб кетардилар»*

Кооператив уюшмаларни ташкил қилиш ҳам ислом қонунлари бўйича руҳсат берилган тўғри ва яхши амал ҳисобланади. Бундай кооперативлар ташкил қилиш пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) томонларидан ҳам рағбатлантирилган ва ўша замонларда ҳам бу хилдаги бир қанча савдо ва турли хил юмушлар билан шуғулланувчи бирлашмалар ёки кооператив

уюшмалар ташкил қилинган. Улар арабчасига **Al-Sharika** деб аталганлар ва бунинг ҳам маъноси кооператив уюшмани англатади. **Sharika** сўзининг исломий маъноси икки ёки ундан кўп инсонларнинг мерос воситасида ёки бошқа бир усуллар билан улар биргаликда эгаллик қиладиган бойликни бошқаришлари деб тушунилади. Бундай компания ёки кооператив уюшмаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб таснифлашимиз мумкин:

A. SHARIKAL AL-INAN – икки ёки ундан кўпроқ инсонлар иштирок этган кооператив уюшма бўлиб, улар бу уюшмани унинг Низом жамғармасига ўз бойликларининг маълум бир қисмини жалб қилиш воситасида ташкил қиладилар. Уюшмани ташкил қилган инсонлар уни ривожлантириш учун биргаликда фаолият кўрсатадилар ва кооператив уюшма оладиган фойдани ёки зарарни биргаликда бўлишадилар. Уюшма аъзоларидан бири бошқалар номидан ва уларнинг розилиги билан кооперативнинг ишини бошқариш ҳуқуқини ўз зиммасига олиши мумкин. Кооператив аъзоларининг ҳар бири уюшма фаолияти билан боғлиқ қандайдир ишни бажаришни ўз зиммасига олиши зарур. Масалан у ниманидир (*товарлар, хизматларни ва бошқаларни*) сотиши, сотиб олиши, бериши ёки олиши, қарзларни олиши ёки қарз бериши ёки кооператив мақсадларини амалга ошириш учун исталган ишни қонун ва шариат доирасида қилиши мумкин. Бундай турдаги кооператив уюшмани ташкил қилиш учун қуйидаги шарт-шароитлар бажарилиши лозим:

1. Бундай уюшма аъзолари мусулмонлардан ташкил топган бўлиши лозим. Чунки уюшманинг мусулмон бўлмаган аъзолари фоиз олиш ва алкоголь ичимликларни сотиш билан шуғулланишлари мумкин – бу эса мусулмон этикасига зид ҳолатлардир. Аммо агар унда мусулмон бўлмаган аъзолар иштирок қилиши керак бўлса, улар фоиз олишдан, алкогольдан ва ноқонуний савдодан батамом воз кечишлари керак бўлади ёки улар ҳам мусулмон динини қабул қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Асосий капиталнинг қиймати (*ёки катталиги, таркиби*) иштирокчиларга маълум бўлиши ва ҳар бир иштирокчи бошқаларнинг

компанияда қандай бўлакка эга эканликларини аниқ билишлари кераклиги. Чунки компания ва ҳар бир иштирокчи оладиган фойда ёки зарар унинг улушига тўғри пропорционалдир. Бунга риоя қилмаслик кооператив иштирокчиларининг бир-бирларини алдашларига сабаб бўлиши мумкин – бу эса исломда батамом маън қилинади.

3. Кооператив уюшма оладиган фойда барча иштирокчилар орасида уларнинг кўшган улушларига монанд равишда бўлиниши лозим. Фойда бўлинишида ҳеч қандай кўринишдаги дискриминацияга йўл қўйиб бўлмайди. Масалан, бир иш бўйича кўрилган фойда баъзи бир иштирокчиларга берилиб, бошқаларига берилмаслиги ёки бошлиқларга кўпроқ, бошқаларга эса камроқ фойда тақсимланишига йўл қўйилмайди.

4. Кооперативнинг капитали катталиги пул шаклида ифодаланиши керак ва унинг ҳар бир мулки (*ёки иштирокчилар томонидан бериладиган мол-мулк*) мавжуд жорий бозор нархларида баҳоланиши зарур. Агар бу иш қилинмаса, иштирокчилар томонидан берилган ер майдони ёки қандайдир бир мол-мулк баҳоланмаган (*ёки нотўғри баҳоланган*) тарзда компания ихтиёрига ўтиши ва фойда тақсимланишида алдашга ёки фирибгарликка йўл очилиши мумкин.

5. Кооператив уюшманинг ҳар бир аъзоси компания учун ўзининг улушига мос равишда ҳизмат кўрсатиши лозим. Масалан, агар бирор бир шахс компания капиталининг 25% ни улуш сифатида киритган бўлса, у ҳолда ушбу шахс компания учун худди шу миқдордаги ҳизмат кўрсатиши керак бўлади.

6. Агар икки ҳамкордан иборат уюшманинг бир аъзоси ўлса ёки оғир бетоб бўлиб, ишлашга нолайиқ ҳолатда қолса, кооператив уюшма тугатилиши лозим. Агарда унинг меросхўрлари ёки у томонидан бу ишни юритиш учун тайинланган инсонлар кооператив уюшмадаги аъзоликни давом эттиришни хоҳласалар, у ҳолда биринчи шартнома асосида иш давом эттирилиши мумкин бўлади.

B. SHARIKAT AL-ABDAN – ёки жисмоний (**physical**) кооператив уюшма бўлиб, у бир хил фаолият турида иштирок этаётган икки ёки ундан кўп инсонлар орасида ташкил қилинади (*масалан, овчилар, қурувчилар, тикувчилар, касаначилар, сантехниклар ва бошқалар*). Бундай турдаги кооператив уюшмаларда унинг иштирокчилари ўз фаолиятлари натижасида олинган маҳсулотни келишилган нисбатда бўлишиш ҳақида келишиб оладилар. Бу уюшма турини юритиш учун кўйидаги асосий тартиб ва шарт-шароитлар бажарилиши лозим бўлади:

1. Ҳар бир иштирокчи бошқалар номидан маҳсулотларни сотиш ва пул йиғиш ҳуқуқига эга бўлади;

2. Агар иштирокчилардан бири касал бўлиб қолса ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ҳолатга келса, у ҳолда бошқа иштирокчилар унга ҳам тегишли улушни бериб туришлари керак;

3. Агар иштирокчилардан бири йўқ бўлса ёки маълум бир сабаблар туфайли узоқ муддат давомида уюшма ишида қатнаша олмаса, бошқа иштирокчилар унинг ўрнини тўлдириш учун бошқа инсонни ишга олишлари мумкин. Унга бериладиган иш ҳақи эса йўқ бўлган иштирокчининг улушидан олиб қолиниши лозим;

4. Агар иштирокчилардан бири шартнома шартларига риоя қилмаса, у ҳолда бошқа томон шартномани бекор қилиши мумкин.

Хулосалар

*«Агар бирорта одам толибул илмга бир дирҳам эҳсон қилса,
Аллоҳ таоло йўлида Уҳуд тоғидек аҳмар-соф қизил
тиллосини сарф қилганнинг савобини топади»*

Бу китобчада кўриб ўтилган турли хил исломий ноанъанавий молиявий муассасаларнинг моделлари ва уларнинг амалиётда қўлланилиш принципларидан Ўзбекистон шароитларида ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Масалан, жамоа корпорациялари моделини маҳалла фаолияти концепцияси билан қўшиб олиб бориш ва уни кенг миқёсда ҳаётга тадбиқ қилиш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг иқтисодий ривожланиши ҳамда фаровонлигига эришишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат

қилиши мумкин. Чунки бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, бизнинг мамлакатимизда жамоа корпорацияларига жуда ҳам ўхшаш ижтимоий модел кўпдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда ва кўпчилик инсонлар янги жамоа корпорациялари ташкил қилишдан кўра кўпроқ маҳалла механизмини ривожлантириш ҳамда уни жамоа корпорациялари моделига айлантиришни тушунадилар ва бунга мойил бўладилар. Ҳар бир маҳалла битта жамоа корпорацияси сифатида фаолият кўрсатса, бирор бир худуддаги маҳаллалар жамоа корпорациялари уюшмасини ташкил қиладилар. Республика миқёсида эса жамоа корпорациялари ишини мувофиқлаштириш ва уларга ёрдам бериш давлат комиссияси фаолият кўрсатиши керак. Аммо бу бирлашмалар ва комиссиялар ҳамда улар амалдорларининг жамоа корпорациялари молиявий фаолиятини бошқариш ва унинг ишига аралаштириш ҳуқуқига эга бўлишларига асло йўл қўймаслик керак, чунки бунда жамоа корпорацияси моделининг маъно-моҳияти йўқолади ва у административ-буйруқбозлик ҳукм сурган бемаъни ва тутуруқсиз тизимга айланади. Жамоа корпорацияларининг иқтисодий фаолиятига аралаштиришга йўл қўймаслик ва унда ўз-ўзини бошқариш тизимини оғишмай жорий қилиш бундай корпорацияларнинг ҳаётлигига ва ривожланишига, ўз миссияларини тўғри амалга оширишларига имкон беради. Давлат эса бундай жамоа корпорацияларига иш жойи яратгани, аҳолининг бандлик даражасини оширгани, маънавий-маданий тадбирлар ўтказгани, тадбиркорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари ва бошқаларга монанд равишда турли хил кўринишдаги ёрдам тадбирлари кўрсатишлари ҳамда микрокредитлар, грантлар ва субвенциялар ажратиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бундай юмушларни амалга ошириш билан жамоа корпорациялари жамиятдаги барқарорликни ва иқтисодий мувозанатни таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишлари табиийдир.

Китобчада кўриб чиқилган иккинчи муҳим масала, ислом молиявий муассасалари моделлари ҳақида бўлиб, бундай турдаги ташкилотларнинг Ўзбекистон шароитларида қўллаш ҳам исломда собитқадам бўлган аҳоли гуруҳларининг фаол иқтисодий ҳаётга кенг миқёсда қамралишига ҳизмат

килади. Бу эса иқтисодиётнинг янада жонланишига, аҳоли фаоллигининг ошишига, бандликнинг таъминланишига, янги иш жойлари яратилишига ва бундай аҳоли орасида турли хил маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиш имкониятига олиб келади. Ислом банки тузиш ва уни рисоладагидай юргизиш исломий кайфиятдаги аҳоли қатламларининг пул маблағларини жалб қилишга ва бу ресурсларни республика тараққиёти йўлида ишлатишга имкон беради. Умуман, республика банк тизимини ҳам аста-секинлик билан қандайдир усуллар ёрдамида фоизсиз (*ёки аралаш, комбинацияланган*) механизмга ўтказиш амали инфляциянинг (*пул қадрсизланишининг*) олдини олибгина қолмай, балки келажакдаги иқтисодий инкирозлардан (*кризислардан*) ҳам самарали ҳимояланиш имконини яратади. Бу ҳолда жаҳон иқтисодий бўҳронлари республика иқтисодиётига минимал даражада таъсир ўтказишига эришиш мумкин бўлади.

Ислом кредит уюшмалари модели эса аҳолининг ислом ақидаларига оғишмай риоя қиладиган гуруҳларини молиявий маблағлар билан таъминлаш ва бу билан уларни ҳам иқтисодий фаолият билан банд қилишга олиб келади. Улар молиявий жиҳатдан мустақил, сиёсий жиҳатдан кўнгли тўқ ва таъминланган бўлганликлари туфайли турли хил зарарли оқимларга қўшилишлардан ҳамда норозилик изҳор қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб (*чунки, фаровонлик таъминлангани учун бунга эҳтиёж қолмайди*), республикада иқтисодий-сиёсий барқарорликни таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган бўлар эдилар. Чунки норозиликлар, келишмовчиликлар ва ғалаёнчилар асосан аҳолининг кам таъминланган ҳамда ишсизлар кўп бўлган табақаларидан келиб чиқишини (*яъни, «Ялангоч сувдан тоймайди»*) ҳисобга олсак, исломий кредит уюшмалар бундай аҳоли табақаларига янги иш жойларини яратади ва уларни моддий-маданий неъматлар билан тўла-тўқис таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Бу эса жамиятдаги норозилик келиб чиқиши мумкин бўлган асосий сабабларни автоматик равишда йўққа чиқаради.

Исломий кооперативлар тизими эса бир фикрдаги ва бир динга мансуб аҳоли қатламларига турли хил кўринишдаги – ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатувчи ва бошқа турдаги кооперативлар ташкил қилиш ҳамда бу орқали яхши ва молиявий жиҳатдан тўқис хаёт кечириш имконини беради. Кооператив аъзоларининг ўзларининг қўшган улушларига монанд равишда ташкилот ишида қатнашиш шарти эса уларни шу қадар банд қилиб қўядики, бу орқали улар кооператив пировард мақсадларини амалга ошириш йўлида турли хил фойдали юмушларни амалга оширишга мажбур бўладилар. Бу эса уларнинг фаровонлиги ошишига, маънавий-маданий ўсишларига ҳамда иқтисодий саводхонликлари ошишига имкон беради.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, юқорида ёритилган уч хил исломий ноанъанавий молиявий муасасалар моделларини Ўзбекистон шароитларига тадбиқ қилиш турли хил мамлакатлардаги турли хил ташкилотларнинг ресурсларини (*пул, моддий, молиявий, информация, ташкилий, маънавий, маданий ва бошқа заҳираларни*) республикага жалб қилиш имконини бериб, аҳоли фаровонлиги, билимдонлиги ва маънавий хаёт даражасининг янада ўсишига, унинг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциясига, барқарорликка ва уйғунлашувига олиб келади. Юқоридаги айтилганлардан келиб чиқиб, хулоса тариқасида китобчада кўриб чиқилган концепцияларни Ўзбекистон Республикасида тадбиқ этишнинг қуйидаги тахминий йўналишларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1. Жамоа корпорация механизмини маҳаллалар фаолиятига тадбиқ қилиш уларнинг янада жонланиши ва реал иқтисодиётда фаол иштирок этишига олиб келади;
2. Кооперативлар тизимини хаётга тадбиқ қилиш маҳаллалар, жамоа корпорациялари ва тадбиркорларнинг ўзаро яқиндан ҳамкорлик қилишига олиб келади;
3. Маҳсус кўринишда фаолият кўрсатадиган кредит уюшмаларнинг ташкил қилиниши турли хил фикрлаш йўналиши ва дунёқарашга

- мансуб аҳоли қатламларини иқтисодий ривожланишда фаол иштирок қилишига олиб келади;
4. Анъанавий фоизли механизмда фаолият кўрсатадиган молиявий муассасалар билан бир қаторда фоизсиз механизмда ҳам ишлай оладиган молиявий тузилмаларни ташкил қилиш ва уларни аста-секин иқтисодий фаолиятга жалб қилиш иқтисодий бўҳронлар ва кризисларнинг олдини олишга ёрдам беради ҳамда валюта захираларининг Ўзбекистондан чиқиб кетишига монеълик қилади;
 5. Фойда бўлиниш механизмини (**PLS**) иқтисодиётга босқичма-босқич тадбиқ этиш фоизсиз механизмда ишлайдиган молиявий муассасалар фаолиятини жонлантиришга, аҳоли қўлидаги маблағларнинг фойдали инвестицияларга йўналтиришга ва кенг аҳоли қатламларини унга жалб қилишга олиб келади;
 6. Банкларда анъанавий фоиз олиш механизми ўрнига фойда ва зарар бўлиниш тизимидан фойдаланиш мамлакат молиявий тизимига жуда катта қатламни ташкил қилувчи мусулмон динида собитқадам инсонларнинг қамраб олинишига олиб келиб, жамғарма нормасини кўпайтиради ҳамда республикадаги тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштиради. Республикадаги анъанавий банклар билан бир қаторда ислом банкларини ташкил қилиш фуқаролар қўлидаги жуда катта миқдордаги капитални аккумуляция қилиш ва уни турли хил фойдали инвестицияларга жалб қилиш имконини яратади;
 7. Жаҳон миқёсида ҳам ислом капиталига бўлган талаб ошиб бормоқда, чунки ислом банклари охириги йилларда активларнинг катта миқёсда ўсишини намоён қиляпти (*йилига 8-12% атрофида*). Уларнинг сони эса йилига 3-4 янги тузилма кўринишида ортмоқда. Янги турдаги банкларнинг бундай муваффақияти ислом банклари томонидан таклиф этилаётган хизматларга талаб бор эканлигини кўрсатаяпти ва шунинг учун ҳам улар банк хизматлари бозорида ўз муносиб ўринларини топиб бормоқдалар;

8. Ислом банклари кўпроқ кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришга йўналтирилади (*масалан, фермерлар, тадбиркорлар, хунармандлар, яқка тартибда фаолият кўрсатувчилар ва бошқалар*). Улар асосан давлат етарлича молиявий мадад кўрсата олмайдиган иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатадилар. Масалан, Озарбайжондаги Олият Ғози автомобил йўлини қуриш учун Ислом ривожланиш банки 13 миллион доллар, Камерундаги 400 та сув қудуқларини қазиб, ишга тушириш учун 8 миллион доллар, Тунисдаги сув таъминоти тизимини яратиш учун эса 5 миллион доллар ажратган. Ижара (*лизинг*) операцияларини молиялаштириш учун эса Мисрга 28 миллион, Сенегалга автобуслар сотиб олиш учун 19 миллион доллар, Туркменистонда янги нефт танкери сотиб олиш учун 11 миллион доллар, Жазоирда электр тармоғини ривожлантириш учун 20 миллион доллар ажратилган. Ушбу далиллар бошқа мамлакатларда (*шу жумладан Ўзбекистонда*) кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ислом банкларини жалб қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Чунки Ўзбекистонда ҳам кичик миқёсдаги лойиҳаларни молиялаштириш муаммоси мавжуд бўлиб, бу муаммоларни ҳал қилиш учун ислом банклари жуда муҳим аҳамият касб этган бўлар эди;
9. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, ислом банклари оддий банклар томонидан оммавий равишда унчалик кредитлаштирилмайдиган аммо катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни кредитлаштиришга имкон беради. Бу амалларга эса жамият ва оддий инсонлар томонидан алоҳида аҳамият берилади. Шундай қилиб, ислом банклари давлатга ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш имконини беради ва худди шунинг учун ҳам давлат органлари томонидан сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши лозим;
10. Ислом банкларининг мақсадлари фойда олиш билан биргаликда жамият олдидаги маънавий бурчларни тўла-тўқис бажариш ҳамдир. Мусулмон динига мансуб аҳолининг иқтисодий дунёқарашининг асоси

кандайдир миқдорда пул мукофоти олиш эмас, балки банк ва мижозларнинг иқтисодий муносабатларини қатъий диний асосларда ташкил қилиш принципларига асослангандир. Шунинг учун ҳам ислом банклари томонидан кўрсатиладиган бағараз ёрдам миқёси (*филантропия*) бошқа банкларникига қараганда нисбатан кўпдир. Масалан, Мальдивда бошланғич мактаб қуриш учун 5 миллион доллар ажратилган, Суданда соғломлаштириш марказларини қуриш учун эса 1 миллион доллар ажратилган. Банк томонидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш даражаси ҳам жуда юқори – бу кўрсаткич 90% гача боради. Шундай қилиб, Ўзбекистонга ҳам ислом банкларининг кредитларини ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал қилиш учун жалб қилиш айна мақсадга мувофиқдир, чунки бу масалаларни ҳал қилиш ислом банкларининг мақсадлари билан айнан мос келади;

11. Ислом банклари нафақат ижтимоий-маданий лойиҳаларни молиялаштиради, балки улар фойда келтирадиган молия муассасалари деб ҳам ҳисобланади. Масалан, «*The Bankere*» журналининг экспертлари маълумотларига кўра, 34 мамлакатда фаолият кўрсатаётган 166 ислом банкларининг жами активлари 137 миллиард АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг депозитлари 101 миллиард долларни, соф фойдаси эса 1,7 миллиард долларни ташкил қилади /25, 26, 29, 34/. Бу эса уларнинг бағараз ёрдам дастурлари ва *қард хасан* тамоили бўйича берилган кредитларига қарамай, ислом банклари яшовчан бўлиб, уларнинг рентабеллилик даражаси 1,2% га боради. Ислом банклари, баъзи узоқни кўра олмайдиган ғарбона мактаб иқтисодчиларнинг фикрларига кўра, ўтмиш қолдиқлари эмас, балки оддий банклар каби фойда келтира оладиган ва улар билан рақобат қила оладиган банклардир. Шуни ҳам айтиш керакки, ислом банклари нафақат ислом мамлакатларида, балки бошқа турли ғарб мамлакатларида ҳам фаолият кўрсатади. Ислом банклари исталган

муҳитда фаолият кўрсатишлари мумкин - исломий мамлакатларда уларнинг фаолияти тегишли қонунлар билан бошқарилса, Ғарб мамлакатларида улар давлат ташкилотлари билан келишилган кўрсатма ва қонун-қоидалар асосида ишлайдилар. Аммо бу ҳолат ислом банкларининг дунёвий молия марказларида – Лондонда (*Даль аль-Барака*), Цюрихда (*банк Фейсал Файненс*) ва Нью Йоркда (*Такафул*) ўз позицияларини мустаҳкамлаб олишларига зарар келтирмапти. Ислом банклари уларнинг фаолиятини аниқлаб берадиган ва тартибга соладиган махсус қонунлар бўлмаган Ўзбекистон иқтисодий тизимида ҳам самарали фаолият юритишлари мумкин. Чунки ислом банкларининг фаолияти биздаги фуқаролик қонунларига қарама-қарши эмас ва улар ҳозирги вақтда ислом банкларининг фаолиятини чегаралай олмайди;

12. Ҳозирги даврда ислом банклари халқаро банк-кредит тизимидаги ноанъанавий ходиса сифатидан, аста-секин одатий ғарбона банк-кредит тизимининг салобатли рақобатчисига айлана бошлаяптилар (*бу айниқса, дунёнинг 1 миллиарддан ортиқ мусулмонлари истиқомат қиладиган мамлакатларида аниқ сезилаяпти*). Шунинг учун ҳам Америка ва Европа банклари ўз мижозларига ислом қоидаларига асосан хизмат кўрсатиладиган махсус бўлимлар очмоқдалар. Масалан, Ситибанк янги номдаги «*Сити ислом инвестицион банки*» ни очган, АБН АМРО банк эса «*Глобал исломий молиявий хизматлар*» номидаги молия компаниясини ташкил қилган. Ғарб молиячиларининг ислом банклари фаолиятига бундай катта қизиқиш билан ёндошуви ислом банклари мижозларининг ортиши билан тушунтирилади, шунинг учун улар бу жуда ҳам мазали бўлган бўлақдан мосуво бўлишни истамайдилар, албатта;

13. Ислом банкларининг фаолияти вақтинчалик бир ўткинчи ходиса эмас, чунки улар бозорларда мустаҳкам ўрнашиб олдилар ва ҳозирги пайтда ислом банклари умумжаҳон молия-банк тизимининг ажралмас

таркибий қисми ҳисобланадилар. Масалан, *Мудис* рейтинг агентлиги ислом банкларининг фаолиятини доимий равишда таҳлил қилади. 2000 йил 3 январ ҳолатига *Аль Раджи* ва *Қувайт Молия уйи* каби банк ва инвестицион корпорацияларга **Ваа3** ҳамда **Ваа2** рейтинглари берилган. 1999 йил феврал ойида эса тадбиркорлик фаоллигининг янги индекси – *Ислом Доу-Джонс индекси (DJIM)* пайдо бўлган;

14. Ислом банкларининг ижтимоий жавобгарлик принципларини Ўзбекистонда ҳам турли хил ижтимоий инфратузилмалар яратиш ва уларни ривожлантириш, вилоятларда тиббий ёрдам ва таълимни ривожлантириш, мусулмон динида собитқадам ва муҳтож аҳолига кўмак бериш каби юмушларни ҳал қилиш учун самарали ишлатиш мумкин. Одатий ғарбона банклар бундай лойиҳаларда иштирок этишни унчалик хуш кўрмайдилар, чунки уларнинг асосий мақсади қандай қилиб бўлса ҳам фақатгина катта фойда кўришдир. Ислом банклари эса бундай халқпарвар лойиҳаларни катта қизиқиш билан кутиб оладилар;

15. Кўпчилик мамлакатларда ислом маданий ва сиёсий дунёқарашини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислом банкларининг фаолияти давлат манфаатларига мос келмайди деб, уларни кенг миқёсда фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди. Ислом банк иши замонавий жамиятдаги анчагина янги ходиса бўлиб, кўпчилик исломий мамлакатларда ҳам уларнинг фаолиятини аниқлаб берувчи тўлиқ қонунлар мажмуаси мавжуд эмас. Шунинг учун, ислом банкларининг молиялаштириш усулларининг кўпчилиги ислом давлатлари молия органлари томонидан берилган кўрсатмалар асосида амалга оширилиб, кўпинча конкрет банк фаолияти учунгина қўлланилади. Ислом банклари фаолият кўрсатаётган ёки фаолият кўрсатиши режалаштирилаётган мамлакатларда бу банклар фаолиятининг давлат сиёсатига мос келишлигини назорат қилувчи кўрсатмалар, методик материаллар ёки қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунини

хам алоҳида таъкидлаш керакки, ислом банклари томонидан турли лойиҳаларни молиялаштириш орқали эришиладиган пировард мақсадлар давлат манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Ўзбекистон ҳам ислом капиталларини олувчи сифатида бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қонуний ва фойдали ишлатилишига имкон берадиган қонун ҳужжатларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади;

16. Агар ислом банкларини очиш ва уларнинг фаолиятига руҳсат беришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда Ўзбекистон банкларида ислом банклари бўлимларини ташкил қилиш ва шу бўлимлар орқали ислом банклари молиявий ресурсларини мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш мумкин. Масалан, кўпчилик ислом банклари Ўзбекистондаги ўзларини қизиқтирадиган соҳаларни молиялаштириш бўйича (*рангли ва қимматбаҳо металл соҳаси, қишлоқ хўжалиги, пахта саноати, текстил, туристик соҳа ва бошқалар*) ҳамкорлик қилишга рози бўлишлари мумкин;

17. Жаҳон молия бозорларига кириб боришда Ўзбекистон банклари ислом банкларининг ҳамда мусулмон давлатларида фаолият кўрсатадиган ғарбона банкларнинг тажрибасини ўрганишлари ва уни амалиётда ҳисобга олишлари мумкин. Келажакда эса ушбу тажрибалар асосида ислом тамоилларида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон банкларининг мусулмон давлатларидаги филиалларини ташкил қилиш ҳам мумкин бўлади. Бу эса республика иқтисодиётини янада жонлаштиришга сабаб бўлади, албатта;

18. Ислом банкларининг иқтисодда фаолият кўрсатиши республикамизнинг ҳозирги ҳолатида жуда ҳам муҳим бўлиб, давлат уларнинг фаолиятини етарли даражада назорат қила олса, ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган лойиҳаларни молиялаштириб, уларга қўшимча инвестицияларни жалб қилиш мумкин бўлади;

19. Республикада ислом банклари фаолият кўрсатиши натижасида орттирилган тажриба Яқин ва Ўрта Шарқдаги ислом банклари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун ҳамда бу давлатлар билан ўзаро фойдали савдо хажмини янада ошириш учун ишлатилиши мумкин. Ислом банклари билан яқиндан алоқа турли лойиҳаларни кредитлаш даражасини оширади (*маданий соҳа, таълим-тарбия, ижтимоий соҳа, илмий-тадқиқот ишлари соҳаси, фундаментал тадқиқотлар ва бошқалар*).
20. Хозирги пайтда Республикада жорий бўлган қоғоз пуллар билан бир қаторда олтин, кумуш, платина ва бошқа қимматли металллардан иборат бўлган турли хил номиналлардаги пуллар зарб этиш (*яъни, инфляцияга мойил бўлмаган Ўзбекистон Республикаси қаттиқ валютасини муомалага чиқариш*) инфляциянинг олдини олиб, ички ресурсларни банк тизимига тўплашга имкон бериб, шу орқали ички инвестициялар даражасини оширишга кўмак беради;
21. Қимматли металллар асосида пуллар зарб қилиш уларни ташқи бозорда сотиш орқали чет эл валютаси кўринишидаги инвестицияларни республикага осонлик билан келтиришга имкон беради;
22. Қимматли металллар асосида пул зарб қилиш ва уни эркин ёки қим-ошди савдоларида аҳолига сотиш Ўзбекистон аҳолисининг пул маблағларини инфляциядан қутқаришга ва пулларни Республика банкларида сақланишига олиб келади ҳамда турли хил инфляцияга мойил чет эл валюталари воситасида (*ёки кўринишида*) миллий бойликларнинг чет элларга оқиб кетишига монеълик қилади;
23. Аҳолининг бой қатламлари ва бошқа мамлакатлардаги ўзбек диаспоралари ҳам ўз маблағларини республикада зарб қилинган қимматбаҳо металл пуллар кўринишида сақлаш афзаллигини тушуниб, ўз пулларини чет эллардан олиб, уларни қимматли металллар ҳолатидаги Ўзбекистон Республикаси валютаси кўринишида сақлашга

- харакат қиладилар ва бу билан чет эл банкларида сақланаётган деярли барча маблағларнинг Ўзбекистонга қайтиб келиши таъминланади;
24. Банк кредитлари ҳам икки хил кўринишда – қоғоз пул ва қимматли металл пуллар кўринишида амалга оширилиши кредит бозорининг диверсификациясига ва унинг нисбатан тезкорлик билан ривожланишига олиб келади;
25. Металл пулларни қоғоз пулларга алмаштириш банкларда, турли валюта алмашинув пунктларида ёки валюта биржасида амалга оширилиши лозим бўлади. Шунинг учун металл пулларнинг Ўзбекистон сўмига ва турли хил жаҳон валюталарига нисбатан хар кунги курси оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб турилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда хар бир инсон бугунги кундаги Ўзбекистон валютаси эртаси куни янада қимматроқ бўлишини тушуниб, ўз пулларини инфляциядан қутқариш ва янада кўпайтириш мақсадида металл пулларни кўпроқ сотиб олишга интилади ва бу холат иқтисодиётда пул айланиш тезлигини оширади;
26. Металл пулларни савдода ва турли хил келишувларда ишлатиш эркинлиги қонун билан кафолатланган бўлиши унинг айланиш тезлиги ошириб, иқтисодиётнинг тезкорлик билан ривожланишига олиб келади;
27. Қимматли металллар кўринишидаги пулларнинг турли хил валюталарга нисбатан сотилиш қийматини аниқлаш ва уларни резидент ёки норезидентларга, ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларга сотиш, ушбу металл валюта бўйича биржавий, спекулятив, алмашинув, арбитраж ва бошқа хилдаги молиявий операцияларни республика ва жаҳон биржалари миқёсида амалга ошириш Республика валюта биржасининг асосий фаолият турларидан бири бўлиб қолишига олиб келиб, унинг ҳам жадаллик билан ривожланишига сабаб бўлади;
28. Юқоридаги ишларни амалга ошириш борган сари қадрсизланаётган *(ва шу туфайли Ўзбекистон миллий бойликларининг чет элларга*

- назоратсиз оқиб кетишига олиб келаётган*) чет эл валюталарининг Ўзбекистонда айланишини камайтиради ва бу билан барча аҳоли қатламларининг пул маблағларини инфляциядан қутқаради;
29. Бу ишларни амалга ошириш билан Ўзбекистон Республикасининг жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозидан самарали ҳимояланишига имкон яралади;
30. Қимматбаҳо металллар асосида Республикада чегараланган миқдорда чиқарилган олтин, кумуш ва платина тангалар биров вақтдан сўнг антиквар (*ноёб*) буюм сифатида катта қийматга эга бўлиб қоладилар ва бу билан аҳолининг ҳам унга бўлган қизиқиши ҳамда интилиши янада ортади. Шунинг учун аҳолининг барча қатламлари ўз пулларини чет эл валютаси кўринишида эмас, балки Ўзбекистонда зарб қилинган қимматли металл пуллар кўринишида сақлаш тараддудига тушиб қоладилар. Бу эса ўз навбатида республикада боғланган (*беркитилган ва иқтисодиётда айланмайдиган*) пул массасининг анча камайишига, пул танқислиги муаммосининг хал бўлишига, инфляциянинг жиловланишига, иқтисодиётга доллар босими камайишига, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг тезлашишига ва охир-оқибат, республикада иқтисодий ривожланишнинг юксалишига олиб келади;
31. Вақти келганда пул алмаштириб, эски сўмлар янги номиналдаги сўмларга алмаштирилади, бунда муомалага янги киритилган пуллар курси кун сайин ошиб борадиган металл пуллар билан таъминланиши эълон қилинади. Бу пуллар биринчидан, қимматбаҳо металллар билан таъминлагани учун, инфляцияга мойил бўлмайдилар ва иккинчидан, металл пуллардан кўра анча кўпроқ хажмда муомалага чиқарилиши мумкин бўлади. Аммо барча янги номиналдаги пул маблағларига эга бўлганлар Республикадаги банклардан янги пуллари учун бир вақтда металл пуллар талаб қилмайдилар (*чунки бу пулларнинг бир қисми муомалада бўлса, бир қисми банкларда туради, бир қисми аҳолининг қўлидаги мобил восита сифатида қолади ва хоказо*), бу эса янги пуллар

эмиссиясини янада ошириш имкониятини яратади. Натижада Республика иқтисодиёти қимматбаҳо металллар асосидаги пуллар билан таъминланганлиги туфайли инфляцияга учрамайдиган (*ёки минимал равишда қадрсизланадиган*) валюта турига эга бўлади.

Ушбу рисола шу ергача чидам билан ўқиганингиз учун сизга қуйидаги мисраларни тухфа этишни лозим деб топдик, чунки бир-биримизга меҳроқибатли ҳамда муҳаббатли муносабатда бўлсаккина, ватанимиз ривож ва тараққиёти учун салмоқли ҳисса қўша оламиз:

*Мен сизни севаман, эй азизларим,
Қадрдон дўстларим ва қардошларим,
Хамкасбу-улфатлар, азиз биродар,
Қўни-қўшни, маҳаллам ва устозларим.*

*Мен сизни севаман, онажонларим,
Бизни дуо қилган меҳрибонларим,
Илмий мажлис, хатми-қуръонда,
Бизга бахт тилаган дуогўйларим.*

*Мен сизни севаман, отажонларим,
Меҳри дарё бўлган эй сирдошларим,
Кеча-кундуз демай бизга ризқ топган,
Меҳнаткаш, жафокаш ва азизларим.*

*Мен сизни севаман, эй сингилларим,
Гўзал шўҳ қизларим ва асалларим,
Қоши қалам, узун, қисқа, ориқ ва семиз
Пазанда, арзанда, раққос қизларим.*

*Мен сизни севаман, биродарларим,
Меҳнатда чиниққан зўр деҳқонларим,
Ака-ука, амаки, тоға-жиянлар,
Қалбида меҳри бор ватандошларим.*

*Мен сизни севаман, эй касбдошларим,
Дурадгор, миришкор, уста дўстларим,
Амалдор, мансабдор, хурматга лойиқ,
Посбонлар, соқчилар ва жангчиларим.*

*Мен сизни севаман, эй гўзалларим,
Хонанда, созанда, яллачиларим,
Дунёга ўзбекни танитиб юрган,
Дуторчи қизларим, ўйинчиларим.*

*Мен сизни севаман, бозорчиларим,
Бизнесмен, тадбиркор, чайқовчиларим,
Ипподром, Ўрикзор, Абу-Саҳийда,
Тирикчилик қилаётган ватандошларим.*

*Мен сизни севаман, олигархларим,
Омади кеб қолган бой танишларим,
Қасрлар, ресторан ҳамда тўйхона,
Қуриб даврон сурган, эй қардошларим.*

*Мен сизни севаман, эй хамкасбларим,
Ўқитувчи, профессор, доцент дўстларим,
Кўчани чангитиб, элга беминнат,
Хизмат қилаётган киракашларим.*

*Мен сизни севаман, дин пешволари,
Юртимнинг ақлли тақводорлари,
Шайхлар, сўфилар, қори-домлалар,
Отинлар, имомлар ва хожилари.*

*Мен сизни севаман, талабаларим,
Ўқувчи, аспирант ва олимларим,
Фанда янгиликлар очмоқчи бўлган,
Ақли етук аълочи докторантларим.*

*Мен сизни севаман, қир-адирларим,
Тоғларим, боғларим ва далаларим,
Дарёлар, кўллар, сойлар ва булоқларим,
Сиз билан тирикдир бу жоним маним.*

ИЛОВАЛАР

1. Иқтисодий тизимда солиққа тортишнинг талаб ва тақлиф динамикасига таъсирини математик моделлаштириш

*«Дунё ва охираат эзгуликлари илм биландир
ҳамда дунё ва охираат шарафи ҳам илм биландир»*

Давлат солиққа тортиш тизими ўз ичига солиқлар мажмуасини, давлат бошқарув органларининг солиққа тортиш тизимидаги компетенциясини ва уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатини, солиқ ҳисоблаш усулларини ва солиқ назоратини қамраб олади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳар қандай давлат иқтисодиётга фаол таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиш учун солиқларнинг мақсадга мувофиқ бўлган катта бир тўплами ва турларидан фойдаланади. Бундай солиқлар куйидаги гуруҳларга бўлинадилар:

- қандай объектларга мансублигига қараб – бевосита ва билвосита солиқлар;
- қандай давлат органи олишига қараб – давлат ва маҳаллий солиқлари;

- ишлатилиш тартибига қараб – умумий ва махсус солиқлар.

Бевосита солиқлар жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг даромадлари ва мулкига солинади. Билвосита солиқлар эса ушбу ҳудуддаги маҳаллий органлар томонидан солинади. Умумий солиқлар давлат ҳазинасига тушиб, давлат органлари томонидан уларнинг умумдавлат ишлари учун ишлатилиши шарт-шароитларини белгилаб берилади. Давлат солиқлари давлатнинг марказий бошқарув органлари томонидан аниқланилади ва олинади. Маҳаллий солиқлар эса ушбу ҳудуддаги маҳаллий давлат бошқарув органлари томонидан солинади. Махсус солиқлар олдиндан аниқланган маълум бир мақсадлар учун ишлатилади. Масалан, давлат ижтимоий суғуртаси жамғармалари ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта учун ишлатилади. Солиқ тизимидан тўртта катта гуруҳни ажратиш олиш мумкин: булар давлат сектори, савдо-сотиқ ва тижорат сектори, молиявий сектор ва аҳолидир. Ривожланган давлатларда давлат секторидаги корхоналар кўпинча фойда келтирмайдиган турда бўлиб, уларнинг давлатга қайтарадиган даромади жуда кам ёки йўқ даражада бўлади. Бундай корхоналар кўпинча ўз ривож ва ишлаши учун дотациялар, субвенциялар ва грантлар талаб қиладилар. Молиявий бўлмаган тижорат сектори эса ўз ичига шахсий хўжаликларни, фермерларни, масъулияти чекланган жамиятларни, фирмаларни, компанияларни, ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқаларни олади.

Турли хил давлатларда мавжуд бўлган молиявий солиқ тизимининг тузилиш тамоилларидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: давлат бюджетининг ҳар бир тури ўз даромад манбаъларига эга бўлиши керак. Молиявий маблағларнинг ҳаракати мобил бўлиб, бунда солиқларни бошқарув ишлари бўйича юқори давлат органлари шуғулланадилар. Ҳуқуқий шахслар ва фуқароларни солиққа тортиш бўйича давлат бошқарув органлари маҳаллий ҳокимиятнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда бу иш билан шуғулланишлари керак. Мобил бўлмаган солиққа тортиш объектлари бўлиб, ер, мулк, қурилишлар ва шунга ўхшашларни келтириш мумкин. Шунинг

учун ҳам маҳаллий давлат органлари ер ва ҳаракатсиз хўжалик объектларига солиқ солишни бошқариб турадилар.

Бозор иқтисодиёти механизми ривожланган давлатларнинг бюджет тузилиши ва солиққа тортиш тартибини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Давлат ҳокимияти бошқарув органларининг турли хил босқичлари бир-бири билан ўзига тегишли бўлган масъулиятларни ажратиб олиб, марказий давлат органларининг солиққа тортиш қонунига монанд равишда ва унинг асосида ишлашлари керак;
2. Бюджетнинг барча турлари алоҳида бўлиб, қонун билан аниқланган ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган даромад манбаъларига эга;
3. Бюджетнинг қуйи қисмларидан давлат дастурларини хал қилиш учун маълум қисмлар ёки бўлақлар ажратиш жуда ҳам кам миқдорда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан янги хўжалик юритиш усулларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, якка хўжалик юритиш ҳамда тадбиркорликнинг кенг миқёсда ривожланиши туфайли ҳозирги пайтда аҳолини прогрессив усулда солиққа тортиш қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки бундай солиққа тортиш усулидан фойдаланиш аҳолини солиққа тортишда аккумуляцияланган солиқни кам даромадли аҳоли гуруҳларига тақсимлаш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга оширишга имкон беради. Бу ишга харид солиғи, кўчмас ва ҳаракатчан мулк солиғи, мерос солиғи каби янги турларини муомалага киритиб, уларни дифференциялашган ҳолда амалга ошириш орқали эришилади.

Индивидуал солиққа тортиш «*дискрецион даромад*» тушунчасига асосланган. Бу даромад умумий даромад билан унинг индивидуал эҳтиёжни қондирадиган қисми орасидаги фарқни билдиради. Дискрецион даромад юқори сифатли товарлар сотиб олганларни солиққа тортиш учун ишлатилиши мумкин (*қимматбаҳо дача ва виллалар, уй-жойлар, машиналар, мебеллар, олтин ва антивариат буюмлар, қаср сифат иморатлар харид қилганлар ёки қурганлар ва хакозалар*). Бунда албатта уларнинг даромад

манбаъларини атрофлича ўрганиш ҳам керак бўлади, албатта (*айниқса давлат аппарати амалдорларининг ва катта бизнес вакилларининг даромадларини декларация қилиш назарда тутилади*).

Солиққа тортиш прогрессив шкаласининг тузилиши ва солиқнинг оптимал миқдорини аниқлашда дискрецион даромад миқдори ҳам ҳисобга олиниши шарт. Мамлакатда бевосита солиқлар давлат даромадининг анчагина қисмини ташкил қилиб, бу даромаднинг асосий қисмини иш юритиш билан боғлиқ солиқ (*налог с оборота*) ва ташқи иқтисодий алоқалардан хосил бўладиган солиқ (*экспорт ва импорт*) ташкил қилади. Божхона келтирадиган даромадлар пошлина кўринишида олинса, экспортдан келадиган даромадлар давлат бюджетига тушади. Энди ушбу тушунтиришлардан сўнг, солиққа тортиш механизмини моделлаштириш асосида таҳлил қилиш усулларини кўриб чиқамиз. Албатта, давлат солиқ сиёсатини тўлалигича ва барча томонларини ҳисобга олган ҳолда моделлаштириш анча мураккаб информацион-математик масала бўлиб, ушбу ишнинг мақсади бундай масалани тўла-тўқис хал қилиш эмас, балки солиққа тортиш жараёнини моделлаштиришнинг ва таҳлилнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш ҳамда солиққа тортишга фоиз механизмнинг таъсирини ўрганишдир, холос. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, солиққа тортиш тизими шартли равишда икки қисмдан иборат деб қарасак бўлади. Буларнинг биринчиси, ишлатилаётган захиралар учун тўланадиган тўловлар бўлиб, корхона қанча кўп ноёб захиралардан фойдаланса, у шунча кўп миқдордаги солиқни давлат бюджетига тўлаши керак бўлади. Иккинчиси эса қолдиқ даромадни солиққа тортиш бўлиб, бу даромад корхона фойдаланган захиралар билан боғлиқ керакли тўловларни тугатгандан сўнг, унда қолдиқ сифатида қоладиган даромадга солинадиган солиқдир. Ушбу солиқ маҳаллий бюджетни хосил қилиш учун ишлатилади. Албатта, солиқлар товарларнинг нархи ошишига олиб келади ҳамда товар ишлаб чиқарувчи томонидан олинаётган даромадни эса маълум миқдорга камайтиради. Энди солиққа тортиш динамикасининг математик модели

кандай бўлишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун вақт бирлиги ичида солиқ тарихида берилган пул миқдорини ўзгармас деб қабул қиламиз. У ҳолда изланаётган математик моделни қуйидаги биринчи даражали чизиқсиз дифференциал тенгламалар системаси шаклида ифодалашимиз мумкин бўлади:

$$dX_i/dt = a_1 x_i - a_2 x_i^2 - a_3$$

Бу ерда, $X_i = C_i - C_0$

C_i - ишлаб чиқарувчи томонидан товар ёки хизматга қўйилган баҳо (бу ерда ва бундан кейин баҳо деганда, товар ишлаб чиқарувчи томонидан олинган фойда миқдори кўзда тутилади),

C_0 - нархнинг чегаравий қиймати,

t - вақт,

a_1 - нарх ўсиши билан бозорда таклиф қилинаётган товар ёки хизмат миқдори ўсиши суръатини кўрсатади,

a_2 - нархнинг чегарасини кўрсатувчи катталиқ, яъни, $a_2 x_i^2$ - дифференциал тенгламанинг нархнинг ўсишига монелик қилишни кўрсатадиган функционал бўлаги,

a_3 - вақт бирлигидаги солиқ миқдори. Унинг олдидаги манфий ишора солиқ туфайли товар ишлаб чиқарувчи томонидан олинган фойда миқдори камайишини кўрсатади.


Бу тенгламани таҳлил қилиш учун уни каноник кўринишга олиб келамиз. Бунинг учун эса қуйидаги белгилашлардан фойдаланамиз:

$$X = (a_2 * X_i) / a_1, \quad \tau = a_1 * t, \quad L = (a_2 * a_3) / a_1^2$$

У ҳолда юқоридаги тенглама қуйидаги каноник ҳолга келади:

$$dX/d\tau = (1-X) * X - L$$

бу ерда L катталиги квота деб аталади. Таҳлил содда бўлиши учун $X \leq 1$ бўлган ҳолатни кўриб чиқамиз. Ушбу таҳлил натижалари қуйидаги расмда келтирилган:



Солиқнинг a_3 ёки L катталигининг унчалик даражада катта бўлмаган қийматида


$$0 < L < 1/4$$

иккита A ва B мувозанат ҳолати мавжуд бўлади. Пастки мувозанат ҳолати, яъни $X = A$ барқарор бўлмаган ҳолатдир ва агарда бирор бир сабаб туфайли ишлаб чиқарувчи томонидан товарга қўйилган нарх - C_i , A қийматидан камайиб кетса, у ҳолда маълум вақт оралиғида товар баҳолари нолгача камайиб кетади. Юқори мувозанат ҳолати B эса расмдан кўриниб турганидек барқарор – бу стационар режим бўлиб, бунда ўзгармас L катталигида баҳо маълум бир қийматли катталikka келиб тўхтади.

Агарда $L > 1/4$ бўлса, у ҳолда барқарорлик ҳолати йўқ бўлади ва бунда маълум вақт оралиғида товар баҳоси ноль қийматига келади.

Агарда $L = 1/4$ бўлса, фақат биргина барқарор бўлмаган мувозанат ҳолатига эришилади.

Геометрик кўринишда ушбу ҳолатларни чуқурликда, тепаликда ва қияликда жойлашган шарчалар кўринишида бўлган қуйидагича чизмалар ёрдамида кўрсатишимиз мумкин:



*Барқарор мувозанат
ҳолати*

*Барқарор бўлмаган мувозанат
ҳолати*

*Барқарор бўлмаган
ҳолат*

$L = 1/4$ бўлмаган ҳолатда ушбу тенглик орқали аниқланиладиган

тезлик билан пулларни оборотдан олиш ҳолатида баҳоларнинг озгинагина миқдорда ўзгариши баҳоларнинг маълум вақт оралиғида бутунлай пасайиб кетишига олиб келади, яъни, инқироз содир бўлади. Шундай қилиб, бу таҳлил шуни кўрсатадики, назарий жиҳатдан ҳар қандай миқдордаги солиққа тортиш мумкин албатта, аммо максимал тарзда солиққа тортиш инқирозга олиб келади – шунинг учун ҳам бу қалтис йўлдан юрмаган маъқулроқ. Ундан ташқари, **$L = 1/4$** қийматига яқин бўлган катталиқдаги солиқларни амалга оширмаган маъқул, чунки бу ҳолатда баҳоларнинг озгинагина миқдорда ўзгариши ҳам баҳолар даражасининг нолга қадар камайишига олиб келади. Яна бир марта айтиб ўтишимиз керакки, бу ерда баҳо деганда, товар ишлаб чиқарувчи томонидан олинadиган фойда миқдори кўзда тутилади, албатта. Ушбу таҳлил бозордаги талаб ва таклиф жараёнини назарга олмасдан амалга оширилди. Агарда бу ҳолатни ҳам ҳисобга олганимизда, бундай таҳлил жараёни анча мураккаблашиб, охир-оқибатда барибир талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолатдаги юқорида кўриб ўтилган хулосаларга албатта келар эдик. Фақатгина бу ҳолда охирги хулосалар билан боғлиқ бўлган конкрет қийматларгина бошқача бўлар эди, холос.

Энди нисбий солиқларнинг таклиф динамикасига таъсирини кўриб чиқамиз. Бунинг учун солиқ туфайли таклиф баҳоларининг абсолют кўпайиш

тезлиги ўрнига нисбий тезликни кўришимиз керак бўлади. Ҳақиқатан ҳам бу ҳолда солиқни баҳоларнинг $X_i = C_i - C_0$ бир қисми деб аниқлашимиз мумкин:

$$dX/d\tau = (1-X) * X - P * X, \quad X = (a_2 * X_i) / a_1$$

Бу ерда $0 < P < 1$ яъни P коэффиценти солиқ солиниш фоизини кўрсатади. Ушбу ҳолда барқарор бўлмаган мувозанат ҳолати $X = A$ нуқтада бўлади, иккинчи мувозанат ҳолати B эса P нинг ҳар қандай қийматларида ҳам барқарор бўлади ($0 < P < 1$). Маълум бир вақтдан сўнг, баҳо C_i стационар режимга чиқади ($X = B$ ҳолати). Солиқларнинг бу ҳолатидаги абсолют қиймати $L = P - B$ миқдорига тенг бўлади. Бу нуқта эса қуйидаги шартга тўғри келади:

$$(1-X) * X - P * X = 0$$

Кичик миқдордаги солиқларда (P нинг кичик бўлган қийматлари) пулнинг олиниш тезлиги ҳам кам бўлиб, $P \longrightarrow 1$ бўлганда пул олиниш тезлиги кўпаяди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳолатни катта миқдордаги солиқ солиш ҳолати деб аташ мумкин бўлади. Демак, солиқларнинг ҳам ўз оптимал қиймати мавжуд бўлади деган хулоса чиқаришимиз мумкин. Бу оптимал солиқ қиймати эса $[0, 1]$ оралиғига мос бўлади. Юқорида кўриб чиққанemizдек, солиқ ишлаб чиқарувчи томонидан олинадиган фойдани камайтирса, талабнинг камайиши қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$dX_e/d\tau = -b_1 x_e + b_2 x_e^2 + e_e$$

Демак, солиқ солиш товар олувчи томонидан тўланадиган баҳонинг ошишига олиб келади. Нархнинг ўсиши эса талабнинг камайишига олиб келиши табиий. Агар бу тенгламани олдинги бўлимларда кўриб чиқилган пул массаси ўсиши тенгламаси билан биргаликда кўриб чиқсак, солиқларнинг ҳақиқий миқдори ҳам фоиз ставкаси таъсир қилиш механизми туфайли вақт ўтиши билан камайишини (*чунки солиқ туфайли олинаётган пул миқдори ҳам инфляцияга дучор бўлади*) ва бу давлат миқёсида инфляция даражасини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшишини кўришимиз мумкин. Ундан ташқари,

фоиз олиш механизмининг бевосита таъсири туфайли юқорида кўриб ўтилган барқарор мувозанат ҳолатининг ўзгариши юз беради ва бу ўз навбатида молиявий беқарорликка (*ностабилликка*) олиб келади. Барқарорликнинг бузилиши эса ўз навбатида иқтисодий бўҳронларга, банк тизимининг касодга учрашига ҳамда молиявий тизимнинг издан чиқишига сабаб бўлиши табиий.

2. Иқтисодий тизимда ишлаб чиқаришни динамик моделлаштириш

*«Олимнинг уйқуси,
жоҳилнинг ибодатидан афзалроқдир»
Хадисдан*

Микроиқтисодиётни, яъни, товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодиётини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганишга имкон берувчи математик моделлар тизимини тузиш ҳамда уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш жуда катта амалий ва назарий аҳамиятга эгадир. Чунки бу турдаги моделлардан фойдаланиш воситасида ишлаб чиқариш иқтисодий тизимини унинг хилма-хил алоқаларини, материаллар оқимини, бошқарув стратегияси ва тактикасини, давлат бошқарувини ҳамда фоиз механизми таъсирини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил қилиш имконияти яратилади. Ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштиришда қабул қилинган ўзгарувчилар, математик моделлар ҳамда функционал боғланишлардан фойдаланган ҳолда [12-16] ишлаб чиқариш тизимининг иқтисодиёти динамикасини бозор иқтисодиёти шароитида микроиқтисодиёт нуқтаи-назаридан ифодалаб берувчи математик моделларни биринчи даражали оддий дифференциал тенгламалар системаси кўринишида ёза оламиз:

$$\left\{ \begin{array}{l} dX_1/dt = - a_1 x_1 + a_2 x_2 + a_3 x_3 + a_4 I (t) \\ dX_2/dt = b_1 x_1 + b_2 x_2 + b_3 x_3 + b_4 x_4 - b_5 x_2^2 - b_6 x_2 \\ dX_3/dt = c_1 x_1 + c_2 x_2 - c_3 x_3 \\ dX_4/dt = d_1 x_1 + d_2 x_2 + d_3 x_3 - d_4 x_4 \\ dX_5/dt = H_p x_2^2 + f_3 x_3 + f_4 x_4 + H_p f_1 x_2^4 - H_p f_2 x_2^3 + f_5 x_1 + f_6 I (t) \end{array} \right.$$

Бу тенгламадаги ўзгарувчилар қуйидагиларни англатади: x_1 - асосий ишлаб чиқариш фондлари, x_2 - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, x_3 – ишлаб

чиқаришда банд бўлган ишчилар сони, x_4 - материал сарфлар ҳажми, x_5 - товарнинг таклиф қилинадиган баҳоси.

- $a_1 x_1$ ифода асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми кўпайиши билан унинг ўзгариш тезлиги dX_1/dt камайишини кўрсатади,

$a_4 I(t)$ – ифода инвестиция ҳажмининг ўсиши асосий ишлаб чиқариш фондларининг кўпайишига олиб келишини кўрсатади,

$a_3 x_3$ – ифода эса ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг кўпайиши асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсиш тезлиги dX_1/dt ортишига олиб келишини кўрсатади,

$a_2 x_2$ – ифода асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши билан ортишини кўрсатади.

Иккинчи тенгламада эса $b_1 x_1$ ифода асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми ортиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига олиб келишини кўрсатади, $b_2 x_2$ эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиш миқдори унинг ҳозирги катталигига тўғри пропорционал эканлигини билдиради, $b_3 x_3$ эса ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони ўсиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсишини кўрсатади. Ушбу тенгламанинг тўртинчи бўлаги $b_4 x_4$ - материал сарфлар ўсиши ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайишига олиб келишини кўрсатади. Охирги икки ифода $b_5 x_2^2$ ва $- b_6 x_2$ лар эса мос равишда ускуналарнинг эскиришини ва логистик тенгламага асосан ишлаб чиқаришнинг секинлашувини кўрсатади [12-14]. Учинчи дифференциал тенглама эса ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони x_3 ўзгаришининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми x_1 , маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми x_2 ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони x_3 га боғлиқлигини ифодалайди. Кўришиб турибдики, биринчи икки факторнинг ортиши ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сонининг кўпайишига олиб келади ва аксинча, учинчи факторнинг кўпайиши ишчилар сонининг ўсиш тезлиги dX_3/dt нинг камайишига олиб келади. Тўртинчи тенгламада материал сарфлар ўсиш тезлиги dX_4/dt нинг тўрт ишлаб чиқариш факторларига

боғлиқлигини ифодалаган. Ундан кўриниб турибдики, асосий ишлаб чиқариш фондлари x_1 нинг ортиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми x_2 нинг ортиши ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони x_3 нинг кўпайиши ушбу корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш учун керак бўлган материал сарфлар ҳажми x_4 нинг кўпайишига олиб келади. Аммо материал сарфлар ҳажмининг кўпайиши вақт бўйича унинг ўзгариш тезлиги dX_4/dt нинг камайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бу фактни кўрсатадиган ифода манфий ишорага эгадир $-d_4 x_4$.

Кўриб чиқиладиган дифференциал тенгламалар системасининг охириги тенгламаси товарнинг маълум бир қисми таклифи баҳоси X_5 нинг асосий ишлаб чиқариш факторлари билан алоқасини кўрсатиб беради. Тенгламадан кўриниб турибдики, асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми x_1 нинг кўпайиши, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони x_3 нинг ўсиши ва материал сарфлар ҳажми x_4 нинг ортиши бозорда ушбу товарга бўлган таклиф нархининг кўпайишига олиб келади. Ушбу тенгламадаги чизиқли бўлмаган ифодалар $H_p x_2^2$, $H_p f_1 x_2^4$, $H_p f_2 x_2^3$ иқтисодий синергетика фанида ишлаб чиқилган тушунчаларга таянган ҳолда ёзилган [13-16]. Тенгламанинг охириги $f_6 I(t)$ орқали ифодаланган кўриниши товарга кўйилган баҳода инвестициялар туфайли тўланадиган фоизлар миқдори қандай акс этишини ифодалайди. Ушбу чизиқсиз бўлмаган дифференциал тенгламалар системасини ечиш учун бирор бир $t = t_0$ вақтда унга кирган барча ўзгарувчилар ҳамда моделдаги ноаниқ параметрлар a_i , b_i , c_i , d_i ва f_i ларнинг қийматларини билиш керак бўлади. Бу икки масалани ечиш усулларини қисқача кўриб чиқамиз. Биринчи масалани ечиш учун тенгламанинг бошланғич шартларини қуйидагича ифодалаш етарли:

$x_1(t=t_0) = K_0$ - $t=t_0$ вақтга мансуб бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари миқдори;

$x_2(t=t_0) = Q_0$ - $t=t_0$ вақтга тегишли бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми миқдори;

$x_3(t=t_0) = L_0 - t=t_0$ вақтга мос келадиган ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони;

$x_4(t=t_0) = M_0 - t=t_0$ вақтга мансуб товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган материал сарфлар ҳажми;

$x_5(t=t_0) = C_0 - t=t_0$ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бошланғич баҳоси.

Юқорида кўрсатилган параметрларнинг катталигини ҳисоблаш учун албатта dX_i/dt кўринишидаги биринчи даражали хосилаларнинг катталигини бирор бир $t=t_0$ вақтда билиш ҳамда олинган чизиқли тенгламалар системасини a_i, b_i, c_i, d_i ва f_i ларга нисбатан ечиш керак бўлади. Бу эса ўз навбатида асосий ишлаб чиқариш фондларининг, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг, ишчилар сонининг ва материал сарфлар ҳажмининг бирор-бир бир-бирига яқин бўлган вақт интервалида билиш кераклигини талаб қилади. Бунда юқоридаги хосилалар куйидаги кўринишда ҳисобланила олинади:

$$dX_i/dt = [X_i(t_0 + \Delta t) - X_i(t_0)] / \Delta t$$

Бу хосилалар қийматини юқоридаги тенгламаларга қўйиш эса a_i, b_i, c_i, d_i ва f_i ларнинг бошланғич қийматларини топиш учун чизиқли алгебраик тенглама олишга ва уни бирор-бир математик усул ёрдамида ечишга олиб келади. Бу элементар математик масала бўлиб, уни ҳал қилиш унчалик катта муаммо юзага келтирмайди [16].

Агарда юқорида зикр этилган усуллар ёрдамида хосилаларни ҳисоблашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда a_i, b_i, c_i, d_i ва f_i ларни топиш учун олдинги даврларда ишлаб чиқариш факторлари қандай бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, дифференциал тенгламалар системасининг ечими ушбу факторлар ўзгариши билан мос келгунга қадар a_i, b_i, c_i, d_i ва f_i ларнинг қийматлари ўзгартирилиб борилса, уларни исталган аниқликда топиш мумкин бўлади. Албатта, бу ўзгартириш жараёни тасодифий эмас, балки бирор-бир мақсадга мувофиқ алгоритмлар воситасида амалга оширилиши табиий. Бундай алгоритмлар жумласига чизиқли бўлмаган программалаштириш соҳасига мансуб бўлган анчагина усулларни киритиш

мумкин. Масалан, Ньютон-Рафсон усули, Гаусс усули, итерацион усул, симплекс усули ва бошқалар бунга мисол бўлиши мумкин.

Маълумки, ҳар қандай турдаги корхоналар ўз ишлаб чиқариш режаларини фойдани максималлаштириш нуқтаи-назаридан тузиб чиқадилар. Масалан, агар $\mathbf{a}_i, \mathbf{c}_i$ орқали маҳсулот нархи ва ишлаб чиқариш ресурсларини белгиласак, у холда оптимал ишлаб чиқариш режаси бўлиб, фойда \mathbf{P} ни максималлаштиришга йўналган қуйидаги масалани ечиш тушунилади [16]:

$$\mathbf{P} = \mathbf{F}(\mathbf{y}, \mathbf{X}_i, \mathbf{a}_i, \mathbf{c}_i)$$

Бу масала эса қуйидаги ишлаб чиқариш функцияси орқали аниқланган чекланмаларда ечилиши керак бўлади:

$$\mathbf{y} = \mathbf{G}(\mathbf{X}_1, \mathbf{X}_2, \mathbf{X}_3, \dots, \mathbf{X}_n)$$

Демак, ушбу тенгламани фойда \mathbf{P} ни ифодаладиган тенгламага қўйиб, фойдани максималлаштирадиган оптимал ишлаб чиқариш режасини топишимиз мумкин. Бундан қуйидаги муҳим хулосани чиқаришимиз мумкин – ишлаб чиқариш функцияси ва фойда миқдорини ҳисоблаш учун тузилган алгебраик тенгламадан фойдаланиб, корхонанинг бошланғич оптимал ишлаб чиқариш режасини топиш мумкин экан. Агарда ишлаб чиқариш функциясини юқорида келтирилган дифференциал тенгламалар ечими сифатида ифодаласак, у холда биз оптимал ишлаб чиқариш режасининг барча ишлаб чиқариш факторлари билан динамик боғлиқлигини ва ўзаро алоқасини кўриб чиқишимиз мумкин бўлади. Бу эса ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқ равишда бошқариш, тўғри қарор қабул қилиш, ташқи ва ички салбий оқибатларнинг олдини олиш ва уларга қарши самарадор курашиш учун катта имкониятлар яратиб беради. Бунга қўшимча қилиб, инвестицияларнинг таъсирини, фоиз ставкасининг ишлаб чиқариш ҳажми миқдорига таъсирини (*яъни, фоиз механизми тўғрисида банкларда товар массасига боғлиқ бўлмаган тарзда ва ундан кўпроқ даражада ўсаётган пул массасининг ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиш имконияти кўзда тутилаяпти*) ҳамда солиққа тортиш механизмларининг ишлаб чиқаришга

бўлган таъсирини ва оқибатларини ўрганиш имкониятини яратилишини ҳам айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

*«Умматимнинг амиру-умаролари (амалдорлари) жабрлаш билан шуғулланадиган, олимлари таъмагирликка гирифтор бўладиган, оддий фуқаролар рижкорлик, икки юзламачилик билан мол-дунё топадиган, бойлар судхўрлик билан, аёллар ўзларига зеб-зийнат бериш билан шуғулланадиган замон келади»
Расулulloҳ (с.а.в.)*

1. *Бэнкинг по законам шариата. Материал подготовлен при содействии Российско-Арабского Делового Совета. //Национальный банковский журнал. — М.: 2009. № 5. С. 25—27.*
2. *Банки по законам Шариата — не только для мусульман // Деловой вестник. 2009. - С. 7 -18.*
3. *Максуд Р. Религии мира: Ислам. — М.: 2009. – 256 с.*
4. *Беккин Р.И. Специфика услуг исламских банков //Банковские услуги. 2009. № 8. С. 19—32.*
5. *Мирошник Е. Н. «Исламские банки», Банковское дело 1999, № 8.*
6. *Мирошник Е. Н. «Феномен исламских банков», Финансы и бизнес 1999, № 7.*
7. *Мирошник Е. Н. «Внутренние и внешние аспекты деятельности исламских банков», Востоковедный сборник, М. 1999.*
8. *Маргарит Кеннеди. Деньги без процентов и инфляции. Швеция. 1993*
9. *Аль Харран, Саад. Исламские финансы: финансирование предпринимательства. Пеландунг Пабблишинг.1993*
10. *Али М. Исламские банки и стратегия экономического развития. Лондон. 1982*
11. *Самуэльсон П. Экономика. М: МГП «Алгон», ВНИИСИ, 1992 г., в двух томах.*
12. *Быстрой Г.П. Что надо знать о рынке: теория рыночных отношений /неравновесный рынок/. Свердловск. 1990 г.*
13. *Самоорганизация в природе и в обществе. Л.: Наука, 1988 г.*
14. *Абдуллаев Ё.А., Аюпов Р.Х. Бозор иқтисодиёти ва пул муомаласи асослари. Т: ТМИ, 187 бет, 1993 йил*
15. *Быстрой Г.П. Экономическая синергетика: Модели рыночной экономики. Свердловск. 1990 г.*
16. *Джонстон Дж. Эконометрические методы. М: Статистика, 1984 г.*
17. *Дж. Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. М: Прогресс, 1978*
18. *Музаффар А., Джерард А. Кэхилл. Основные принципы организации беспроцентного банковского дела. // Проблемы Теории и Практики Управления./ www.ptpu.ru/issues/6_99/ru6_4htm*
19. *Исламские банки. Мирошник Е.Н. /Банковское дело/ №8, 1999, с.20-21*

20. Андрей Журавлев. *Ислам и экономика*.//Независимая Газета. №1(42). 18.01.2000
21. Зауддин Ахмад. *Переход от процентного банковского дела к исламскому беспроцентному. Валюта и финансы. Исламские банки в Малайзии* //БИКИ №139, 28.11.96
22. Милославский Г.В. *Возможна ли экономика по Шариату?*// Независимая Газета-Религии. №001(13). 23.01.1998
23. Гамелин П. *Беспроцентная прибыль*// Эксперт, №41.27.10.97
24. Джабиев А.Н. *Исламская финансовая система*.// НГ-Религии.№001(13). 23.01.1998
25. *Islamic Banking Forum: discussing growth, innovation & Shari'ah challenges* //New Horizon. *Global Perspective on Islamic Banking & Insurance*. 2009. №167. P. 36—37.
26. M. Ali. *Success of Islamic Finance* // New Horizon. *Global Perspective on Islamic Banking & Insurance*. 2009. № 149. P. 25.
27. M. Ali. *Wanted: a central plan for the development of Islamic banking* // New Horizon. *Global Perspective on Islamic Banking & Insurance*. 2009. № 149. P. 17.
28. M. Ali. *Islamic banking: concepts, problems, prospects* // New Horizon. *Global Perspective on Islamic Banking & Insurance*. 2009. №149. P. 42—43.
29. A. Mirakhor, Z. Iqbal. *Qard hasan microfinance (QHMF)* // New Horizon. *Global Perspective on Islamic Banking & Insurance*. 2009. №164. P. 18—20.
30. Md. Atiqur Rahman Khan Kladem. *Mudarabah: can an investor expect predetermined profit?* // New Horizon. *Global Perspective on Islamic Banking & Insurance*. 2009. № 162. P. 25—28.
31. M. Amin. *UK taxation of Islamic finance: where are we now?* //New Horizon. *Global Perspective on Islamic Banking & Insurance*. 2009. №161. P. 5—10.
32. H. Ullah. *Shariah compliant real estate finance* // New Horizon. *Global Perspective on Islamic Banking & Insurance*. 2009. № 161. P. 18—22.
33. Mabid Ali Al-Jarhi. *UAE Islamic Banking Sector 2000—2006. — Mode of access:*http://www.bta.kz/en/fin/iconf/UAE_Islamic_Banking_Sector_2008—2009.pdf
34. Farouqui, Mahmood. *Islamic Banking and Investment: Challenge and Opportunity*. Kegan Paul International. 1997
35. Hamoud, Samuel L. and Vogel, Frank E. *Islamic Law and Finance: Religion, Risk and Return*. Klue Law International. 1998
36. Khan, Mohsin and Mirakhor, Abbas. *Theoretical Issues in Islamic Banking and Finance*. Institute of Research and Islamic Studies. 1998
37. Khan, Shahrukh Rafi. *Profit and Loss Sharing: An Islamic Experiment in Finance and Banking*. Oxford University Press. 1988
38. Shirazi. *Islamic Banking Contract*. Buffer-Heinemann. 1990

39. Berger, Renee A. and Gabriel Kaspar. *An Overview of the Literature on Community Development Corporations. Nonprofit Management and Leadership*, 1998, 4(2):241-55
40. Wayman, Carol. *At Your Fingertips: An Annotated Bibliography of CED Practitioners. Washington, DC.: National Congress for Community Economic Developers. 1997*
41. McKnight, John Kretzman. *Building Communities from the Inside Out: A Part Toward Finding and Mobilizing a Community's Assets. Chicago ACTA Publications. 1998*
42. Bendick, Jr. Marc and Mary Lou Egan. *Business Development in the Inner City: Enterprise with Community Links. New York: Community Development Research Center. New School for Social Research. 1994*
43. Abdallah A. 'Islamic Banking', *Journal of Islamic Banking and Finance*, January-March, 4(1), 2003
44. Ahmad Sheikh Mahmud. *Economics of Islam, Lahore, 1989*
45. Ariff M. *Islamic Banks and Strategies of Economic cooperation. Jeddah, 1993*
46. Siddiqi T.W. *Islamic Banking: theory and practice, Islamic Foundation, GB, Leicester, 2002*
47. Su'ud, M. Abu. *The Economic order within the general conception of the Islamic way of life. GB, Islamic Review, London, 55(2)*
48. Uzair, Mohammed. *An outline of "Interestless Banking", Raihan Publications, Karachi, 1999*
49. Hatim Mohammed. *The role of an interest free economy in economic development. Muslim cooperation news. USA, New-York, 2004*
50. A. F. Darrat, M.O. Sullman. *USA, Louisiana Technical University, Louisiana, 2003*
51. Shahrukh Rafi Khan. *Islam Economics. Pakistan Institute of Development Economics. Karachi, 1987*
52. Abd-Al-Hamid Abu Sulayman. *The Economics of Tauheed and Broderhood, Contemporary Aspects of Thinking in Islam. USA, American Trust Publications. 1976*
53. Sabri F. Ulgener. *Monetary conditions of Economic Growth and the Islamic Concept of Interest. Islami Review, 1967*
54. Homayuon Katouzian. *Riba and Interest in an Islamic Political Economy. Peoples Mediterraneens No. 14, 1981*
55. Shahrukh R. Khan. *An Economic Analysis of PLS banking. Pakistan Journal of Applied Economics, 1985*
56. A. L. Udovitch. *Partnership and Profit in Medieval Islam. USA, Princeton, Princeton State University Press, 1970*
57. Eugens F. Brigham, *Fundamentals of Financial Management. USA, Illinois, Dryden, 1978*
58. Ernest W. Walker. *Essentials of Financial Management, USA, Englewood Cliffs: Prentice-Hall, 1965.*

59. *Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О ЧЛЕНСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ИСЛАМСКОМ БАНКЕ РАЗВИТИЯ» (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2003 г., № 15-16, ст. 139; 2012 г., № 8-9, ст. 82)*
60. *Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О ЧЛЕНСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ИСЛАМСКОЙ КОРПОРАЦИИ ПО РАЗВИТИЮ ЧАСТНОГО СЕКТОРА» (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 51, ст. 517)*

Тўрт гуруҳ одамлар Беҳиштга кирмайдилар ва унинг ноз-неъматларидан маҳрум бўладилар:

Биринчиси – шароб ичувчилар,

Иккинчиси – судхўрлар,

Учинчиси – етимлар молни еганлар,

Тўртинчиси – ота-онасига оқ бўлганлар.

Илоҳо, Саййидалмурсалйн ва аъло олиҳи асҳобиҳи ажмаъин ҳурмати билан барча мўмин ва мўминаларни судхўрликдан, фоизга муомала қилиш (рибо олиш) дан сақлагин, судхўрлар суҳбатидан ўз ҳизфу-ҳимоянда асрагин.

Р. Х. Аюпов, Г.Р. Болтабоева. “Ислом банкиги ва унинг имкониятлари”,
- Т.: ТМИ, 2010. - 107 бет



Muallif: Ayupov Ravshan Xamdamovich, fan doktori, professor, 1950 yilda Toshkent shahrida tug'ilgan, darslik, monografiyalar, bir qancha o'quv va ilmiy-ommabop qo'llanmalar hamda ilmiy maqolalar tayyorlagan va nashr qilgan.



«Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса будир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ – ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат – ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ – қаноатга; тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши ҳосиятли бўлмоқ – адолатга тегишлидир. Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассам бўлса, дунёдаги энг буюк мавқе ҳам уни гангитиб қўймайди. Энг катта кулфат ҳам уни саросимага сола олмайди. Бундай одам атрофида ўзини қувонтирмайдиган нарсаларнинг борлигидан ғам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан маҳрум бўлса, ранжимайди. Бошига фалокат келса, ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳикмат – битмас-туганмас ҳазинадир. Харжлаганинг билан камаймайди, асраганинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди»

«Калила ва Димна» дан

Ayupov Ravshan Hamdamovich



Baltabaeva Guzal Ravshanovna

